

O'ZBEKISTON ISSN 2181-502X QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№3. 2022

*Ассалом, Наврўз –
янгиланиш, меҳр-оқибат
ва қадр-қиммат айёми!*



*Баҳор айёми барчанизга
муבורак бўлсин!*

*Ассалом, Наврўз – янгиликлар,
меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми!*

**ЧАПҚИРҒОҚ АМУДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ
ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ жамоаси**

**Мамлакатимиз халқини, ирригатор ва
миробларини гўзаллик, нафосат,
уйғониш фасли бўлган
Наврўз айёми**

билан чин қалбдан табриклайди.

**Кириб келаётган Баҳор байрами файзу-
барака, дастурхонимизга янада тўкин-
сочинлик олиб келсин.**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ерларининг самарадорлигини, жумладан, сувни тежайдиган технологияларни қўллаган ҳолда, оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари замон талабларига мослаб борилаётганлиги сабабли сувни тежайдиган технологиялар 2021 йилнинг ўзида **433 минг гектар** майдонда жорий этилди ва уларнинг умумий кўрсаткичи **суғориладиган майдонларнинг 17 фоизини ташкил қилди**.

Бироқ, сувни тежайдиган суғориш тизимларини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, харид қилиш, жойларда лойиҳалаштириш ва ўрнатишдаги камчиликлар ҳамда айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг бу борадаги кўникмалари етарли эмаслиги мазкур технологияларнинг ўз вақтидан кечикиб жорий қилинишига сабаб бўлмоқда.

Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишдаги мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, минтақада кузатилаётган сув танқислигининг салбий таъсири юмшатиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув ресурсларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 2022 йилда **478 минг гектар майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш** орқали сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. 2022 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бў-

йича **прогноз кўрсаткичлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин**.

Бош вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда мазкур қарорга 1-илова билан тасдиқланган прогноз кўрсаткичларга мувофиқ **2022 йил якунига қадар республика бўйича камида:**

230 минг гектар, шу жумладан, **160 минг гектар** пахта хомашёси етиштирилаётган майдонларда **томчилатиб суғориш**;

28 минг гектар, шу жумладан, **25 минг гектар** бошоқли дон етиштирилаётган майдонларда **ёмғирлатиб суғориш**;

2 минг гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонларида **дискретли суғориш** тизимлари жорий қилинишини;

218 минг гектар экин майдонларининг **лазерли ускуна ёрдамида текисланишини** ташкил этсин;

б) Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Бош прокуратура (Ш.Ж.Рахимов), Ички ишлар вазирлиги (С.А.Нишанбаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда тасдиқланган **прогноз кўрсаткичлар ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин** ҳамда натижаларини танқидий муҳокама қилиб борсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев), “Худудий электр тармоқлари” АЖ (У.М.Мустафоев), Геология ва

минерал ресурслар давлат қўмитаси (Б.Ф. Исламов) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда 2022 йилда** сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича **манзилли рўйхатни тасдиқласин**, бунда:

сувни тежайдиган тизимлар, биринчи навбатда, йирик сув узатиш ва сув чиқариш тармоқларининг бош қисмида жорий этилиши лозимлигини инобатга олган ҳолда **“бир канал – бир тизим”** тамойили асосида жойлаштирилишига;

экин майдонларининг мавжуд инфратузилмасидан келиб чиққан ҳолда доимий равишда **узлуксиз электр энергияси ва сув билан таъминлаш** имкони мавжудлигига эътибор қаратилсин.

4. 2022 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда **сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартиби белгилансин:**

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг **бир қисмини қоплаш учун субсидиялар 2-иловага мувофиқ**;

сувни тежайдиган суғориш тизимларини харид қилиш ва қуришга ажратилаётган **банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар 3-иловага мувофиқ** тақдим этилади.

Субсидия маблағлари мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ ҳисоб-китоб қилингандан сўнг, **ҳисоб-китоб қилинган сумманинг:**

50 фоизи тизим жорий қилинган йили ажратилади;

50 фоизи келгуси йили ҳосилдорлик ошиши ва ускуналарнинг ишлатилишига қараб ажратилади;

қўшимча 20 фоизи учинчи йилда жорий қилинган тизимни ишлатган ҳолда юқори ҳосилдорликни сақлаб қолган **пахта, ғалла ва мева-саб-завот кластерларига тўлаб берилади.**

5. Белгилансинки:

мазкур қарорнинг 4-бандида назарда тутилган субсидия маблағлари жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш тизимлари камида **беш йил ишлатилиши шарти билан ажратилади;**

сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган ер майдонлари камида **5 йил мобайнида мақбуллаштирилмайди**, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига ердан фойдаланувчи розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг **ўрни тўлиқ қопланганидан сўнггина рухсат этилади;**

2021 йилда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилганлиги учун Давлат бюджетидан субсидия маблағларини олган, бироқ жорий этилган сувни тежайдиган суғориш тизимларини суғориш мавсумида ишлатишга улгурмаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар мазкур тизимни **2022 йил суғориш мавсумига қадар ишга туширмаган тақдирда олинган субсидия маблағларини белгиланган тартибда Давлат бюджетига қайтаради.**

Бош прокуратура (Ш.Ж.Рахимов), Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (А.Д.Вахабов) ва Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев ва Р.Ж.Қаршиев) мазкур бандда белгиланган талабларнинг ижросини қатъий назоратга олсин.

6. Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўқоров, Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) **2022 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш учун республика бюджетидан 1 182,4 миллиард сўм маблағларнинг ўз вақтида ажратилишини таъминласин.**

7. Сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинган экин

майдонлари узлуксиз:

сув билан таъминланишига – сув хўжалиги вазири Ш.Р.Хамраев; **электр энергияси билан таъминланишига** – “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси У.М.Мустафоев **шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.**

8. Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларда **мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига:**

ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари таркибида **1 штат бирлигидан иборат ички аудит гуруҳлари** (кейинги ўринларда – ИТХБ ички аудит гуруҳлари) ташкил этилсин;

Сув хўжалиги вазирлигининг **ички аудит хизматига қўшимча 1 та штат бирлиги ажратилсин.**

Белгилансинки:

а) ИТХБ ички аудит гуруҳлари бевосита Сув хўжалиги вазирлигининг ички аудит хизматига бўйсунди;

б) ИТХБ ички аудит гуруҳларининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ **ажратиладиган субсидияларнинг тўғри ҳисобланганлигини** ҳамда **белгиланган тартибда расмийлаштирилганлигини** ўрганиш;

жорий қилинган сувни тежайдиган тизимларнинг **ҳаққонийлигини жойига чиққан ҳолда ўрганиш;**

Сув хўжалиги вазирлигига сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун **субсидия ажратиш ёки ажратмаслик юзасидан хулоса киритиш;**

сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга сарфланган харажатлар бўйича ҳужжатларни ҳамда бу борада амалга оширилган **бухгалтерия операцияларини доимий мониторинг қилиб бориш;**

сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишда **вужудга келиши мумкин бўлган қонун бузилиши ҳолатларининг барвақт олдини олишга** қаратилган чоралар юзаси-

дан таклифлар ишлаб чиқиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўлими томонидан юритиладиган сувни тежайдиган тизимларнинг жорий қилинган майдонлари бўйича **ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини** назорат қилиш.

9. Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Ш.Ш.Шарахметов) билан биргаликда **бир ой муддатда** ўтган йилларда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ишларини сифатли амалга оширган ҳамда бозор иқтисодиётида эркин рақобат талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган **“Tomchi-reestr” пудрат корхоналарининг ягона электрон реестри** (кейинги ўринларда – **“Tomchi-reestr” ЯЭР**)ни ишлаб чиқсин.

“Tomchi-reestr” ЯЭРни ишлаб чиқишда, жумладан, қуйидагиларга эътибор қаратилсин:

корхонанинг **ишлаб чиқариш базасига** эга бўлишига;

корхона томонидан **маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришнинг** йўлга қўйилганлиги ёки хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг расмий дилерлик мақомига эга бўлишига;

амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан **солиқ хавфи** даражасига;

лойиҳани амалга ошириш учун **зарур техника, малакали мутахассис, жумладан, лойиҳачи, инженер ва агрономлар** билан таъминланганлик даражасига;

амалга оширилган лойиҳалар доирасида фермер хўжаликларига **сервис хизмати кўрсатилиши** йўлга қўйилганлигига.

Белгилаб қўйилсинки, **“Tomchi-reestr” ЯЭР**га киритилмаган пудрат корхоналари **томонидан амалга оширилган лойиҳаларга субсидия маблағлари ажратилмайди.**

10. **“Tomchi-reestr” ЯЭР**га киритиладиган субъектларни аниқлаш учун

Сув ҳўжалиги вазирлигига:

Давлат солиқ кўмитаси, Давлат статистика кўмитаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ходимлар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар, тўланган солиқлар ва иш ҳақи фонди тўғрисидаги маълумотлар;

бошқа мутасадди вазирликлар ва идоралар томонидан зарур идоравий маълумотлар ўрнатилган тартибда тақдим этилиши белгилаб қўйилсин.

11. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (К.А. Юлдашев) Сув ҳўжалиги вазирлиги (Р.Ж.Қаршиев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О.А.Пекось) ҳамда Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров) билан биргаликда **2022 йил 10 мартга қадар** сувни тежайдиган технологияларни жорий қилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар бериш юзасидан тегишли материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ҳамда ваколатли орган ва ташкилотлар билан келишишнинг **“Agro-subsidiya” ягона ахборот тизими** (кейинги ўринларда – “Agro-subsidiya” ЯАТ) жорий қилинишини таъминласин.

12. **“Agro-subsidiya” ЯАТ** ҳамда **“Tomchi-reestr” ЯЭРдан фойдаланиш харажатлари Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилиши** белгилансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 октябрдаги “Қишлоқ ҳўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4499-сон қарорига мувофиқ **2022 йил 1 январдан:**

пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштириш учун насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қилган электр энергияси қийматини Давлат бюджетидан субсидиялар ҳисобига қоплаш тартиби **фақат сувни тежайдиган технологияларни жорий этган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига татбиқ этилиши;**

қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан сув ҳўжалиги ташкилотларининг суғориш қудуқлари ва вертикал дренаж қудуқларидан қишлоқ ҳўжалиги экинларини суғориш учун фойдаланишга **сувни тежайдиган технологияларни қўллаш шарти билан рухсат этилиши** маълумот учун қабул қилинсин.

Бош прокуратура (Ш.Ж.Рахимов), Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров) Ички ишлар вазирлиги (С.А. Нишанбаев) ва Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев ва Р.Ж. Қаршиев) мазкур бандда белгиланган талабларнинг ижросини **қатъий назоратга олсин.**

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И.Норқулов) Молия вазирлиги (А.Я.Хайдаров) ва Сув ҳўжалиги вазирлиги (Р.Ж.Қаршиев) билан биргаликда **икки ой муддатда 10 гектардан кам бўлмаган пахта ва бошоқли дон майдонлари учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг 50 фоизигача, бироқ 100 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда қоплаш тартибини** ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Сув ҳўжалиги вазирлиги (Р.Ж. Қаршиев) Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (А.М.Тўраев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (Ш.У. Турдикулова) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Р.Р. Ҳакимов) билан биргаликда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган **ғўза майдонларида суғориш меъёрлари, ғўзанинг ривожини таъминлашга қаратилган инновацион агротехнологияни ишлаб чиқиш бўйича илмий лойиҳа тайёрласин ва экспертиза натижаларига мувофиқ илмий фаолиятга оид Давлат дастурлари доирасида амалга ошириш чораларини кўрсин.**

16. Қўйидагиларга:

Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига – ҳолислик ва шаффофлик тамойилларига асосланган ҳолда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича

олиб борилаётган ишларнинг самардорлигини таъминлаш;

сув ҳўжалиги вазири Ш.Р.Хамраев зиммасига – ҳудудларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда томчилатиб суғориш тизимини куриш бўйича намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, шунингдек, томчилатиб суғориш тизимини монтаж қилиш ва сервис хизмати кўрсатиш гуруҳлари ташкил этилишини таъминлаш;

қишлоқ ҳўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев зиммасига – ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, сувни тежайдиган технологиялар орқали пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштириш бўйича агротехнологик хариталарни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги директори Р.Р.Бобоев зиммасига – барча янги ташкил этилаётган саноатбоп узум плантацияларига томчилатиб суғориш тизимлари ўрнатилишини таъминлаш юзасидан жавобгарлик юклансин.

17. Сув ҳўжалиги вазирлиги (А.А.Мирзаев) Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Ш. Мирзаев) ва Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров) билан биргаликда **икки ҳафта муддатда** мазкур қарорга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 95-сон қарорига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган **Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.**

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига **4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.**

19. Мазкур қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 1 март

ТЕЖАМҚОРЛИК – СУВ ТАНҚИСЛИГИНИ ЕНГАДИ

Белгиланган сув олиш лимитларидан тежаб фойдаланган, сувни иқтисод қилувчи суғориш технологияларини жорий қилган сув истеъмолчиларини рағбатлантириш ҳамда сув олиш тартибини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш чораларини кўриш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон Стратегияси” китобидан.

Қишлоқ хўжалиги ривожини, фуқароларимизнинг турмуш фаровонлигини таъминловчи неъмат бу сувдир. Бу борада сувчиларимиз оби-ҳаётнинг ҳар томчисини қадрлаш, исроф қилмаслик, ундан унумли фойдаланиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Бу борада 2021 йилда сув ресурслари ҳар йилгидан 25-30 фоизга танқис бўлишига қарамасдан сувчиларимизнинг машаққатли меҳнатлари эвазига истеъмолчиларга йил давомида 44 млрд. м³, суғориш мавсумида 32,6 млрд. м³ сув етказиб берилди.

Сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация-мелиорация ишлари, ерларни лазерли текислаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобидан 10 млрд. м³, шу жумладан, суғориш мавсумида 8 млрд. м³ сув иқтисод қилинди.

Мазкур ишлар кейинги йилларда ҳам изчил давом эттирилади. Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 28 январдаги Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида вазифалар белгиланган. Бунда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига камида 7 млрд. м³ сувни иқтисод қилиш кўзда тутилган.

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш учун кенг қўламли чоратадбирлар ишлаб чиқилди ва олдинги йилларда бошланган сувни тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича саъй-ҳаракатлар бу йил ҳам изчил давом эттирилади.

Масалан, ирригация-мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳисобига 308 минг гектар ер майдонининг сув таъминоти ва 171 минг гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, 6610 та сув хўжалиги объектида замонавий рақамли технологияларни ўрнатиш кўзда тутилган.

Шу ўринда бир жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Ҳозирга келиб Ўзбекистон сув тежовчи технологиялар, жумладан, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологияларини жорий этиш бўйича дунёда 16-ўринга чиқди. Марказий Осиё мамлакатлари орасида 1-ўринда турибди. Шу боис, Ўзбекистон сув тақчиллигини камайтириш учун сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва сувни бошқаришда замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида Марказий Осиё давлатлари орасида ташаббускор бўлмоқда, десак асло муболаға бўлмайди.

Мамлакатимиз Президентининг куни кеча қабул қилинган “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса бу борадаги ишларимизни яна бир поғона юқорига кўтариш имконини беради.

Қарорда 2022 йилда 478 минг гектар майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш, шу жумладан,

230 минг гектар томчилатиб, 28 минг гектар ёмғирлатиб, 2 минг гектар дискрет усулида суғориш ҳамда 218 минг гектар майдонни лазерли текислаш белгиланган.

Бунда, замонавий технологиялар биринчи навбатда, “бир канал – бир тизим” тамойили асосида йирик сув узатиш тармоқларининг бош қисмида жорий этилади. Экин майдонларининг мавжуд инфратузилмасидан келиб чиққан ҳолда доимий равишда узлуксиз электр энергияси ва сув билан таъминлаш имкони мавжудлиги эътиборга олинади.

Сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари замон талабларига мослаштирилади. Бунда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисmini қоплаш учун ажратиладиган субсидиялар миқдори сув тежовчи тизимнинг сифатидан келиб чиқиб белгиланади ҳамда ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 50 фоизи тизим жорий қилинган йили ажратилади. Қолган 50 фоизи эса келгуси йили ҳосилдорлик ошиши ва ускуналарнинг ишлатилишига қараб ажратилади. Бундан ташқари, қўшимча 20 фоизи учинчи йилда жорий қилинган тизимни ишлатган ҳолда юқори ҳосилдорликни сақлаб қолган пахта, ғалла ва мева-сабзавот кластерларига тўлаб берилади.

Сувни тежайдиган суғориш тизимларини харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар бериш тартиби эса сақлаб қолинади.

Қарор доирасида ажратиладиган барча субсидия маблағлари жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш тизимлари камида беш йил ишлатилиши шарти билан берилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган ер майдонлари камида 5 йил мобайнида мақбуллаштирилмайди, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига ердан фойдаланувчи розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли етказилган зарар-



нинг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнггина рухсат этилади.

2022 йил 1 мартга қадар сувни тежайдиган технологияларни жорий қилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига субсидиялар бериш юзасидан тегишли материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ҳамда ваколатли орган ва ташкилотлар билан келишишнинг "Agro-subsidiya" ягона ахборот тизими жорий қилинади.

Сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ишларини сифатли амалга оширган ҳамда бозор иқтисодиётида эркин рақобат талабларига жавоб бера оладиган пудрат корхоналарининг ягона электрон реестри - "Tomchi-reestr" ишлаб чиқилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджетидан субсидия маблағлари "Агросубсидия" АТ орқали "Tomchi-reestr" ЯЭР ўтган корхоналар томонидан амалга оширилган лойиҳалар учун ажратилади.

Платформа Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Марказий банк "Агросубсидия" ахборот тизимига барча хўжалик юритувчи субъектларни Давлат молиясини бошқаришнинг Ахборот тизими ва "UzASBO" дастурий мажмуаси билан интеграция қилинади.



"Tomchi-reestr" ягона электрон реестрини шакллантиришда ва рейтинг кўрсаткичларини баҳолаш куйидаги мезонлар асосида белгиланади:

Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланувчи ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилганлиги ёки хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг расмий дилерлик гувоҳномаси (агар қурувчи корхона хорижий ишлаб чиқарувчининг расмий дилерлик мақомига эга бўлса, Ўзбекистон дилерлик маркази ва маҳсулотлар базасини ташкил қилиш лозим);

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлик йўқлиги;

лойиҳани амалга ошириш учун малакали мутахассислар жумладан, лойиҳачи, инженер ва агроном билан таъминланганлик даражаси (ҳар 100 гектар майдон учун 5 та лойиҳачи-инженер);

соҳага алоқадор олий ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги;

лойиҳалар амалга оширилган ҳудудларда савдо шахобчаси ва сервис-хизмат кўрсатиш йўлга қўйилганлиги.

"Tomchi-reestr" - Ягона электрон реестрига киритилмаган пудрат корхоналари томонидан амалга оширилган лойиҳаларга субсидия маблағлари ажратилмайди.

2022 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш учун республика бюджетидан 1 трлн. 182,4 млрд. сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Таъкидлаш кераки, қарорда белгиланган чора-тадбирлар ижроси натижасида:

вегетация даврида республика бўйича 3 млрд. кубо метргача сув (қишлоқ хўжалигида сарфланадиган сув ресурсларининг 6 фоизи) тежалади ва кўшимча 400 минг гектар такрорий экинларни суғоришга йўналтирилади;

минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари учун харажатлар ўртача 25 фоизга, меҳнат ва механизация харажатлари эса ўртача 30 фоизга қисқартирилади;

ўртача ҳосилдорлик 10-15 центнергача оширилади, бунда кўшимча 400 минг тоннагача пахта ва 142 минг тоннагача қалла етиштирилади.

2022 йил якунига бориб, республикаимиз экин майдонларида сув тежовчи технологияларнинг жорий этилиши 27 фоизга етказилади.

Ушбу мақсадларга эришиш борасида айни кунларда республикаимизнинг барча ҳудудларида туманлар кесимида кластер ташкилотлари ва фермер хўжаликлари вакиллари учун кўргазмали амалий семинарлар ўтказилиб, сувни тежовчи суғориш технологияларини жорий қилган сув истеъмолчиларини рағбатлантириш механизмлари намунали фермерлар тажрибаси мисолида кўрсатиб берилаяпти.

Шу билан бирга, сув хўжалиги ходимлари учун вазирликнинг Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази мутахассислари ҳамда "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университетининг профессор-ўқитувчилари томонидан сув тежовчи технологияларни амалиётга жорий этиш масалаларига бағишланган сайёр ўқув курслари ҳам ўтказилмоқда.



Мухтасар айтганда, мазкур қарор сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишдаги мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, минтақада қулатилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув ресурсларидан янада самарали фойдаланишни йўлга қўйишга хизмат қилади.

Маълумки, ҳар йили суғориш мавсумида насос станциялари, каналлар, гидроузел ва бошқа сув иншоотлари тўлиқ қувват билан ишлайди. Суғориш мавсуми якунланганидан сўнг сувчилар барча иншоотларни таъмирлаш, тиклашга киришадилар. Айни кунларда насос агрегатларини таъмирлаш, насос станцияларига электр энергияси ва сувнинг ҳисобини юритувчи қурилмаларни ўрнатиш, ирригация-мелиорация иншоотларини тозалаш, реконструкция қилиш, уларнинг бўйидаги рошларни текислаб, ерга ер қўшиш, экин майдонларини лазерли текислаш бўйича кенг қўламли ишлар якунланмоқда. Зеро, кузги-қишки мавсумдаги мазкур долзарб юмушларимиз йил давомидаги ишларимиз муваффақиятини таъминлайди.

Шавкат ХАМПАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

БУҒУНГИ ИМКОН – ЭРТАНГИ ХИРМОН

Бошоқли дон экинлари парваришида март ойида амалга ошириладиган муҳим агротехник тадбирлар

Дунёда глобал иқлим ўзгариши натижасида табиатда бўладиган иқлимнинг кескин ўзгариши ва йилдан-йилга мутлақо ўхшамас иқлим кузатилмоқда. Республикамизда 2021-2022 йилнинг қиш фаслининг декабр, январ ойларининг охириги беш йилга нисбатан ёгингарчиликларсиз ҳамда қуруқ совуқ бўлиши кузатилди. Шунинг учун ғалла парваришида амалга ошириладиган агротехник чора-тадбирлари ўтказишга ўта масъулият билан ёндашишни тақозо этмоқда.

Кўп йиллик тажриба натижаларига кўра кузги буғдойда ҳар қандай шароитда ҳам физиологик жараён, давом этади, унинг ривожини учун энергия зарур бўлади. Кунлик ҳарорат $+5^{\circ}\text{C}$ бўлганда қишлаш даврида фотосинтез жараёни тўхтаб, фақат нафас олиш жараёни устунлик қилади. Бунда ғаллани экиш даврида экиш билан берилган фосфорли ва калийли минерал ўғитлардан илдиз орқали синтез қилинган органик моддалар ҳисобига нафас олиш содир бўлади. Айтиш жоизки, кузги буғдой совуқ даврда энергияни фақат нафас олиши жараёнида танасидаги захира моддаларни парчаланиши эвазига ҳосил қилади. Шу билан бирга, қишда кундуз кунлари ўсимликда фотосинтез жараёни ўтмайди. Ўсимлик қуёшнинг ёруғлик энергиясидан фойдаланиши сабабли хлорофил дончаларини тўплайди. Бунинг натижасида ўсимлик кечаси қучаядиган совуққа чидамлилигини оширади.

Республикамиз ғалла майдонларида макро ва микроэлементлар тақчилигини қоплаш мақсадида куз, қиш, ва баҳор ойларида тўғри ва ўз вақтида кузги буғдойни парвариш қилиш ўсимликни ноқулай шароитларга чидамлилигини ошириш ва маҳсулдорлигининг юқори бўлишини таъминлашимиз зарур.

Март ойида ривожланиши орқада бўлган, яъни кечки муд-

датларда экилган ғалла майдонларида туплаш жараёни об-ҳаво ва тупроқ ҳароратига қараб, март ойининг иккинчи ўн кунлигига қадар давом этиши мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, қуйидаги агротехник ишларни амалга ошириш зарур:

Мутахассислар томонидан ҳар бир ғалла майдонларидаги экилган ғалланинг ўсиш ва ривожланиши фазалари бўйича мониторинг ўтказиш асосида аниқ хулосалар асосида ғаллани баҳорги озиклантиришдан ташқари қўшимча ишлов бериш баргдан озиклантириш, яъни суспензия сепиш, шарбат усулида суғориш, таркибида микроэлементлар ҳамда гумин кислоталарга эга бўлган биопрепаратларни суспензия қилиб қўллаш каби агротехника тадбирларини амалга ошириб бориш самарали ҳисобланади.

Март ойида ғалла майдонларида минерал ўғит бериш, суспензия сепиш ўсимликларнинг ривожланиш жараёнини тезлаштиради. Шунга асосан, март ойи давомида суспензиялаш тадбирини 2 марта ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Суспензия учун эритма тайёрлашда ғалланинг туплаш даври учун 10 кг, найчалаш даврида эса 12 кг карбамид минерал ўғитга, Гео Гумат (1 л/га), УзГуми, Гумимакс (0.5 л/га), Агрозим, Байкал-М каби кимёвий воситаларни 3 л/га), 300

литр сувга аралаштириб махсус пуркагич механизмлар ёрдамида ғалла майдонларига сепиш ғалла ҳосили ва сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Бунда ғалла ўсимлиги илдизидан оладиган озиқа элементларидан ташқари баргдан озиклантирилиши натижасида ўсимлик барг сатҳининг қалинлашиши ҳисобига ўсимликларнинг касаллик ва зараркунандаларга чидамлилигини ошиши билан бирга баргдаги фотосинтез жараёни яхшиланади. Ўсимлик баргида ҳосил бўладиган органик модданинг кўпайиши натижасида ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши тезлашади.

Март ойида ғаллачиликда амалга ошириладиган энг муҳим агротехник тадбирларидан бири бу азотли ўғитлар билан иккинчи озиклантиришни амалга ошириш ҳисобланади. Ғалла март ойида туплаш жараёнидан найчалашга ўтади.

Бу фазада ўсимликнинг вегетатив органлари, энг асосийси поялар сонининг кўпайиши ҳисобига азотли ўғитга бўлган талаби энг юқори даражада бўлади. Шундан келиб чиқиб, бу даврда азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 40 фоизини, яъни физик ҳолда аммиакли селитра ҳисобида гектарига 300-320 кг. меъёрда берилиши тавсия этилади. Ҳар бир озиклантириш ўтказилган ғалла майдонларини пешма-пеш ҳар бир минтақалар

тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, гектарига 600-800 м³ меъёрда суғориш ишларини ўтказиб, чекланган дала нам сиғимининг 70-75-70% бўлишини таъминлаш зарур.

Суғориш ишларининг маҳаллий ўғитлар билан шарбат усулида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўсимликнинг найчалаш даврида маҳсулдор поялар, поялар ичида бошоқлар шаклланади. Найчалаш фазасининг давомийлиги 25-30 кунни ташкил этади.

Бошоқли дон экинлари бу фазада бутун ўсув даври давомида тўплайдиган қуруқ модданинг 50-60 фоизини тўплайди.

Ғалланинг найчалаш фазасида намлик ва озуканинг етишмаслиги олинандиган ҳосилдорликка ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Ғалла майдонларида март ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб, об-ҳаво ҳароратига қараб, тавсия этилган гербицидлар билан уларга қарши дастлабки ишлов бериш бошланади. Бу даврда зарарли хасва тарқаладиган ва занг касаллигининг ўчоқлари бўлган майдонларда, биринчи навбатда, профилактика ишловининг уйғунлашган ҳолда ўтказилиши зарарли хасва ва занг касаллиги кенг тарқалишининг олди олинади.

Ғалла майдонлари озиклантирилиб, суғорилгандан кейин ғалла ўсимлиги билан бир вақтда бегона ўтларнинг бир ва икки йиллик турлари (жағ-жағ, бурган, шўра, олабута, бангидевона, қўйтикан, итузум, мачин, сутлама, райграс, тулкидум, ёввойи сули ва бошқа) ўсиб ривожланади.

Ғаллазорлардаги бегона ўтлар ғаллага берилган минерал ўғитларни, сувни, ғалла ниҳолларига тушаётган ёруғликни тенгма-тенг, айрим ҳолларда кўпроқ ҳам истеъмол қилиши

ҳисобига, ғалладан олинадиган дон ҳосилининг камайиши, унинг сифатига салбий таъсир кўрсатиши олиб борилган кўп йиллик тажриба натижаларида ўз исботини топган.

Шунинг учун бегона ўтлар ривожланган ғалла майдонларида уларнинг тури ва сонига қараб бир йиллик икки паллали бегона ўтларга Гранстар ДФ 75% (15-20 г/га), Опус (15-20 г/га), Химби 24% (0,15-0,2 л/га), бир йиллик бир паллали бошоқли бегона ўтларга қарши Топик 8% (0,3-0,4 л/га), Атлантис 3% (250-300 г/га), Атлантис



Стар 25% (0,2-0,3 кг/га), Топ-Дим 8% (0,3-0,4 л/га), кўп йиллик икки паллали бегона ўтларга Гранстар Плюс 75% (30 г/га), Энтостар Плюс 75% (30 г/га), Химране (0,375-0,5 л/га) каби гербицидлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Ғалла майдонларида сариқ, қўнғир занг ҳамда ун-шудринг касалликларига қарши олдини олиш ёки бўлмаса касалликлар билан зарарланган майдонларга Давлат кимё комиссияси рўйхатидан ўтган фунгицидлар ҳаво ҳарорати ҳаво ҳарорати 15-18°C бўлганда 1-март ҳамда 2-март 30-35 кундан сўнг таъсир этувчи моддаси Пропиконазол бўлган Титул 390 к.э.к. 0,26 л/га, Тилтазол 500 к.э.к. 0,170 л/га, Бампер 25% эм.к. 0,5 л/га, Крест 25% эм.к.

0,5 л/га, Тилзол 25% эм.к. 0,5 л/га; Пропиконазол+ципроконазол бўлган Альто Супер 33% эм.к. 0,3 л/га, Файтер 33% эм.к. 0,3 л/га, Супер Коназол 33% эм.к. 0,3-0,35 л/га, Виальто Супер 33% 0,3 л/га, R-ULTRA Super 33% к.э. 0,3 л/га, Пропиконазол+тебуконазол бўлган Колосаль Про м.эм.к. 0,2-0,3 л/га, Суперфар 50% эм.к. 0,16-0,18 л/га, Титул Дуо к.э.к. 0,2 л/га, Дуазол к.э.к. 0,2 л/га, БИ-КОНАЗОЛ 40% к.э.к. 0,2-0,25 л/га, Уредазол 40% к.э.к. 0,2-0,25 л/га, Топ-Кроп 40% к.э.к. 0,25-0,3 л/га, Титус Микс 40% к.э.к. 0,2 л/га, Диканазол 40% к.э. 0,2 л/га, Тебуконазол+триадимефон бўлган Дуплетт ТТ, 22,5% эм.к. 0,3-0,5 л/га, Торсо 22,5% эм.к. 0,3-0,5 л/га, Энтоликур 22,5% эм.к. 0,3-0,5 л/га, Дифеноконазол + Тиаметоксам Дуэт Экстра 55% н.к., 0,25 кг/га, билан гектарига 250-300 литр меъёрда ишчи эритма сарфлаган ҳолда ишлов беришни амалга ошириш ўзининг ижобий самарасини беради.

Юқорида келтирилган агротехника чора-тадбирлар республиканинг ҳар бир минтақаси тупроқ-иқлим шароити ва ғалланинг ривожланиш фазаларига ҳамда бегона ўтларнинг униб чиқиш даврига қараб 5-10 кун олдин ёки кейин амалга оширилиши мумкин.

Бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштиришда юқоридаги тавсиялар асосида белгиланган агротехника чора-тадбирларининг ўз муддатларида, сифатли бажарилишини таъминлаш талаб этилади.

Равшанбек СИДДИҚОВ,
директор, қ.х.ф.д.,
РФА академиги,
Илҳомжон АДАШЕВ,
таянч докторант,
Нарғизахон ЮЛДАШЕВА,
лаборатория мудири,
Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти.

БОҒЛАРДА БАҲОР КЕЗМОҚДА

Ўлкамизга баҳор эрта кириб келиши сабабли ёгингарчиликнинг кам бўлиши данакли ҳамда резавор мевали боғларда ҳосил куртакларининг эрта уйғонишига сабаб бўлмоқда.

Бунинг олдини олиш мевали дарахтлар ҳамда резавор мевалилар ҳосил куртакларининг эрта уйғонишига йўл қўймаслик учун март ойининг биринчи ярмигача боғларда имкон даражасида 1-2 маротаба яхоб сувини бериш зарур. Бунда ҳар бир гектар боғга 1500-2000 м³, токзорларда 1200-1500 м³ миқдорида яхоб суви бериб, 4-5 кун давомида суғорилади. Яхоб суви билан сифатли суғориш натижасида тупроқ – 2 м. чуқурликгача тўлиқ намланади. Яхоб сувини сифатли ичган боғларда дарахтлар ва токзорларнинг асосий илдизлари жойлашган тупроқ қисми яхши намланади ҳамда тупроқ ҳароратининг анча пасайиши боис дарахтлар куртакларининг ҳаракати 8-10 кунга кейинга сурилади. Яхоб суви 1-2 марта берилса, боғларда куртакларнинг эртаги ҳаракати анча кечикади.

Боғларда дарахт таналарини ва скелет шохларини оҳак билан оқлаш зарур. Бунда 10 л. сувга 2 кг. оҳак ва 1,5 кг. тупроқни араштириб, дарахтларнинг танаси ва она шохлари оқланади. Дарахт таналарини оқлаш билан новдалардаги куртакларининг ҳаракати кечиктирилади.

Мевали боғларда дарахтларни 3 фоизли бордо суюқлиги билан пуркаш яхши натижа беради. Бунда бордо суюқлигининг оҳак қисмини 4-5 фоизга ошириб пуркалса суюқлик оқранг бўлиши натижасида дарахтларда ҳароратни пасайтиради ҳамда куртаклар ҳаракати секинлашади.

Боғларда январь, февраль ойларида ҳавонинг илиқ келиши натижасида дарахтларга шакл бериш, буташ-сийраклаштириш ишлари барвақт бошланганлиги сабабли, ушбу агротехник жараёнлар дарахтларнинг куртаклари бўртишига қадар тугатилиши керак,

сўнг боғларда парвариш ишларини бошлаш зарур.

Дарахтларга шакл бериш, буташ-сийраклаштиришнинг афзаллиги, бунда дарахт ортиқча ғовламайди, ҳосилдорлик ва меваси сифатли бўлиб, ҳосил асосан дарахт танасининг ичида шаклланади, танасида ҳаво яхши юради ва куёш нурунинг тушиш даражаси баланд бўлади. Боғларда дарахт қатор ораларини ҳайдаш, суғориш учун эгатларни олиш, дарахт таглари ағдариб чопиш ишларини бажариш керак.

Ҳосилли боғ ва токзорларда эрта баҳорда (март ойи бошларида) озиқлантириш учун минерал ўғитлардан соф ҳолда азотли ўғит — 120 кг., фосфорли ўғит 90 кг. ва калий ўғитидан 30-45 кг бир гектарга (20-25 см. чуқурликда) солиб озиқлантириш керак. Тупроқ унумдорлиги паст бўлган боғларда ҳосилдорликни ошириш мақсадида ушбу меъёрни 20-30% га ошириш мумкин. Минерал ўғитлар органик ўғитлар билан қўшиб берилса, уларнинг самараси анча ошади.

Интенсив боғларнинг майдони йилдан-йилга ошиб бориши боис, минерал ўғитлар ушбу боғларда оддий боғларга нисбатан 30-40% кўп бўлиб, улар бир неча муддатларга тақсимланиб берилади.

Кейинги йиллари баҳор фаслида қисқа муддатли совуқлар тез-тез такрорланиб туриши сабабли дарахтларга салбий таъсир қилмоқда. Бунинг учун мевали дарахтларни қисқа муддатли совуқлардан асраш мақсадида боғнинг ҳар бир гектар майдонига тутатиш учун гўнг, хашак ва ҳазон аралашмасини йиғиб қўйиш (уюмлар сони 150-200 та) мақсадга мувофиқдир. Жойларда фермер хўжаликлари, боғбонлар бунга унчалик аҳамият бермасликлари сабабли айрим йиллари ҳосилни йўқотиб қўймоқдалар. Яна бир тадбир бу боғларда қатор ораларида суғориш ариқларини олиб, совуқ келиши олтидан, ариқлардан оз миқдорда жилдиратиб сув оқиши натижасида ҳаво ҳарорати 2-3°C кўтарилиб,

баҳорги аёзли қора совуқлардан сақлаш мумкин.

Боғларда дарахтларнинг куртаклари бўртганда ҳаво ҳарорати +10°C паст бўлмаганда данакли, уруғли боғларга 3% бордо суюқлиги билан ишлов берилади (100 литр сувга 3 кг. мис купороси ва шунча сўнмаган оҳак қўшилади).

Дарахтлар гуллаб бўлгач, бордо суюқлигининг 1% лиги билан (100 литр сувга 1 кг. мис купороси ва шунча сўнмаган оҳак қўшиб) пуркалади. Чуқур таъсир этувчи фунгицидлар яхши самара беради. Бунинг учун баҳорда дарахтлар гуллаб бўлгач, Топсин-М (1 л/га) препаратини 0,1% ли қилиб сепилса, яхши самара беради. Байлетон (0,2-0,3 л/га), Фоликур (0,25 л/га), Вектра (0,3 л/га) препаратларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Янги боғлар барпо қилишда боғ атрофини ихоталаштириш ишларига катта эътибор бериб, ниҳолларни шомоллардан ҳимоялаш зарур. Бунда янги боғ барпо қилишда уларни ҳимоя қиладиган терак, ўрик, жийда ёки ёнғоқ каби дарахт кўчатларини экиш ишларини олиб бориш керак. Ушбу дарахтлар боғларни қаттиқ шомоллардан, совуқ келиш йўлларида ҳимоя қилади.

Янги боғлар барпо этишда кўчат экиладиган майдонни танлаш, тупроқни 40-50 см чуқурликда ҳайдаш, текислаш, молалаш, кўчат экиш майдонини режалаш ва тайёрлаш, экиш, ёш ниҳолларнинг танасини оқлаш ишларини сифатли бажариш зарур.

Мевали кўчатларни экишда уларнинг турлари, навлари ҳамда кўчатнинг пайвандтагига эътибор бериш керак.

Интенсив боғларни барпо этишда пакана пайвандтагига уланган олма кўчатларининг қатор ораси 3,5х2,5 м., ўрта ўсувчи 3,5х3 м., нок кўчатлари учун 3,5х2 м., ўрта ўсувчи учун 3,5х2,5 м., бўлиши, ММ-106 пайвандтагига уланган ўрта ўсувчи олма кўчатлари 6х4 м., 6х5 м., нок учун 5х3 м., 5х4 м. экиш схемалари тавсия этилади.

Кучли ўсувчи мевали дарахтларининг кўчатлари: олма 8х7 м., 8х6м., нок 8х6м., 8х5 м., беҳи 6х4 м., 5х4м., ўрик ва гилос 8х7м., 8х6м., шафтоли 6х4м., 5х4м., ёнғоқ 8х8м., 8х7м., бодом 6х5м., 6х4м., хурмо 6х6м., 6х5м., олча 6х4м. схемаларида экилади.

Янги боғ барпо қилинган, экилган янги кўчатларга шакл бериш, боғ қатор ораларини ҳайдаш, дарахт тагларини чопиш, минерал ўғитлар солиш каби ишлар ўтказилади.

Резавор мевали ўсимликларда эрта баҳорда қулупнайзор қатор оралари ва туп атрофи юмшатилади. Март ойининг бошларида, тупроқ қуриши билан қулупнайзорда ўсимлик тупларининг эски барглари тўплаб олиниб, даладан ташқарига чиқарилиб, ёқиб юборилади. Сўнгра ўсимлик қатор ораларига ишлов беришдан олдин минерал ўғитлардан 90 кг. азотли ва 50-60 кг. фосфорли ўғит солиниб юмшатилади, туп атрофи қўлда чопиқ қилинади. Орадан 20-25 кун ўтгач, иккинчи марта ишлов берилади, яъни қатор оралари ўтоқ қилиниб, юмшатилади.

Қорағатзорларда эрта баҳорда қорағат тупларига шакл берилади. Бунда, биринчи навбатда, қуриб қолган, синган ва касалланган навдалари олиб ташланади. Тупдаги нимжон новда ва шохлар, ўсимликнинг асосий қисмини салқинлатиб қўядиган, ердан кўкариб чиққан бачки новдалари ҳам кесиб ташланади.

Қорағат тупидаги асосий ҳосил ўтган йили чиқарган новдаларида шаклланади. Йиллар ўтиши билан ўсимлик 2-ва 3-тартиб новда чиқаради, ҳосилнинг шаклланиши ҳам марказидан узоқлашиб боради. Новда чиқариш тартиби қанча кўп бўлса, туккан мевалари ҳам шунчалик майда бўлади. Шунинг учун 5 ёшга етган шохлар кесиб олиб ташланиб, ўрнига янги чиққан бир йиллик новдалардан 4-5 та қолдирилади. Ўсимлик 4-5 ёшга етганда бир тупда ҳар хил ёшдаги новдалар сони 15-20 та бўлиши керак.

Қорағат тупларига шакл бериб бўлинган, қатор ораларига 120-150 кг. соф азот ҳисобида азотли ўғит солиниб, юмшатилади.

Март ойи охирида қорағат гуллай бошлайди. Қорағат гуллаш вақтида биринчи сув берилади.

Малиназорларда эрта баҳорда қуриб қолган новдалари ҳамда кўп ўсган нимжон новдалари олиб ташланади. Қатор оралари 10-12 см., қатор ичи 4-5 см. чуқурликда юмшатилади.

Малиназорга минерал ўғитлардан эрта баҳорда гектарига 150-200 кг. ҳисобида азотли ўғит билан озиқлан-тирилади ҳамда суғорилади.

Цитрус ўсимликларига иссиқхона-ларда март ойигача шакл берилиб, ўсиб кетган новдаларини дарахт ёшига муно-сиб равишда ичига қараган, тикка ўсган ва шохлари зичлашиб кетган сийрак-лаштирилади. Бунда дарахт тупининг ўсиши ва мева бериши яхшиланади.

Цитрус ўсимликлари нормал ўсиши ва яхши мева бериши учун тупроқнинг оптимал намлиги тўла намлили-к сифидан 70-85% ни ташкил этиши керак. Суғоришлар бўлиб-бўлиб (мав-сумда 25 мартагача) ўтказилиши керак, иссиқхоналарда февраль охирилари, март бошларида, об-ҳаво шароитла-рига, ўсимлик ёшига, мева бериш даражасига ва бошқа факторлар-га қараб суткалик ҳаво ҳарорати ўртача 12°C ва тупроқ ҳарорати 9°C бўлганида ўса бошлайди. Фев-ралнинг иккинчи ярмидан цитрус ўсимликлар ғунчалай бошлайди. Ғунчалаш босқичи суткалик ўртача ҳаво ҳарорати 18,3-21°C ва тупроқ ҳарорати 14,5-17°C бўлганида 25-28 кунга чўзилади.

Суткалик ҳаво ҳарорати 20,5°C, тупроқ ҳарорати 21,5°C бўлган март ўрталаридан апрель бошларигача гуллайди. Март ойининг охириларида ялпи гуллашга киришади ва апрелда тугайди.

Бир, икки, уч ёшли ўсимлик тагига 10 кгдан. гўнг, 20 г. дан азот ва фосфор ҳамда 10 гдан. калий ўғити солинади, мева берувчи туплар тагига эса 20-25 кг. дан гўнг ва 80-100 г. фосфорли, 80-120 г. азотли ва 40-60 г. калийли ўғитлар со-линади (тупларининг ёши катталашган сари солинадиган ўғитлар миқдори кўпайтирилади). Бунда минерал ўғитлар икки муддатда ярмиси феврал охири март бошида, қолгани май охири, июнь бошларида берилади.

Цитрус ўсимликлари иссиқхонада кўпинча юмшоқ сохта қалқондор, ўсимлик битлари, каналар билан за-рарланади. Қалқондорга қарши 0,3% ли фазалон эритмаси 5-6 кун оралатиб 2 марта пуркалади. Вэртемэкс пре-паратини 0,5-0,8 фоизли қилиб сепса ҳам бўлади. Бунда ўсимликнинг ҳамма қисмини, айниқса, баргларини пастки та-рафидан ҳўллаш зарур. Қора куясимон зумбуруғлар барглар ювилганда кет-майди. Барглар 1% ли бордо суюқлиги эритмаси ёки 0,5% мис, хлор оксиди эритмаси қўшимча пуркалганда халос

этади. Ўргимчак канага қарши 0,2% ли Кельтан ёки 1,0% ли Данитол эритмаси-ни пуркаш яхши самара беради. Вақти-вақти билан ювиб туриш ҳам фойда беради. Ишлов эрталаб ва кечқурун, ёки булутли кунларда ўтказилади. Ўсимлик танаси гоммоз елим оқиш касаллиги билан касалланганида, касалликнинг илк босқичида шикастланган пўстлоқ қисми ва ёғочи соғлом қатламгача кесиб ташланади. Бундан сўнг тозаланган жой 3% ли мис купориси билан дезинфекция қилинади. Гоммоз билан зарарланган ва қуриган дарахт танасининг атрофи ил-дизи билан қазиб олиниб ёндирилади, тупроғи эса 1% ли формалин эритмаси билан дезинфекция қилинади.

Токзорларда эрта баҳорда таъ-мирлаш ишлари, яъни темир бетон



устунларни тўғрилаш, симларни тортиб чиқиш, устунлар тагларини зичлаш иш-лари тугалланади.

Март ойининг иккинчи ярмидан, айрим ҳудудларда ойнинг охири-дан кўмилган ток туплари очилиб, симбағазларга кўтариб боғлаш ишла-ри амалга оширилади. Токзорларда ток ораларида қуриб қолган туплар ўрнини тўлдириш учун ток тупларида қолдирилган узун навдалари пархама (пархиш) қилиб тўлдирилади.

Токлар симбағазларга кўтариб боғлангач, қатор ораларига маҳаллий ўғитлардан гўнг: 10-20 т/га, минерал ўғитлардан соф ҳолда азотли 60 кг/га, калийли 30 кг/га ҳисобида солиниб, қатор оралари ҳайдалиб, туп атрофлари юмшатилади.

Барча агротехник жараёнлар ўз вақтида бажарилса, боғларимиздан мўл ҳамда сифатли ҳосил олишга эри-шилади.

Ҳилола АБДУЛЛАЕВА,
қ.х.ф.ф.д. катта илмий ходим,
Академик М.Мирзаев номидаги
БУВаВИТИ “Мевали дарахтлар
селекцияси ва нав ўрғаниш”
бўлим бошлиғи.

САБЗАВОТКОР ИШЛАРИ АВЖ ОЛМОҚДА

Баҳорнинг илк ойларида сабзавот етиштирувчи хўжаликларнинг маҳсулот етиштиришдаги ишлари авжга чиқа бошлайди. Иссиқсевар помидор, бақлажон, ширин қалампир, аччиқ қалампир кўчатларини тайёрлаш ишлари давом эттирилиши лозим. Сабзавотларнинг ёш ниҳолларини ўз муддатида озиклантириш, суғориш тадбирлари тавсиялар асосида давом эттирилади.

Марказий ва шимолий ҳудудларда эртаки оқбош карам экиш ишлари давом эттирилади, экиш учун эртапишар, ёши 40-45 кунлик, бўйи 14-16 см ва барглари сони 6-7 та бўлган кўчатларни экиш тавсия этилади.

Эртаки картошка экиш ишлари Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Бухоро, Навоий вилояти ва Фарғона водийсида 10 мартгача, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 20 мартгача тугаллашиши лозим.

Ушбу ойда оқбош карам, сабзи, пиёз, ош лавлаги ва салат экинларини етиштиришда парваришlash, озиклантириш ва суғориш ишларини ўз вақтида ва тавсия этилган муддат ҳамда меъёрларда амалга ошириш лозим.

Оқбош карам. Кўчат экилиб бўлгандан кейин дала кетма-кет суғорилади. Орадан 2-3 кун ўтгач, кўчат ўтказилган эгатлар текширилади, хато жойларига яна кўчат экилади. Кўчат тутгандан сўнг эгатнинг оралари культивация қилинади. Культивациядан сўнг кўчат атрофи юмшатилади ва биринчи марта ўғит берилади. Иккинчи культивация экин бир суғорилгандан сўнг ўтказилади. Эртаги карам икки марта чопиқ қилинади.



Кўчатлар экиб бўлингандан кейин 1-1,5 ҳафта ўтказиб, биринчи ялли ишлов берилади. Бунда қатор оралари КРН-4,2 культиватори билан 15-16 см чуқурликда культивация қилиниб, ўсимлик атрофи юмшатилади, маъдан ўғитлар билан озиклантирилади ва сув берилади. 20-25 кундан кейин яна бир марта ялли ишлов берилади.

Сабзавотлар ичида оқбош карам тупроқ унумдорлигига, маъдан ўғитларга ўта талабчан. Эртаги оқбош карамдан сизот сувлари чуқур жойлашган, қадимдан суғориб келинаётган бўз тупроқларда гектаридан 20-30 тонна ҳосил олиш учун ўртача 150 кг. азот, 100 кг. фосфор, 50 кг. калий берилиши керак.

Ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ тупроқларда етиштирилганда эса, ўртача гектарига 120 кг азот, 80 кг фосфор, 60 кг калий солиши керак.

Ўғитларни бериш муддати. Йиллик фосфор ўғитларининг 70-75% миқдори, калийнинг 50% ерга асосий ишлов беришда, қолган 25-30% фосфор 50% азот билан биргаликда карам кўчати тўлиқ тутиб олгандан сўнг, биринчи комплекс ишлов олгандан қатор ораларига ўсимликларга яқинроқ берилади. Қолган азотнинг 50% калийнинг 50% билан биргаликда карам боши ўрай бошлаганда ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

Бўз тупроқли ерларда эртаги карамга 8-10 марта, сизот сувлари юза жойлашган ерларда 6-8 марта сув бериш тавсия этилади. Суғориш меъёри гектарига 500 - 550 м³.

Пиёз. Тўқсонбости ёки эрта баҳорда экилган пиёз баҳорда ердан униб чиққандан сўнг икки-уч марта, дастлаб ўсимликларнинг бўйи 6-8 см етганда, иккинчи марта 16-18 см бўлганда ва товар ҳолига келганда ўтоқ ва ягана қилинади. Қатор ораларидаги бегона ўтлар КРН-4,2 культиватори билан ерни 15-16 см чуқурликда юмшатиб йўқотилади.

Пиёз ўсимлиги патак илдизли сабзавот бўлиб, илдиз системаси асосан тупроқнинг устки қисмига яқин жойлашади. Шунинг учун у ернинг устки қисмида асосий озика элементларнинг кўп бўлишини талаб қилади.

- Бўз тупроқларда пиёздан 30-40 тонна ҳосил олиш учун ҳар гектар ерга ўртача 300 кг азот, 220 кг фосфор ва 90 кг калий бериш керак.

- Ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ тупроқларда эса 250 кг азот, 200 кг фосфор, 80 кг калий бериш тавсия этилади.

Пиёз турли муддатларда экилиб, пиёзбоши етиштирилганда бериладиган маъдан ўғитлар орасида деярли тафовут бўлмайди. Ўғитларни бериш муддати: фосфор ўғити йиллик миқдорининг 70-75% ернинг асосий ишловида, қолган қисми эса ерни бороналашдан олдин берилади. Азот ўғити эса вегетация даврида озиклантириш пайтида тенг иккига бўлиб берилади. Биринчи озиклантириш пиёз яганаланиб, ўтоқ қилингандан сўнг, иккинчиси эса илдизмевалар шакллана бошлаганда берилади. Пиёз ўсимлигига органик ўғитлардан янги гўнгни бериш тавсия этилмайди.




Пиёз ҳаво нами паст жойларда яхши ўсади, аммо тупроқнинг сернам бўлишини хоҳлайди. Пиёз барг шапалоғининг кичик бўлиб, сув тежаб-тергаб сарфланишига қарамасдан, унинг илдизи яхши ривожланмаганлигидан унинг тупроқ намлигига талабчанлиги ниҳоятда кучли. Уруғ униб чиқаётган ва пиёз боши шаклланаётган даврда экиннинг сувга талаби, айниқса, ошади. Фақат ўсув даврининг охирида ва пиёз бошлари етилган пайтдагина ўсимликнинг сувга бўлган талаби бир оз камаяди.

Пиёзни суғориш тартиби экиш муддатига қараб турлича бўлади. Қишга яқин ва баҳорда сепилган пиёз майсалари кўрингандан кейин суғорилади. Биринчи сув одатда баҳорги ёғин-сочин тўхтагандан кейин берилади. Кўклам серёғин келган йилларда бу муддат апрелнинг иккинчи ярмига, қурғоқчил келган йилларда эса апрелнинг бошларига, айрим ҳолларда эса, ҳатто, мартнинг охирига тўғри келади.

Сизот суви чуқур жойлашган бўзтупроқли ерларда кўкламнинг охири, ёзнинг бошларида пиёз ҳар 7-10 кунда суғорилади.

Пиёзни тез-тез суғориш то пиёз боши шаклланишининг охиригача давом эттирилиб, янги барг ўсиб чиққандан сўнг тўхтатилади. Пиёз-бошининг ўсиши тўхтагандан кейин экин 12-14 кун оралатиб икки марта суғорилади ва йиғиб-териб олишга бир ой қолганда суғориш тўхтатилади.

Сабзи. Сабзини парваришlash жараёнидаги энг муҳим масалалардан бири уруғни ердан текис ундириб олишдир. Сабзи нҳоллари тупроқ доим нам бўлганда 5-7 кунда кўринади ва 10 кунда униб чиқади.



Сабзи униб чиқиши билан дарҳол бегона ўтларни ўташга ва яганалашга киришиш керак. Сабзи 2 марта ўталади. Дастлабки ўташ сабзи битта чинбарг чиқарганда, кейингиси эса 3-4 барг чиқарганда ўтказилади. Ҳар ўтоқ давомида ягана ҳам қилиб борилади.

Бегона ўтларни йўқотиш учун кичик майдонларда қўл кучи ёрдамида катта майдонларда гербицидлардан фойдаланилади. Бир йиллик ўтларга қарши, экишдан олдин гектарига Гезагард-50 ёки Прометрин препаратини ҳар гектарига 2-3 кг бегона ўтлар уруғи ердан унгуна қадар ёки 1-2 чинбарг чиқарган вақтда; Фюзилад Супер 12,5 фоизли препаратини гектарига 1-2 кг ҳисобидан бегона ўтлар уруғи 2-4 та барг чиқарган вақтда пуркалади.

Бўз тупроқ ерларда эртаги сабзидан гектаридан 25-30 тоннадан ҳосил олиш учун соф ҳолда 150 кг азот, 80 кг фосфор, 45 кг калий солиш керак; ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ ерларда етиштирилганда соф ҳолда 120 кг азот, 70 кг фосфор, 40 кг калий бериш керак.

Фосфор ўғити йиллик миқдорининг 75%, калийни ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларнинг ҳаммаси вегетация даврида озиклантиришда ўтоқ қилиниб, ўсимлик берилади. Биринчи озиклантириш

ўтоқ қилиниб, ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2-3 тадан чин барг пайдо бўлганда ўтказилади.


Сабзи ўстиришда суғоришдан олдинги тупроқ намлиги тупроқнинг тўйинган дала нам сиғимига нисбатан 70-75% бўлиши керак.

Кўкламда экилган сабзи апрелнинг иккинчи ярмидан бошлаб суғорилади. Дастлабки пайтларда экин ҳар бир ярим-икки ҳафтада, майнинг иккинчи ярмидан эътиборан, яъни илдимевалар жадал суръатда катталашаётганда эса ҳар 7-8 кунда суғорилади.

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда эртаги сабзи ўсув даврида 8, сизот суви юза далаларда эса 5-6 марта суғорилади.

Ош лавлаги. Ош лавлаги уруғлари 4-5°C да униб чиқа бошлайди. Унинг ўсиб ва ривожланиб бориши учун энг қулай ҳарорат 20-25°C дир. Лавлаги совуқ (-2-3°) ва юқори ҳарорат таъсирига чидамли бўлади, тупроқда нам етарли даражада бўлганда юқори ҳосил беради.

Уруғ униб чиққандан сўнг тезда ўташ ва яганалаш керак. Биринчи ягана уруғ ердан униб чиқиши билан, иккинчиси 2-3 барг чиқарганда ўтказилади. Бунда туп ораси 10-12 см кенгликда қолдирилади. Бундан сўнгги парвариш экинларни вақтида суғориш, қатор ораларини культивация қилиш, эгат бағрини юмшатиш ва зарарли ҳашаротларга қарши курашдан иборат.



Ош лавлаги озиқ моддаларга талабчан экин ҳисобланиб, буз тупроқ ерларда соф ҳолда 150 кг азот, 80 кг фосфор, 50 кг калий солиш тавсия этилади. Фосфор ўғити йиллик миқдорининг 75%, калийнинг ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларнинг ҳаммаси вегетация даврида озиклантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиклантириш ўтоқ қилиниб, ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, ик-

кинчиси эса 2-3 тадан чинбарг пайдо бўлганда ўтказилади.

Салат. Салат бир йиллик ўсимлик бўлиб, у йирик барглардан иборат паст тупбарг ёки салат боши ҳосил қилади. Салатнинг "Кок-шоҳ" навлари Давлат реестрига киритилган. Умуман, салатнинг 4 хил тури бор. Уларга баргли салат (ўсув даври 30-40 кун); пояли юлма салат (бўйи 40-80 см); бош ўрайдиган салат (ўсув даври 40-100 кун); Ромен салат (ўсув даври 70-100 кун) киради.

Салат совуққа чидамли ўсимлик. Баргларининг ўсиши ва бош ўраши учун қулай ҳарорат кундузи 15-20°C ва кечаси 12-15°C бўлиши керак. У 5°C паст ҳароратда ҳам оз бўлса-да ўсаверади.



Баргли ва бош салат эрта баҳорда - феврал охири, март ойининг бошида очиқ далага экилади. Уруғи 15-20 см чуқур олинган полларга ёки лентасимон усулида 2-3 қатор қилиб экилади. Бунда ленталар ораси 45-60 см лентадаги қаторлар ораси 15 см қилинади. Бир гектар ерга салат уруғидан 4-5 кг, бошли салатникидан 3-4 кг экилади. Майсалар униб чиққандан 10-12 кун ўтгач, 1-март, 2-3 ҳафта ўтгач, иккинчи ва охириги марта ягана қилинади. Бунда барг салат тупларининг орасида 8-10 см, бошли салатда эса 12-15 см масофа қолдирилади.

Салат ўсимлигини парваришlashга - ўташ, қатор ораларини юмшатиш, суғориш ва минерал ўғитлар билан озиклантириш ишлари киради. Баргли салат майсалар пайдо бўлгандан 30-40 кундан кейин ҳосили бирийўла йиғиштириб олинади. Бошли салатнинг ҳосили 45-50 кундан кейин, уларнинг етилишига қараб кундузи, баргидан шудринг кўтарилгандан кейин бирин-кетин узиб олинади.

Рустам НИЗОМОВ,
қ.х.ф.д.,

Фахриддин РАСУЛОВ,
қ.х.ф.д.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ.

Ғалла комбайнларига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. У ётиб қолган буғдой пояларини тиккалайди, ўради, бошоқларни янчиб, донларини ажратиб олади, донли аралашмани элаклайди, тоза донни бункерга жойлайди, сомонни эса уюмланган ёки тойланган ҳолда далага ташлаб кетади.



ҒАЛЛА КОМБАЙНЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБЛАРИ

Механизаторлар, муҳандис-техниклар ва чилангарлар бу жараёнларда дон нобудгарчилигига йўл қўймаслик мақсадида комбайннинг ҳар бир қисмини ва деталини талаблар даражасида таъмирлаб, ишга тайёрлашга алоҳида масъулият билан ёндашадилар.

Туман "Агросервис МТП", агрокластерлар, "Кейс", "Клаас" компанияларининг сервис марказлари ва фермер хўжаликлари машина саройларида капитал ёки жорий таъмирдан чиқарилган ғалла комбайнлари агроинспекция қошидаги махсус комиссиялар томонидан қабул қилиб олинади. Бу жараёнда қуйидаги узел ва деталларнинг сифати текширилади ва баҳоланади.

Занжирлар ва тасмалар. Занжир пластиналари ва втулкаларида эзилган жойлар ва ёриқлар бўлишига йўл қўйилмайди. Занжир қадами КИ-6814 асбоби ва ШЦ-II-400-01 штангенциркул билан ўлчанади, қадам ошиб кетган бўлса, занжирдан бир ёки икки звено олиб ташланади, бу ҳам наф бермаса, янгисига алмаштирилади. Понасимон, текис ва тишли тасмаларда ёриқлар, қатламларга ажралган кордлар, шишлар, бурмалар бўлмаслиги керак. Сиртлари ялтираб едирилиб кетган, иплари очилиб қолган ва таранглашга заҳираси қолмаган (ортиқча чўзилиб кетган) тасмалар алмаштирилади.

Юлдузчалар ва шкивлар. Юлдузча тишларида синган, эзилган ва ҳажмий ейилган жойлар бўлмаслиги керак. Тишлари синган юлдузчалар алмаштирилсин. Тишларнинг ейилиш даражаси калибрлар ва шаблонлар ёрдамида баҳолансин. Агар калибр икки ёнма-ён тиш орасига эркин кириб борса, бундай юлдузчани алмаштириш зарур. Шкивларда синган ва қаттиқ деформацияланган бортлар бўлишига йўл қўйилмайди.

Шкив ёки юлдузчани қўлда у ёки бу томонга кескин айлантиринг. Шпонкали бирикмада тирқиш кенглигини ва шпонкалар қирраларини текширинг, тирқиш катталашган ҳолда ариқчаларга суяқ металл қоплаб, уни торайтириш

лозим бўлади.

Подшипникли бирикмалар ва валлар. Подшипник корпуси ва зичлагичи текширилсин. Корпусда ёриқлар бўлмаслиги керак. Зичлагичдан мой сизиб чиқаётган бўлса, подшипникни очинг, сепараторлар, соққалар, айланиш йўллари кўздан кечиринг. Агар металл сиртида чарчаганлик ранги, ёриқлар, едирилишлар, ишчи юзаларнинг эзилиши топилса, подшипник алмаштирилади. Агар бу деталлар соз бўлса, фақат мойни қўйиб юборадиган зичлагичгина алмаштирилади. Подшипник втулкаси тортилган, валга маҳкам шплнтланган бўлиши лозим.

Вални айлантиринг. У енгил, қадалишларсиз ҳаракатланиши керак. Валнинг учига ўрнатилган шкив ёки юлдузчани икки қўллаб кескин қўтаринг. Подшипникли бирикмада тирқиш сезилса, унинг қийматини КИ-1871.02 мослама ёрдамида ўлчанг. Бу қиймат рухсат этилганидан ошмаслиги даркор.

Шкив бортларининг ёнлама тепиши индикатор билан ўлчанади. Унинг қиймати 1-3 мм. дан ошмасин. Агар ошса, шкивни ечиб олиб, валнинг тепиши текширилсин. Вал эгилган бўлса тўғрилансин, тепиш бунда ҳам йўқолмаса, шкив алмаштирилсин.

Сақловчи муфтлар. Бошоқ, дон ва юклаш шнеклари, орқа контрюртимаси, мотовило, қия камера ва жатка шнегидаги сақловчи муфтлар храповикларининг техник ҳолатини текширинг. Деталлари синган, едирилган ва эзилган муфтлар таъмирланади. Сақловчи муфтани текшириш учун вал тормозланади, шкив ёки юлдузчага махсус ОПР-484-20 ричагли мослама ёрдамида 10-25 кг.м қийматли максимал айлантирувчи момент берилади. Бунда шкив ёки юлдузча айланиб кетса, муфта деталлари текширувдан ўтказилади, аниқланган носозликлар бартараф этилади.

Қирқиш аппарати ва узатмаси. Деталларни текширинг. Уларда, айниқса, сегмент пичоқларда синишлар, ёриқлар бўлмаслиги керак. Пичоқ суянчигининг кенглиги энг камида

17 мм бўлиши лозим. Бармоқ вкладиши ва пичоқ каллаги орасидаги тирқиш кенглиги 3,25 мм. дан катта бўлса, брусдаги қистирмалар сонини камайтириш билан торайтирилади. Пичоқнинг тебраниш қадами 72,5 мм. дан катта ёки кичик бўлса, узатма ростланади.

Шатун ва кривошип вали подшипникларидаги тирқиш кенглиги 0,2 мм, коромислода 0,8 мм, карданли вал вилкасида 0,3 мм. дан ошмаслиги зарур. Бу ишларни малакали механик бажаради.

Мотовило. Трубалар, планкалар, тортқилар, ёйлар, подшипниклар, дискалар деформациясиз ва ёриқларсиз бўлиши даркор. Айланиш вариатори пастки шкивининг гупчаги ва цилиндри орасидаги тирқиш 0,5 мм дан, етакловчи диск гупчаги ва цапфаси орасидаги тирқиш 0,7 мм. дан ошмаслиги керак. Бу қийматлар индикатор билан ўлчанади.

Жатка шнеги. Винтсимон лента, кожухлар, бармоқлар ғилофи деформацияланганда, бармоқлар, втулкалар, маҳкамловчи деталлар синганда шнек қайта таъмирланади. Бармоқлар ғилоф тешиклари эркин кириб чиқиши керак, ўқи атрофида айланиши мумкин эмас. Ғилоф сирти ва шнек трубаси орасидаги тирқиш кенглиги 0,7 мм. дан ошганда ғилоф янгилансин.

Қия камера. Таглик лист оралик шитоги, юқори ва пастки қопқоқлар ёрилганда ва узилганда, занжир йўналтиргичлари ейилганда камера таъмирланади. Шкив, юлдузча, занжирлар, подшипниклар, планкалар, пружиналардаги нуқсонлар бартараф этилади.

Янчиш аппарати. Дон савағичлар, уларни барабан (ротор) дискларига маҳкамловчи болтлар, барча бигерлар ва шитоклар текширилсин. Савағич қовурғаларининг баландлиги 6 мм. дан кам бўлмаслиги лозим. Савағичлар маҳкамлигини болға билан енгил уриб текширинг. Қалтироқ овоз болтларнинг бўшагидан далолатдир. Барабан валига ҳаракат берувчи шкив гупчагидаги шпонкали бирикмада тирқиш сезилмаслиги лозим. Барабан (ротор) рамага тўғри ўрнатилиши керак. Агар барабан савағичлари билан барабан остлиги (дека) планкалари орасидаги тирқишлар бирдай бўлса, бу талаб бажарилган ҳисобланади.

Барабан остлигининг турли планкалари ва прутоклари узилган ва қаттиқ эгилганда, йўналтирувчи шитоклар ва осииш механизми эксцентриги корпуслари едилрилганда дека қўшимча таъмирга юборилади.

Дон тозалаш механизмлари. Тебранма доска, сомонсилкитгич, юқори ва пастки ғалвирлар, бармоқлар, юқоридаги ғалвир узайтиргичи, вентилятор, тебрантирувчи валлар деталларининг техник ҳолати текширилади. Қадалиб ишлаётган подшипниклар, синган ёки эзилган жалюзалар, бармоқлар, эгилган узайтиргичлар алмаштирилсин.

Тебранма доска, сомонсилкитгич ва ғалвирлар иш жараёнида бир-бирига ва рама корпусига тегмасдан ишлаши керак.

Шнеклар, элеваторлар. Винтсимон ленталар ва кожухалар узилганда ёки эзилганда, валлар эгилганда шнеклар таъмирланади. Корпуслари эзилган, ёрилган, доскалари едилрилган элеваторлар носоз деб баҳоланади. Элеватор занжири ва юлдузчаси текширилсин. Резина қирғичларда учган ва титилган жойлар бўлмаслиги керак. Кожухи тешилган, ёрилган, парраклари синган вентилятор таъмирланади ёки алмаштирилади. Парраклар ва кожух орасидаги тирқиш бир хил бўлиши лозим. Энг асосийси, шнек ва элеваторлардан дон ва бошоқ тўкилмаслиги даркор.

Юриш қисми. Вариатор гупчалари орасидаги тирқиш кенглиги 0,5 мм. дан катталашса у таъмирланади. Узатмалар бир-бирига қийин қўшилса ёки ўз-ўзидан ажралса, илашиш муфтаси силтов билан уланса ёки шатакисраса, корпусда ёриқлар бўлса, узатма қутиси ва муфта таъмирга тортилади. Тишлари синган ёки едилрилган шестернялар носоз деб

топилади. Ҳаракат давомида тормоз барабанлари ўз-ўзидан қизиб кетаверса ёки комбайн зарб билан тўхтаса, филдираклар тормозларини таъмирлаш талаб этилади. Пайванд чокларига ёриқлар пайдо бўлган, кронштейнлари узилган, дифференциал ва борт редукторлари корпуслари дарз кетган, шестернялари едилрилган орқа ва олд кўприклар таъмирланади.

Гидравлик система. Шланг ва қувурлардан суюқлик томчиласа, бирикмалар тортилсин, шунда ҳам тўхтамаса, алмаштирилсин. Мой тақсимлагич ва гидроцилиндрлар равон қўшилиши ва ажраши лозим. Жатка 4 секунд ичида тепага кўтарилиши керак.

Тақсимлагич дастаги пружина таъсирида ишчи ҳолатдан нейтрал ҳолатга автоматик равишда қайтиши даркор. Дастакка қўйиладиган энг катта куч – 6 кгк. Агар гидробачокда мой кўпикласа, гидроцилиндрлар штуцерлари гайкалари 1,5–2 оборотга бўшатилади ва системадан ҳаво чиқариб юборилади.

Барча насосларнинг созлиги КИ–4200 стандда текширилади. Зарур бўлса, ейилган таркибий қисмлар янгиларига алмаштирилади.

Шундай қилиб, ғалла комбайнларини талаблар даражасида таъмирлаш ва қабул қилиш пояларни тоза ўриш, бошоқдаги донларни шикастламай янчиб олиш, иш унумини таъминлаш, ўрим мавсумини қисқа муддатларда якунлаш гаровидир.

Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., профессор,
ҚХМИТИ.



ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК: СУВДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ОМИЛИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқариш” мавзусида брифинг ўтказилди. Унда Сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Акмал Мирзаев ахборот берди.



Президентимизнинг 2020 йил 10 июлдаги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси”да давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг жорий этиш, алоҳида сув хўжалиги объектларини фермер, кластер ва бошқа ташкилотларга фойдаланиш учун бериш ҳамда тежалган маблағларни сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда рағбатлантиришга йўналтириш бўйича вазифалар белгиланган.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йилда 8 та, 2021 йилда 100 та лойиҳа юзасидан хусусий шериклар билан битимлар имзоланди. Мазкур лойиҳаларнинг умумий қиймати 1 трлн. 333 млрд. сўмни ташкил этиб, дастлабки йилларда хусусий шериклар томонидан 146,3 млрд. сўм инвестиция маблағлари киритиш ва бунинг натижасида 144,5 млрд.сўм бюджет маблағларини иқтисод қилиш кўзда тутилган.

Мисол учун, Самарқанд вилояти Нарпай туманида жойлашган ирригация ва мелиорация объектлари ҳамда 8 та насос станциялари давлат-хусусий шериклик шартлари асосида “Мароқанд сифат” МЧЖ кластер ташкилоти бошқарувида берилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 463 млрд. сўм бўлиб, хусусий шерик томонидан дастлабки йилларда насос станцияларининг 8 дона агрегати тўлиқ таъмирланди, Оқтош-1 насос станцияси биносининг том қисми янгиланди ва Қозоқ-Ариқ каналининг 16 км узунликдаги қисми

механизмлар ёрдамида тозаланди. Бундан ташқари, Хитой давлатидан 500 минг АҚШ доллари эвазига янги (SFWP 105-700 маркали) насос агрегатлари олиб келинмоқда.

Шунингдек, Сирдарё вилояти Сирдарё туманида жойлашган “Шоликор” ва “Шўрузак” насос станциялари давлат-хусусий шериклик шартлари асосида “Гулистон Агро Групп кластер” МЧЖ бошқарувида берилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 46,4 млрд. сўм бўлиб, хусусий шерик томонидан бугунги кунга қадар 5 млрд. сўм инвестиция маблағлари киритилиб, 5 дона насос агрегатлари реконструкция қилинди, мавжуд каналга янги дamba қурилди, 1 дона земснаряд сотиб олинди, сув келтирувчи каналнинг 200 метр қисми тўлиқ таъмирланди, сув тўсувчи иншоотлар модернизация қилинди ва насос станцияларининг ёрдамчи бинолари таъмирдан чиқарилди.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилар экан, жорий йилда Сув хўжалиги вазирлиги томонидан 52 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Мазкур лойиҳалар доирасида хусусий шериклар томонидан дастлабки йилларда инвестициялар киритилиши ва бунинг натижасида бюджет маблағларининг иқтисод қилиниши кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда 8 та лойиҳанинг дастлабки ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, тегишли хулосалар олиш учун Молия вазирлигига тақдим этилган. Шу билан бирга, 23 та лойиҳа бўйича ҳужжатлар тайёрланмоқда ва 21 та лойиҳа юзасидан хусусий шериклар билан музокаралар давом этапти.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқўл туманидаги “Бекаб-48” насос станциясини “Убайдуллаев Батирбай” кластер ташкилоти бошқарувида олиш бўйича таклиф тушган. Умумий қиймати 5 млрд. 438,0 млн. сўмлик лойиҳа доирасида хусусий шерик томонидан дастлабки 2 йилда насос станциясини янги жойга қўчириш ва модернизация қилиш учун 2 млрд. 200 млн.сўм инвестиция киритиш ҳамда лойиҳа муддати давомида эксплуатация харажатларини тўлиқ зиммасига олиб, бунинг учун 3 млрд. 239 млн.сўм маблағ йўналтириш таклифини белдирган. Мазкур лойиҳа хусусий шерик томонидан жами харажатлар қайтармаслик шарти билан амалга оширилади.

Ҳозирги кунда сув хўжалиги объектларини хусусий шерик бошқарувида бериш учун шу каби кўплаб таклифлар билдирилмоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 260 та Сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқариш бўйича лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг татбиқ этилиши давлат бюджетидан соҳага ажратиладиган маблағларни босқичма-босқич камайтириш, иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этиш учун хусусий инвестицияларни жалб этиш ва илғор бошқарув тажрибасини жорий этишга хизмат қилмоқда.

**Сув хўжалиги вазирлиги
Матбуот хизмати.**

8-mart



Инсонлар борки, танлаган касби сир-синаотларини ўзлаштириб, унинг ривожига ўз ҳиссасини қўшишга, ортидан эзгу ном қолдиришга интилади. Шундай меҳнаткаш ва фидойи инсонлардан бири Наманган вилоятининг Чортоқ туманида истиқомат қилувчи, “Меҳнат шухрати” ордени соҳибаси Онархон Имомалиевадир.

ИПАКЧИ ОНАРХОН ОПА

Опа билан суҳбатлашиш мақсадида “Қайдасан, Чортоқ”, дея йўлга чиқдик. Бу туман салқин ҳавоси ва сўлим табиати билан кўплаб сайёҳларни ўзига жалб қилиб келади. Ҳақиқатан ҳам, қир ва адирликлар орасида жойлашганлиги сабаблими, сувга се-роблиги туфайлими туман ҳудудига киришингиз билан сизни ўзгача бир ҳиссиёт қамраб олади. Бизни “Гулсам, Ҳамидулла, Қудратилла” фермер хўжалиги раҳбари Убайдулло Дедахонов кутиб олди. Салом-алиқдан сўнг деҳқончилик, баҳорги юмушлар ҳақида сўрадик.

— Баҳор эшик қоқпти, — дея салмоқлаб гап бошлади фермер. — Баҳорги юмушларни айна кунларда амалга оширсасак, кеч бўлади. Ҳарбийларда универсал аскар, дейишса, мен универсал деҳқонман. 1976 йилдан буён собиқ “Москва” ширкат хўжалигида оддий ишчи, механизатор, бригадир, ипакчилик бригадири, 11 йил МТПда раис бўлиб ишладим. 1989 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тамомлаб, олим-агроном мутахассислигига эга бўлдим. 2016 йили 25 гектар экин майдони билан фермер хўжалигимиз фаолиятини бошлаган эдик. Мақтаниш эмас-у, ўтган йили ҳар гектар экин майдонидан пахтадан 42

центнердан, ғалладан 60 центнердан ҳосил кўтаришга муваффақ бўлдик. Бу 70 нафар ишчи ходимларимизнинг меҳнати, фидокорлиги нишонаси. Жорий йил ҳам 15 гектар экин майдонига ғалла экиб, керакли бўлган барча агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириб келяпмиз. Ҳеч қанча вақт қолмади ипак қурти етиштириш мавсумига ҳам. Албатта бу мавсумга ҳам катта тайёргарликни бошлаб юборганмиз. Ўтган йил 23 қути ипак қурти олиб, ҳар бир қутидан 58 кг дан, жаъми 1334 кг “кумуш тола” олишга эришдик. Хўжалигимиздан ипак қурти олувчиларга биз ҳам бирдек ёрдам қиламиз. Сўкичакларни олиб келиб ўрнатамиз, баргни далада кесиб олиб келиб берамиз. Онархон опа пиллачиларимизга устозлик қиладилар.

Биз Онархон опанинг хонадонига кириб борар эканмиз, водийликларникига хос торгина ҳовли бўлсада, мевали дарахтларга чиройли шакл берилганига эътибор қаратдим. Ҳовлининг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланилар экан, деган фикр келди хаёлимга. 60 ёшларни қоралаган бу аёл билан суҳбатлашиш жараёнида, уйи торроқ экан, ипак қуртини қаерда парваришлашаркан, деб ўйладим. Гўё фикримни уққандай, “Ипак қуртини бо-

лохонада парваришлаймиз”, деди опа ва дарвозахонанинг устига бошлади бизни. Ҳақиқатан ҳам, имкон излаганга, имкондир дунё, дегани рост экан.

— Болалигимдан ипак қурти парваришлаб вояга етганим учунми, ҳар йили бир мавсум ипак қурти боқмасам, бир нарсамни йўқотиб қўйгандек бўламан, — деб гап бошлади Онархон опа. — Аваллари ўттиз, ўттиз икки кун давомида ипак қурти билан олишиб чиқардик. Бу қурт деганлари одамни ҳам ўзидай қимирлатмасдан қўймасди-да. Мана, янги навлар чиқди, янги парваришлаш усуллари пайдо бўлди. Энди анчагина енгилликларга эришдик Республикамизда ипак қуртлари май ойида парваришланади. Ой якунида пилла терими мавсуми бўлади. Мен эса етти йилдан буён ипак қурти уруғларини ўзим етишти-ман. Апрель ойида сўкичакка олиб ой якунида пиллани териб оламиз. Ўтган йили икки қути ипак қуртидан 60 кг дан пилла олган бўлсак, жорий йил плёнка остига олиб паваришлашни ва шунинг баробарида ҳосил салмоғини янада оширишни режа қилганмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, опадан юртимизга кириб келаётган 8-март — Халқаро хотин-қизлар куни ва “Наврўз” умуммиллий байрами билан журнал-хонларимизга тилақларини сўрадик. Опа шундай тилақлар билдирди:

— Аввало аёлларимизни ҳамда бутун республикамиздаги қишлоқ хўжалиги ходимларини ушбу муборак айёмлар билан табриклайман. Юртимиз тинч, хонадонларимиз осойишта бўлсин. Олдимизга қўйган эзгу ниятларимиз, албатта, ижобат бўлиб, ватанимиз янада равнақ топсин!

Каримжон ЭРГАШЕВ
ўз мухбиримиз.

СУВЧИЛАР АЛОҚАЧИСИ НОННА

Она – юрагимизнинг туб-тубидан жой олиб, кўнглимиз жавҳарини бунёд этиб, борлигимизни бағрида ўстирган, қанча азоб тортса-да, дунё деган манзилга кўзларида севинч ёшлари билан келтирган бебаҳо хилқат! Бизунга қанчалик яқинмиз, қанчалик фидомиз? Гоҳо унутмадикми уни? Аммо, бугун она-хонларимиз, опа-сингилларимиз ва қизларимизни қадрлаш куни! Чехрасида севинч порлаган гулгун аёлларнинг кўлларида гул. Нафосат ва муҳаббат, меҳр ва иқбол қайта туғилганга ўхшайди. Айтаверсак, таърифлар, тавсифлар жуда кўп.



Ҳикоямиз қаҳрамони Нонна билан суҳбат қураётган эканмиз, аёл кишининг ўз ишига, оиласига, ҳамкасбларига бўлган садоқатини кўрдик.

Нонна Раджапова 1994 йили айни навқирон 21 ёшида Хоразм вилоятидаги “Чапқирғоқ-Амударё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига ишга келди. Уни сув хўжалигида кўпчиликка устоз бўлган, “Меҳнат шуҳрати”, “Эл-юрт ҳурмати” орденлари соҳиби Ганжабой Ортиқов ишга қабул қилади. Шундан буён у устози айтган гапларга, ўғит ва маслаҳатларга амал қилди. Мана, 28 йилдирки, шу жамоада меҳнат қилади. Аслида, унинг вазифаси нима? Номидан маълумки, алоқачилик бевосита диспетчер бўлими билан боғлиқ иш. Диспетчер инглизча сўз бўлиб, “тез бажараман”, деган маънони билдиради. Ишдаги узлуксизликни таъминлаш мақсадида ҳар бир жараёни техника воситалари ёрдамида оператив назорат қилиш, мувофиқлаштириш ва марказлашган бошқарувни амалга оширувчи хизматчи. Бу касб эгаси алоқа воситалари, компьютер ёрдамида иш юритади. Ундан маълумотларни вақтида етказиш, тез ва соз ишлаш талаб қилинади.

— Менга алоқачилар Хонимжон, Анажон опалар, Муҳаббат Ахмедова иш ўргатган эди, — дейди Нонна. — Бугун эса ҳамкасбларим Ленинза Машарипова, Валижон Ҳурматов, Мансур Самандаровлар билан ишлайман. Диспетчер Исмоил Кариев, Қадамбой Жуманиязовлардан фаолиятим давомида кўп иш ўргандим. Яхши-ёмон кунларимда шу аҳил жамоа менга елкадош бўлди. Сув хўжалигига ишга келиб, ҳеч қачон ранж чекмадим, қадрим бор, яхшилар билан биргаман.

Баҳор... Яшариш ва интилиш, ўсиш ва ривожланиш, янги мақсадлар сари қадам ташлаш учун имкон бергувчи фасл. Фасллар маликаси, кўнгилларни бир-бировга

боғлайдиган, кўкатлар, гуллар зиёси, ифорида баҳра берадиган тўкинликка етакловчи фасл. Демак, Наврўзи олам ҳам эшикларимизни қоқади. Сайллар, хуш суҳбатлар авж оладиган давр. Сув хўжалигида эса ишлар кўпаяди.

Дарё тўлиб, анҳор ва каналларга сув инади. Ариқларда сувлар тўлиб-тошиб оқа бошлайди. Сув билан таъминланган, шўрлари ювилган далаларда иш бошланади. Экиш ва яратувчанлик. Демак, сув хўжалиги ахборотларини, янги топшириқ ва вазифаларни тармоқларга вақтида етказилишини таъминлаш Нонна Раджапова ва ҳамкасбларининг зиммасида. Вақтида бажарилиши шарт бўлган вазифалар бошланди. Шу билан бирга, аҳил жамоа сумалак пишириб, бир-бирини хушлайди, байрамлар билан табриклайди.

Урганч давлат университетининг 3-босқич талабаси Алишер Ражабов эрталабдан онасини табриклашга ошиқади. Ҳар бир байрамни у онаси учун алоҳида нишонлашга интилади. Онаси чиройли гулларни хуш кўради. Нонна бу бахтиёрликни тил билан айтишдан ожиз... Мана, унинг кўлларида даста-даста анвойи гуллар... Ҳар на бўлса-да, биз унга дил изҳоримизни айтдик, омад тиладик.

Ватанимиз равнақи учун фидойи бўлган меҳнаткаш халқимизни сўлим баҳор, Наврўзи олам билан, онажонларимиз, опа-сингиллар ва қизларимизни эса 8-март – Хотин-қизлар куни билан муборакбод этамиз! Сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги ходимларининг бу баҳори эзгулик ва барокатга кон бўлсин! Ёз ва кузнинг истиқболига меҳр ва муҳаббат муждалари билан интилаётган сўлим баҳор ҳаммамизга муборак бўлсин!

Сурамда: Алоқачи Нонна Раджапова.

Шукуржон ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.

Гендер тенглик - инсоннинг асосий ҳуқуқи, шу билан бирга, тинч, фаровон ва барқарор дунё учун зарур асосдир. Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси"нинг II босқичи доирасида ушбу масалага ҳам эътибор қаратилмоқда.

ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА



Сув хўжалиги вазирлиги тизимида 33 мингдан зиёд ходим меҳнат қилади. Уларнинг тахминан 10 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Сув хўжалиги соҳасининг ўзига хос машаққатлари, суғориш мавсумида тунги вақтларда ҳам ишлашга тўғри келиши ва бошқа омиллар туфайли кўпроқ эркаклар ушбу соҳада банд.

Бироқ, аёлларнинг меҳнат қилиши учун барча шароитлар яратилгани, уларга эътибор қаратилаётгани туфайли сўнгги йилларда сув хўжалигида ҳам хотин-қизларнинг сони ортмоқда. Маълумотларга кўра, 2018 йилда вазирлик ташкил этилганидан буён ўтган 4 йил давомида 17 нафар хотин-қиз Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги аълочилиги кўкрак нишони билан тақдирланган.

2021 йилда Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг ҳузуридаги Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази томонидан Ўзбекистоннинг сув хўжалиги соҳасида гендер бўйича биринчи баҳолаш тадқиқоти ўтказилди. Ушбу баҳолашнинг асосий мақсади сув хўжалиги соҳасида республика, минтақа ва маҳаллий бошқарув даражаларида гендер тенгсизлигининг асосий омилларини белгилаш эди. Шу билан бирга, баҳолаш орқали Ўзбекистоннинг сув хўжалиги соҳасида гендер тенглигини тарғиб қилишда ҳамкорлар томонидан тан олинishi ва амалга оширилиши зарур бўлган ҳаракатлар аниқланди.

Баҳолаш натижалари бўйича тақлиф этилган тавсиялар асосида вазирлик лойиҳа билан ҳамкорликда сув

хўжалигида меҳнат қилаётган аёллар салоҳиятини оширишни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Сув ресурсларини интеграциялашган бошқаруви (СРИБ)нинг асосий тамойиллари ва гендер жиҳатлари, сув ресурсларини бошқаришда аёллар имкониятлари ва ҳуқуқларини кенгайтириш, сув хўжалиги ташкилотларида гендер тенглигини ҳисобга олиш мавзуларида тренинглар сув хўжалигининг барча ходимлари учун ўтказилмоқда.

Шунингдек, лойиҳа вазирлик билан биргаликда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича иш олиб бормоқда. Бунда:

сув ресурсларини бошқариш, сувдан фойдаланиш, суғоришни ташкил этиш бўйича стратегиялар ва дастурлар ишлаб чиқишда гендер масалаларини эътиборга олиш;

сувни тежайдиган технологияларни жорий этишда ибрат бўлаётган фермер аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш каби вазифалар белгилаб олинган.

Лойиҳа нафақат сув хўжалиги тизимида иш олиб бораётган, шу билан бирга, ўз томорқасида меҳнат қилиб, сувдан фойдаланаётган, сув ресурсларини тежашга ҳаракат қилаётган қишлоқ аёллари билан ҳам биргаликда ишламоқда.

Ўтган йили лойиҳа доирасида "Томорқа майдонларидаги экинларни суғоришда сувдан самарали фойдаланиш" мавзусида танлов ўтказилди. Танлов қишлоқ аёлларининг томорқа майдонларида экинларни парваришлаш-



да сувдан фойдаланишнинг самараси ҳақида хабардорлигини ошириш, шунингдек, ижтимоий тармоқдаги "ТОМЧИ" каналига қишлоқ аёлларини кенг жалб қилиш мақсадида уюштирилди.

Иштирокчиларга "ТОМЧИ" мобил иловасини юклаб олиш, "ТОМЧИ" телеграм каналига обуна бўлиш, ўз томорқаларида қўллаётган сувни тежовчи самарали усулни қисқа баён қилган ҳолда, уни тавсифловчи фото-суратларни ёки видеороликни юбориш таклиф қилинди. Мамлакатнинг турли ҳудудларидан юзлаб хотин-қизлар танловда қатнашди.

Танлов хотин-қизларнинг қанчалар топқир эканликларини намоён қилди. Сувни тежамкорлик билан қўллаш учун улар рўзғордаги жуда кўп воситалардан фойдаланса бўлишини амалда кўрсатиб бердилар. Мисол учун, қўлда тешиб чиқилган оддийгина шланг, ариқ четига солинган целлофан, тиббиётда ишлатиладиган системалар, ишлатилганидан сўнг ташлаб юбориладиган пластик сув идишлари томорқада томчилатиб суғоришни йўлга қўйишда қўл келди.

Лойиҳа доирасида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлар бу йил ҳам давом эттирилади.

Яқинда Сув хўжалиги вазирлиги, лойиҳа билан ҳамкорликда, сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилишни қўллаб-қувватлаш мақсадида аёл фермерлар ўртасида танлов эълон қилади. Танловнинг мақсади жорий йилда ўз экин майдонларида сув тежовчи суғориш тизимларини тадбиқ, қилишни режалаштирган фермер аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир. Хусусан, ғолиб деб топилган фермер аёлга соврин тариқасида 40 kW лик трансформатор тақдим қилинади.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимида меҳнат қилаётган барча хотин-қизларни, фермер аёлларни ҳамда томорқасида меҳнат қилиб, сувни тежашга ҳисса қўшаётган барча опа-сингилларимизни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклаймиз.

М.МУҲАМЕДОВА.

ҲАМОН ФАОЛ МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ



Таърифламоқчи бўлган отахонимиз Сафар Жўраевни Зарбдор туманида танимаган, билмаган одам топилмаса керак. Чунки у қўп йиллар ўқитувчилик қилган, ҳозирда тумандаги “Янги ҳаёт” маҳалласининг жонқуяр нуронийларидан бири.

Меҳнат фаолиятига назар солсак, у асосан халқ таълими соҳасида фаолият юритган. 1975 йилда Сирдарё педагогика институтининг математика факультетини тугаллаб, Зарбдор туманидаги 2-мактабда, 9-умумтаълим мактабларида дастлаб ўқитувчи, кейин 8-умумтаълим, сўнгра 23-умумтаълим мактабларида ўқув бўлими мудир лавозимида ишлаб келган.

Ҳам вазмин, ҳам кескинроқдай гап-сўзли, аммо истараси иссиқ, бошидан дўпписини туширмайдиган отахон билан дилдан суҳбатлашдик.

— Сафар ака, йўлда баъзи ўқувчиларингиз билан учрашиб қолгандим, улардан бири сизни “қаттиққўл ўқитувчи эди” деган гапни айтиб қолди.

— Очиғи, ҳамиша талабчан бўлганман. Устозлик талабчанликсиз бўлиши мумкинми, ахир. Менга қолса, ўқитувчиликни, ҳатто ота-оналикни ҳам ўта масъулиятли лавозим деган бўлардим, жуда оддий туюлувчи бир соатгина дарс ўтиш жараёни талабчанликсиз кўз олдингизга келтириб кўрингчи!

Сафар ака 2014 йилда пенсияга чиқди. Бекорчиликдан сиқила бошлади. Э-э, шуми ҳали кексаликнинг роҳат-фароғати?...

— Пенсияга чиққандан сўнг Сафарнинг мактабда орттирган одамлар билан ишлаш борасидаги тажрибасидан фойдаланишга қарор қилдим, — дейди Зарбдор туман Нуронийлар кенгаши раиси Абдулла Азимов. — Қўнғироқ қилиб, идорага чақирдим. “Сенга иш бор, укагинам”, дедим ва унга маҳаллада маслаҳатчилик лавозими вазифаларини тушунтириб ўтдим. Танловда адашмаган эканман ўшанда. 7 йилдан буён Сафар ҳар доим ишончимни оқлаб келмоқда.

Шундай қилиб, “муваққат танаффус” барҳам топди, Сафар устоз “Янги ҳаёт” маҳалласи фуқаролар йиғинида кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилик юмушларига сидқидилдан киришиб кетди.

Маҳалла фуқаролар йиғини аъзолари, фаол нуронийлар иштирокида С.Жўраев уддалаётган вазифалар кўлами анча кенг. Жумладан, ўтган йили Президентимиз ташаббуси билан бошланган “Ҳар бир нуроний — беш нафар ёшга мураббий” тамойили асосидаги тадбирлар бу йил ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Маҳалладаги маънавий тарбия ва амалий кўмакка муҳтож ёшлар, уларнинг ота-оналари ҳамда ёшларга бириктирилган нуронийлар иштирокида мунтазам учрашувлар ўтказиб турилиши билан бир қаторда уюлмаган ва ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш диққатга молик вазифадир. Ўтган йили маҳалладаги хусусий корхоналарда дурадгорлик, фермер хўжаликларида ишчилик, умумий овқатланиш шохобчаларида ёрдамчилик каби иш ўринлари билан таъминланган 70 дан ортиқ ёшлардан Сафар Жўраевга бириктирилган 5 нафар ёшлар ҳам бугунги кунда ўз ҳаётини изчил йўлга қўйиб олган.

Яна бир муҳим ва ўта нозик вазифа, бу ажралишлардир. Маҳалла фуқаролар йиғинида ёш оилаларда ажралишларнинг олдини олишга жиддий эътибор қаратилади. Бирор ёш эрхотин орасида қўйди-чикди можароси ҳақида хабар топилса, томонларни муросаса келтириш орқали уларни яраштириш чоралари кўрилади. Бунда кўпни кўрган, бой ҳаётини тажрибага эга, маҳалла-қўйдаги тотувлик ва ҳамжиҳатликка камарбаста Сафар ака каби кексалар жонбозлик кўрсатади, албатта.

Маҳалласининг ҳар бир фуқаросига ўз жигаргўшасидек муносабатда бўладиган, маҳалладошларининг қувонч-ташвишларини ўзиникидек қабул қиладиган Сафар аканинг яна бир хислати ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Мазкур маҳалладаги 351 нафар пенсионер унинг доимий диққат эътиборида. Жумладан, 8 нафар ёлғиз пенсионер ва 2 нафар касалманд хаста отахонларнинг ҳолларидан мунтазам хабар олиб туришни у ўзининг бирламчи бурчи деб билади. Ўқсик кўнгилларга далда берадиган бундай инсон эса ҳамма ерда ҳурмат ва эҳтиромда бўлиши тайин.

Маҳалла ва туманнинг нуронийлари ўтган йили Тошкентнинг “Янги Ўзбекистон боғи”, “Ғалаба боғи” каби диққатга сазовор гўшаларига бориб келишди. Шунингдек, юртимизнинг қадим шаҳарларидан Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Қарши, Шахрисабзга зиёрат-саёҳатларида С.Жўраев фаоллик кўрсатди.

— Маҳалламиздаги 8-умумтаълим мактабида ўқув-тарбия жараёнидан хабар олиш зарурати туғилганда кўнглим яйрайди, — дейди қаҳрамонимиз. — Азалий одатим бўйича ўқувчилар ва атайлаб ўқитувчилар давоматини суриштиришдан бошлайман гапни. Шунда баъзи бир норозидай нигоҳларга дуч келаман. Қанча ўқувчи қайси тўғарақларда қандай қатнашаётгани билан қизиқаман ва, албатта, бирон-бир синфда маънавий-маърифий дарс ўтиб келишга доимо тайёр бўламан. Кўнгилни мактабдан узиб кетолмас экансан киши.

Яқинда шу мактабда туманимизнинг фахрий устозлари учун маданий тадбир уюштирдик. Турли йилларда бирга ишлашган ҳамкасбларим билан учрашиб, дийдорлашдик. Бир пайтлар мактаб ҳовлисини жамоавий ҳашар билан боғ-роғ қилганмиз. Эндilikда мактабнинг ҳамма томони соя-салқин. Саранжом-саришталик эса ҳозирги маъмуриятнинг саъй-ҳаракатлари самарасидир.

2018 йил “Энг фаол кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи” кўрик танловининг Жиззах вилояти босқичида 2-ўрин соhibи бўлган Сафар ака ўтган йили “Меҳнат фахрийси” кўрак нишони билан тақдирланди.

Бу бир нуронийнинг маҳалла учун жонбозлиги, фидойилигининг эътирофидир.

— Юртбошимизнинг ташаббуси билан жорий йил “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилинди. Бунинг замирида бир олам маъно бор, — дейди Сафар ака. — Чунки, маҳалла кичик ватандир. Оила, маҳалла, туман тинч ва ахил-иноқ бўлса, ишда ҳам, турмушда ҳам файз-барака бўлади. Бу борада биз нуронийларнинг зиммамызга ҳар жабҳада ўрناк бўлишдек масъулият юкланган.

Ҳақ гап, кексаларнинг хотиржамлиги, ёшларнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги, болаларнинг баркамол улғайиши кўп жиҳатдан Сафар ака каби фидойи оқсоқолларга ҳам боғлиқ. Юртимизда эса бундай фаоллар жуда кўп. Қаҳрамонимиз улардан бири, холос.

Бозорбой СУЮНДИКОВ,
Жиззах вилояти.

*Ассалом, Наврӯз –
янгилаиш, меҳр-оқибат
ва қадр-қиммат айёми!*

Халқимизни Баҳор байрами —

Наврӯз айёми

билан самимий қутлаймиз.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо,

ҳаётимиз янада фаровон,

дастурхонларимиз

серфайз ва тўкин бўлсин!

ЗАРБАОР ТУМАНИ ҲОКИМАЛИГИ



Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, соҳага бозор механизмларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, янги хўжалик юритиш шакллари бўлган агрокластерлар ҳамда кооперация тамойиллари асосида фаолият юритувчи қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ташкил этилмоқда. Туманларда ташкил этилаётган ғаллачилик кластерлари ҳам ана шу тамойилга асосланган лойиҳалардандир.



Суратда: Кластер раҳбари Ш.Мирзаев, туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Ф. Раззоқов билан.

ҒАЛЛАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ – ИСТИҚБОЛЛИ ТАШАББУС

Самарқанд вилоятида ҳам ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, дон етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бошоқли дон етиштиришда кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ғаллачилик кластерларини ташкил этиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Пахтачи туманидаги «Мирзаев Шухрат Кенжаевич» ғаллачилик кластери ҳам ташкил этилганга кўп бўлмаган бўлса-да, истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Шижоатли фермер Шавкат Мирзаев

раҳбарлигидаги кластер бугун тумандаги 225 та фермер хўжаликлари билан шартномалар имзолаб, ҳамкорликда 6 минг 254 гектар майдонда ғалла етиштирмоқда. Айни кунларда кластер хўжалигининг далаларида баравж ўсаётган ғалла, бўлғуси мўл ҳосилдан буй кўрсатиб турибди.

— Ўтган йилда ғаллачилик кластери ташкил этиб, Туркия технологияси асосида кунлик қуввати 120 тонна бўлган ун заводини ишга туширдик ва шу билан туманимиз аҳолисидан 220 нафар аҳолиимизни янги иш ўринлари билан таъминлашга эришдик. Ҳозирги кунда чорва молларига озуқа сифатида омухта ем ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни кўзлаб турибмиз. Мақсадимиз амалга ошиши билан яна 30 нафар янги иш ўрни яратилади. Бугунги долзарб вазифамиз ғалла парваришидаги

агротехник тадбирларни оби тобида олиб бориш бўлса, яқин келажақда бошоқли дон экиладиган майдонларимизда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиб, кластер хўжалигимизда ер, сув ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, инновацион технологияларни жорий этиш орқали ҳосилдорликни оширишни йўлга қўйишни мақсад қилганмиз, — дейди фермер Шавкат Мирзаев.

Дарҳақиқат, бу каби ғаллачилик кластерларининг ташкил этилиши фермер хўжаликларида қўшимча агротехник тадбирларни ўтказишга талаб этиладиган маблағларни етарли миқдорда йўналтириш орқали юқори ҳосилдорликка эришишни таъминлашга, моддий манфаатдорликни ва самарадорликни оширишга замин яратади. Шу билан бирга, маҳсулотни қайта ишлаш орқали қўшимча иш ўринлари яратилишига ва нарх-наво барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

ҚАТРАДАГИ - ҚАДР

Бугун инсоният олдидаги мураккаб муаммолардан бири сув танқислиги масаласидир. Шундай экан, бугунги давр мавжуд имкониятларимизнинг қадрига етиб сувнинг ҳар бир томчисини олтинга тенг кўриб, уни асраб-авайлашимизни, тежаб-тергаб фойдаланишимизни тақозо этади. Маълумки сув ресурсларидан самарали фойдаланишда, иқтисод қилинишида самарали усул ва илғор технологиялардан, хусусан, томчилатиб сўғориш тизимидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу сувга эҳтиёж кўп бўлган даврларда оби-ҳаёт тақчиллигининг олдини олади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги «Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб сўғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори сувдан тежамли фойдаланиш тадбирларини амалга оширишда, ушбу долзарб масалага ечим топишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қарор ижроси юзасидан Навоий вилоятидаги сўғориш тизимида ўзига хос меҳнат талаб этадиган Хатирчи туманида ҳам кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, ўтган 2021 йилда тумандаги 74 та фермер хўжаликларининг 1 минг 768 гектар майдонида тежамкор технология жорий



этилиб, ғўза майдонларида шу тарзда сўғориш ишлари олиб борилди. Бу кўрсаткич жорий 2022 йилда 7 минг 750 гектарни ташкил этиши кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга туманда сувдан тежамли фойдаланишнинг яна бир усули, ёмғирлатиб сўғориш усулидан кенг фойдаланилмоқда ва туманда жорий йил якунига қадар яна 650 гектар шу тойфадаги технологиялар жорий этилиши кутилмоқда.

Албатта, тежамкорлик ва ҳосилдорлик гарови бўлган томчилатиб сўғориш усулига амал қилиш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш баробарида ҳосилдорликни ошириш, пировардида аҳоли турмуш даражасини янада кўтаришга хизмат қилади.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.

Ҳеҳоз иғидан

“Сув келтирган элда азиз” дейишади. Она заминимизнинг қай гўшасига борсангиз, сув бор жойда гўзаллик, файз ва барака ҳукмрон. Сувни тежаш, ундан унумли фойдаланиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлигини барча миллат ва элатлар жуда яхши билишади.



Кейин-ги йиллар давомида республикада ирригация ва мелиорация соҳаларини янада ривожлантириш, замонавий асбоб ва ускуналар билан бойитиб бориш ва жаҳоннинг ривожланган давлатлари фойдаланаётган инновацион усуллардан фойдаланиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Албатта, соҳа вакилларининг ушбу ишларни устоз-шогирд анъаналарига риоя қилган ҳолда амалга ошираётганлари нур устига нур бўлмоқда.

– Корхонамизни узоқ йиллар давомида барча ишчи ва ходимларимизнинг қадрли устози бўлган Баҳромжон Ахмедов бошқарганлар. У кишидан бир-биримизни қадрлашни, ўз вақтида ёрдам беришни, орттирилган малака ва тажрибаларни ўртоқлашишни ўргандик, – дейди Исфара-Сирдарё ИТБ раҳбари Илхомжон Дехқонов. – 2011 йил Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Сув хўжалиги ва мелиорация қурилиши бўлимини тамомлаб келган куним менга “Ўғлим, ниятни катта қил, ҳалол бўл, қуёшни кўзла – ойга етасан” деганлари ҳеч ёдимдан кетмайди. Ўшанда шунчаки айтдиларда, деб ўйлагандим. 2021 йилда вафотларидан сўнг у кишининг корхонамиз учун қанчалар қадрли инсон бўлганликлари гувоҳ бўлдим. Гуё корхонамиз ҳувиллаб қолгандай бўлди. Ҳозирда ўзим ҳам соҳамиз учун янги кадрлар излаб институт ва университетларга бориб, ёш талабалар билан суҳбатлар ўтказиб, корхонамизга ишга таклиф қиламман. Уларнинг иш жойлари ва шароитларини яхшилаш учун барча имкониятлардан фойдаланаямман.

– Корхонамиздаги 74 нафар ишчи ва ходимлар Фарғона вилоятининг Ўзбекистон, Фурқат, Бешариқ ва Данғара туманларига сувни керакли миқдорда йўқотишларсиз етиб бори-

шини таъминлашади. Ўтган 2021 йилдан гидропостларга ҳар бири 16 млн. 400 минг сўмлик ақлли сув ўлчагичларни давлатимиз ҳисобидан ўрнатиш ишларини бошладик. Бу ускунаимизнинг афзаллиги шундаки, гидропостдан ўтаётган сувни бир меъёрда ушлаш билан бирга ҳажмини ҳисоблаб боради ва маълумотларни корхона муҳандисига узлуксиз етказиб боради. Агар сув белгиланган меъёрдан ошса ёки камайса, бу ҳақида ходимларимиз хабардор бўлишади ва зудлик билан етиб бориб, муаммони ҳал қилишади. Ўтган йил давомида 16 та гидропостларга ушбу ускуналарни ўрнатдик, жорий йил яна 22 та гидропостларга ўрнатиб ишга тушириш ишларини бошлаб юбордик. Бизнинг ходимларимиз юқорида кўрсатилган тўртта тумanning 7742 гектар экин майдонларига хизмат кўрсатишади. Бунинг учун, албатта, туманларга Сўх дарёсидан Томоша канали ва Катта Фарғона канали орқали келаётган сувнинг меъёрини билиш ва ҳаққоний тақсимлаш лозим бўлади. Кейинги йилларда республикаимизнинг барча вилоятларидаги каби бизнинг вилоятимизда ҳам сув тақчиллиги кузатилмоқда. Шунинг учун жаҳоннинг етакчи компаниялари билан келишилган ҳолда фермерлар билан шартномалар тузилиб, томчилаб ва ёмғирли суғориш тизимлари ўрнатилмоқда. Ушбу тизимлар сувни тежаши билан бирга суспензия ҳамда ўғитлаш ишларида ҳам бир қатор афзалликларга эгалиги билан ажралиб туради.

2021-2022 йил кузги-қишқи мавсумда Ўзбекистон туманида 350 га, Фурқат туманида 300 га, Бешариқ туманида 400 га ва Данғара туманида 400 га ғалла майдонларига ўрнатиб, ишга туширдик. Айни кунларгача Бешариқ туманининг 1350 га, Данғара туманининг 1300 га, Ўзбекистон туманининг 1650 га, Фурқат туманининг 1300 га экин майдонига экиладиган пахта майдонларига том-

чилаб суғориш ускуналари ўрнатилди. Албатта, бу инновацион дастгоҳлар ўз самарасини бериб, ҳосил миқдорини ошириб келмоқда.

– Устозимиз бошчилигида корхонамизда қўшимча хўжаликлар ҳам ташкил қилинган, – деб Илхомжоннинг сўзини давом эттирди корхона бош хисобчиси Адхамжон Эргашев. – Кам таъминланган оилалар ва ишчиларимизни ҳар байрам кунларида озиқ-овқат маҳсулотлари билан тақдирлаб борамиз. Бунинг учун 8 бош қорамол, 18 бош қўй, 40 бош она қўён, 300 та ғоз ва товукларни доимий парваришлаб келмоқдамиз. Ҳар куни корхонамизда тушлик ташкил қилганмиз. Бунинг учун 3 сотихлик иссиқхонамиз полиз ва лимон маҳсулотларини етказиб беради. “Яшил макон” дастури асосида тизимимиз муҳофаза ҳудудларига манзарали ва мевали дарахтлар экдик. Албатта, ушбу мевалар ҳам ишчиларимизга тақсимланади. Агар ишчиларга иш жойида шароит ва имконият яратиб берилса, ўз вазифаларига янада масъулият билан ёндашадилар. Яқинда 8 март Халқаро хотин-қизлар куни ва халқимизнинг миллий байрами Наврўз. Корхонамизда сумалак сайли ташкил қиламиз. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни Баҳор айёми билан табриклаймиз.

“Яхши ният билан қилинган ҳар бир иш ўз мевасини беради” деб бежиз айтишмаган. Бу жамоада ходимлар ўз касбларини янада улуғлаб, юртимиз фаровонлиги йўлида баҳорий кайфият билан сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Зеро, тинч ва фаровон юртга байрамлар ярашади, албатта.

Каримжон Ҳайитбоев,
ўз муҳбиримиз.

Суратда: (чапдан) корхона хисобчиси Адхамжон Эргашев ва Исфара - Сирдарё ИТБ раҳбари Илхомжон Дехқоновлар ақлли сув ўтказгичларни кўздан кечиришмоқда.

**Ассалом, Наврўз –
янгиланиш, меҳр-оқибат
ва қадр-қиммат айёми!**

**Мамлакатимиз
аҳолисини,
қишлоқ хўжалиги
соҳасида
меҳнат қилаётган
чорвадору деҳқон
ҳамда фермерларни,
соҳа фидойиларини
янгиланиш ва
яшариш айёми –
Наврўзи олам
билан
муборакбод этамиз.**



**Наманган вилояти
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш бошқармаси
жамоаси**

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛИБ...



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 декабрдаги “Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди ҳудудларда малакали ветеринария хизматларини ташкил этиш, чорвадан экологик тоза ва тўйимли маҳсулотлар олиш борасида фуқаролар билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган чора-тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириб бориш белгилаб қўйилди.

Жиззах вилояти ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси ва унинг таркибидаги жамоалар ҳам фаолиятларини давлат раҳбари қарорини ўзи учун дастуруламал сифатида қабул қилган ҳолда ташкил қилишмоқда. Бу ишларнинг янада самарали бўлишида эса, жойларда иш бошлаган кўчма “Ветеринария хизматларини кўрсатиш” марказларининг ҳиссаси катта бўляпти.

Бугунги кунда вилоят аҳолиси томонидан 850 минг бош йирик шохли, 2 миллион 160 минг бош майда шохли моллар, 2 миллион бошдан зиёд парранда ва бошқа турдаги жониворлар парваришланмоқда. Воҳа ветеринарлари ана шунча чорва ҳамда уй ҳайвонлари мавжуд ҳудудда эпизоотик осойишталикни таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш, қўшни давлатлардан юқумли касалликларнинг кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида 11 хил диагностик текширувлар, 16 турда профилактик эмлаш тадбирларини амалга оширишни режалаштиришди.

– Бу борадаги ишларни сифатли ва тезкор бажариш учун 61 та махсус гуруҳлар ташкил этдик, – дейди Жиззах вилояти ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармасининг бошлиғи Рустам Муратов. – Ушбу гуруҳларга 275 нафар малакали мутахассислар жамланган. Улар ўз ишини сифатли ва самарали бажариши учун 12 та махсус техника, бошқа зарурий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг кўрсатмасига биноан, айни кунларда вилоят бўйлаб қишлоқ хўжалигининг ушбу тармоғидаги профилактик тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган “Долзарб 90 кунлик” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Айтиш жоиз, лойиҳа доирасидаги ишларнинг “маҳаллабай” ва “хонадонбай” усулда ташкил этилаётгани кутилган натижани бермоқда. Буни жорий йилнинг ортда қолган 2 ойи давомида жами 2

миллион 186 минг бош чорва моллари 6 турдаги юқумли касалликларга қарши эмлангани, бу борадаги тадбирларнинг қизғин давом этаётгани ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, аҳоли хонадонларидаги чорва моллари наслини яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган ишларни ҳам мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Чунончи, сунъий уруғлантирилиши режалаштирилган 49 минг бош сигир ва ғунажинларнинг 5 минг бошида бу ишлар аллақачон якунига етказилди.

– Фаолиятимизни замон билан ҳамнафас тарзда юритишни ният қилганмиз, – дейди бошқарма бошлиғининг ўринбосари Абдор Жўраев. – Хўш, бу нималарда кўринади? Чорвачиликка ихтисослашган 1 минг 161 та хўжалик субъектларидаги 45 минг 150 бош йирик, 473 минг 443 бош майда шохли моллар идентификация қилинади. Айни дамгача 281 та субъектдаги 8 минг 100 бош қорамол, 6 минг 400 бош майда шохли моллар, 400 бош отлар идентификация қилиниб, “VIS-CHINOR” ягона электрон базасига киритилди.

Воҳада ташкил этилган ветеринария хизмати кўрсатиш марказлари ташаббуси билан аҳоли ўртасида мамлакат ҳамда вилоят миқёсидаги тажрибали мутахассисларни жалб қилган ҳолда чорва молларида учрайдиган касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ва тарғибот ишлари йўлга қўйилди. Бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг нафақат анъанавий, халқчил йирик ва майда шохли чорва моллари, балки, кейинги даврларда ривож топаётган паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик ва балиқчилик соҳаларини ҳам қамраб олаётгани эса, айни муддао бўлмоқда...

Худойберди КАРИМОВ,
ўз муҳбиримиз.

Суратда: Зомин тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими жамоаси янгидан барпо этилган, барча қулайликларга эга бинода фаолият юритмоқда.

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Ангор туманидаги “Тановар Сурхон” МЧЖ жамоаси икки йилдан бери “Юқори Таллимарон” маҳалласи ҳудудидаги 76 гектар майдонга турли сабзавот маҳсулотлари етиштирмоқда.

– Ўтган йили сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришда томчилатиб суғоришни жорий этганимиз учун азотли, фосфорли, калийли ўғитларидан анча иқтисод қилинди, – дейди “Тановар Сурхон” МЧЖ раҳбари Рустам Номозов. – Ортиқча сув сарфланмади, ерни бир текис суғоришга эришилди. Экинларни суғоришни икки-уч нафар киши бошқара олди, ўғитлаш ҳам осонлашди. Сувнинг маҳсулдорлиги эгатлаб суғоришдагига нисбатан 218 фоизга ортди.

МЧЖ мутахассисларининг таъкидлашича, сабзавот-полиз экинлари томчилатиб суғорилганда суғориш меъёри 3929 м³ га тўғри келган. Ҳолбуки эгатлаб суғорилганда суғориш меъёри 7087 м³ ни ташкил этарди.



Азиз юрдашлар!

Қишлоқ ва сув хўжалигининг фидойилари!

Сизларни кириб келаётган баҳор байрами

Наврўзи олам

билан муборабод этамиз.

**Хонадонингизга хуррамлик, кўнглингизга
хотиржамлик, барчангизга саломатлик ва
омад тилаб қоламиз.**



**Хоразм вилояти
Ҳазорасп туманидаги
“САЛОМАТ” фермер хўжалиги
жамоаси.**



ИШТИХОНЛИК ВЕТЕРИНАРЛАРДАН ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Аграр соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар юртимизда деҳқончилик, чорвачилик маданиятини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, ерларнинг унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, томорқачиликда ўзига хос мактаб яратиб, яхши даромад топаётган минглаб оилалар фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Бу борада Ўзбекистон республикаси Президентининг "Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ҳам томорқа орқасидан рўзгор тебратаётганлар учун янги имкониятлар эшигини очмоқда ва шу билан бирга тегишли соҳа вакилларига алоҳида вазифалар қўймоқда.

Шу мақсадда Иштихон туман ветеринария бўлими қошида аҳолини қуёнчилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик каби соҳалардаги билим ва куникмаларини шакллантириш мақсадида ўқув курслари ташкил этилди. Марказда курс тингловчилари учун барча шароит яратилган бўлиб, соҳаларга оид қўлланмалар, йўриқномалар билан таъминланган ва дарслар мутахассислар иштирокида олиб борилаётган.

– 2002 йилдан буён 12 сотих томорқамда экин экман, товуқ боқаман ва оилам фаровонлиги ҳам шу томорқа даромадидан. Ўқув курсига қатнашишдан мақсадим паррандачилик соҳасидаги билимимни бойитиб, каттароқ фабрика ташкил этиш, – дейди ўқув курси қатнашчиси О.Ибрагимов.

– Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда, чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш алоҳида эътибор талаб қилади. Шу мақсадда қабул қилинаётган қарорлар, дастурлар янги хўжалик юритувчи субъектлар

Суратда: Иштихон туман ветеринария бўлими ходимлари

фаолияти учун замин яратмоқда. Бугун туманимизда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик, қорамолчилик, қуёнчилик, паррандачилик фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Эндиликда мазкур тармоқни аҳоли хонадонларида ҳам кенг ёйишни мақсад қилганмиз, – дейди туман ветеринария бўлими бошлиғи Тўлқин Турдибоев.

Албатта, жойларда амалга оширилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар пировардида бозорларда озиқ-овқат сероблигини ва арзонлиги таъминланиб, аҳоли дастурхониغا файз-барака киритади.

Ўз мухбиримиз.



*Мажтаҳи туманидаги
“Ойнуҳа Абдулла Усмон
Жамро” фермер
хўжалиги аъзолари
халқимизни, деҳқон ва
фермерларни*

Наврўз айёми
билан муборакбод этади.

ФЕРМЕР ВА ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Иқтисодий судларга юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари ва шартнома шартларининг тўлиқ бажарилиши бўйича даъво аризаларини кўриб чиқиш, уларга қонун дорасида чора кўриш вазифаси юклатилган. Судларда кўриб чиқиладиган даъво аризаларининг аксарияти даъвогарлар фойдасига ҳал қилиняпти. Бу борада Хоразм вилоятида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.



Шовот туманлараро иқтисодий судига ҳам фермер хўжаликлари томонидан келиб тушаётган даъво аризаларининг кўпчилиги даъвогарлар фойдасига ҳал қилиниб қаноатлантирилмоқда. Бунга жорий йил бошида кўриб чиқилган қуйидаги даъво аризаси натижаси ёрқин мисол бўлади.

Шовот туманлараро иқтисодий судига даъвогар Шовот туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг «Юсупова Ёқутжон» фермер хўжалиги манфаатида жавобгар «Савдо харид тайёрлов» масъулияти чекланган жамиятидан 9.020.000 сўм асосий қарздорлик ва 4.373.200 сўм пеняни ундириб беришни сўраб мурожаат қилган.

Суд ишида даъвогар Шовот туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши вакили тушунтириш бериб, даъво кўллаб-қувватлаб, асосий қарздорлик шу кунгача қопланмаганлигини, шартнома шартларидан келиб чиқиб, 1 кг шולי нархининг 2000 сўмдан ҳисобланиши тўғрисидаги ва қаршилиги йўқлигини айтиб, аниқланган қарздорлик бўйича даъво кўллаб қаноатлантиришни сўради.

Суд — ишда иштирок этувчи шахслар вакиллариининг даъво аризаси юзасидан тушунтиришларини тинглаб, ишдаги ҳужжат ва далилларни таҳлил қилиб, қуйидагиларга асосан даъво аризани қисман қаноатлантиришни ва ишни кўриш билан боғлиқ харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топди. Иш ҳужжатлари ва суд муҳокамасида аниқланишича, даъвогар «Юсупова Ёқутжон» фермер хўжалиги ва жавобгар «Савдо харид тайёрлов» масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2020 йил 8 октябрь куни «шולי маҳсулотини» харид қилиш юзасидан контрактация шартномаси имзоланган.

ЎЗР ФКнинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак. Суд, юқоридагиларга асосан, даъво талабининг асосий қарздорлик қисми, ишга тақдим қилинган тегишли счёт-фактуралар ва тегишли ҳужжатлар билан тўлиқ исботини топганлиги учун тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади. **Бундан ташқари, даъвогар ўзининг даъво талабларида жавобгар томонидан шартнома шартлари лозим даражада бажарилмасдан мулкый жавобгарлик вужудга келганлиги муносабати билан жавобгардан 4.373.200 сўм пеня ундиришни сўраган.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги «Мажбуриятларни бажармаганлик ёки

лозим даражада бажармаганлик сабабли мулкый жавобгарлик учун фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 163-сонли қарорининг 2-бандида шартномада жарима ёки пеня шаклида белгиланадиган неустойка тарафлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларида бири ҳисобланиши, судлар неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилишининг оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилашлари шартлиги ҳақида судларга тушунтириш берилган.

Қайд қилинганларга асосан, суд даъвогарнинг пеня ундириш ҳақидаги талаби асосли бўлса-да, ундирилиши сўралган пенянинг миқдори мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги ҳамда даъвогарнинг ўз вақтида судга мурожаат қилиб, қарздорликни ундириш чораларини кўрмаганлиги натижасида пеня миқдорининг сунъий равишда ўсишига сабабчи бўлган деб, жавобгарнинг молиявий аҳволини инобатга олиб, 850.000 сўмга қаноатлантиришни ҳамда пенянинг қолган қисмини рад қилишни лозим деб топади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Юқоридагиларга кўра, суд даъвогарнинг даъвосини қисман қаноатлантиришни, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига асосан давлат божи ва почта харажатиини жавобгар зиммасига юклашни лозим топди. Бинобарин, суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68, 118, 176, 177, 179-моддаларини қўллаб, даъвогарнинг даъво талабини қисман қаноатлантирилди. Жавобгар «Савдо харид тайёрлов» масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар «Юсупова Ёқутжон» фермер хўжалиги фойдасига 9.020.000 сўм асосий қарздорлик, 850.000 сўм пеня, олдиндан тўланган 21.600 сўм почта харажати, жами 9.891.600 сўм ундирилди. Жавобгар «Савдо харид тайёрлов» масъулияти чекланган жамиятидан Республика бюджетига 270.000 сўм давлат божи тулайдиган бўлди.

Иқтисодий ишлар суди фаолиятида юқоридаги каби мурожаатлар кўп, улар судлар томонидан ўз вақтида кўриб чиқилиб, қонун устиворлиги таъминланмоқда.

Б.ҲАЙИТБОВЕ,

Шовот туманлараро иқтисодий суди судьяси.

*Ассалом, Наврӯз – янгилашни,
меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми!*

**Қашқадарё вилояти Ветеринария ва
чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси
жамоаси**

*Бунёдкор халқимизни, барча деҳқон ва
чорвадорларни бахт ва бахор байрами –*

Наврӯз айёми

билан самимий тадбирқилайди.

*Ҳар бир хонадондан кут-
баракат, бахорий шукӯҳ ариласин!*



ЃЎЗАНИНГ ОДДИЙ ВА МУРАККАБ ДУРАГАЙЛАШ НАТИЖАСИДА ЯРАТИЛГАН ТИЗМАЛАРИНИНГ ТОЛА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Показатели качества волокна линий созданные в результате простого и сложного гибридизация определены в современных измерительных приборах HVI и выделены опытные линии с высоким хозяйственно-ценным признаком отвечающим к требованиям волокна IV типа.

Fiber quality indexes of lines created in the result of simple and complicated hybridization of cotton plant were defined by the contemporary measuring HVI and singled out experimental lines with high economic-valuable traits meeting the requirements of the fiber of IV type.

Маълумки, ғўза ўсимлиги асосан толаси учун етиштирилади, шу сабабли, тола сифати, тола чиқими яхшилаш тола ҳосилдорлигини ошириш бўйича олиб борилган селекция ишлари ишлаб чиқаришнинг тўқимачилик саноати учун муҳим аҳамият касб этади. Ѓўзанинг янги навлари ва бошланғич ашёларини яратишда толанинг сифат кўрсаткичлари эътибор қаратиш зарур. Бугунги кунда пахтачилик кластерлари томонидан ғўза селекционер олимлари тола сифати, айниқса, ип йигирувчанлик коэффиценти жаҳон андоза талабларига жавоб берадиган навлар яратиш муҳимлиги келтирилган. Ж.Х.Ахмедов ва бошқалар [1] янги яратилган ўрта толали ғўза навларини ҳамда тизмаларнинг тола сифат кўрсаткичлари бўйича тадқиқотларида ўрганилган 5 та тизмадан тола узунлиги андоза "Наманган-77" ва "Бухоро-102" навларга нисбатан 0,3-1,9 мм.дан 4,4-6,0 мм.гача юқори бўлган. Тола чиқими бўйича Т-259 андоза навлар ва бошқа тизмалардан юқори бўлганлиги ҳамда микронейр кўрсаткичи бўйича Т-308, Т-251 ва Т-260 тўртинчи типга тўлиқ жавоб бериши, Т-258 ва Т-259 бешинчи тип талабларига жавоб бериши аниқланган. Тола сифатини ошириш доимо асосий вазифа бўлиб келмоқда. Шу билан бирга, сертола ва сифати юқори бўлган навлар яратишда айрим муаммолар мавжуд. Биринчидан, тола чиқими ва сифати ўртасида салбий боғланишлар мавжуд W.Meredith [2] маълумотларига кўра, тола ҳосилдорлиги ва тола сифати ўртасида кучли салбий боғланишлар мавжуд.

Ѓўзанинг қимматли хўжалик белгилари юқори бўлиши билан бир қаторда тола сифат кўрсаткичлари жаҳон андоза талабларига жавоб бериши зарур. Тадқиқотларда ғўзанинг оддий ва мураккаб дурагайлаш натижасида яратилган тизмалар ҳамда андоза C-6524 навидан олинган намуналарда толанинг Mic, SCI, Lend, Str(g/tex) ва UI (%) каби кўрсаткичи HVI ўлчов асбобида аниқланди.

Микронейр кўрсаткичи бўйича оддий дурагайлардан олинган тизмаларда 4.4 дан Т-3, Т-9, ва Т-18 тизмалари, 5,0 гача Т-7 тизмаси, мураккаб дурагайлардан олинган тизмаларда эса 4,3 дан Т-57 тизмаси, 4,9 гача Т-50 тизмасида бўлганлиги, ип йигирувчанлик коэффиценти бўйича ушбу тизмалар ўрганилганда Т-1 тизмасида 121 дан, 156 гача Т-7 тизмасида, мураккаб дурагайлардан олинган тизмаларда эса 118 дан Т-53 тизмасида, 149 гача Т-50 тизмасида бўлганлиги аниқланди. Андоза сифатида олинган C-6524 навида микронейр кўрсаткичи 4,6 ни, ип йигирувчанлик коэффиценти эса 134 ни ташкил этди. Микронейр кўрсаткичидан ушбу дурагайлардан 4.7 дан

юқори бўлган ҳамда ип йигирувчанлиги жаҳон тола сифати талабларига жавоб берадиган тизмаларнинг оилалари чиқитта чиқазилди.

Толанинг сифат кўрсаткичларидан тола узунлиги аслий белгилардан ҳисобланиб, ушбу белги бўйича оддий ва мураккаб дурагайлаш натижасида яратилган тизмаларда андоза навга таққослаб таҳлил қилинди. Тола узунлиги белгиси бўйича оддий дурагайлардан олинган тизмаларда 1,06 дюймдан Т-1 тизмаси, 1,16 дюймгача Т-3, мураккаб дурагайлардан олинган тизмаларда эса 1,10 дюймдан Т-43 тизмаси, 1,19 дюймгача Т-57 тизмаси бўлиб, андоза C-6524 навида эса 1,09 дюймни ташкил этди. Ушбу белги бўйича мураккаб дурагайлардан олинган тизмаларда, оддий дурагайлардан олинган тизмалар ва андоза навидан бирмунча юқорилиги кузатилди. Тола бирхиллиги ва солиштирма нисбий узилиш кучи белгилари бўйича аниқланганда оддий дурагайлаш натижасида яратилган тизмаларда тола бирхиллиги 81,1 фоиздан Т-1 тизмаси, 84,8 фоизгача Т-7 тизмаси, солиштирма нисбий узилиш кучи 31,2 г/текстдан Т-1 тизмаси 36,4 г/текстгача Т-9 тизмасида кузатилди.

Мураккаб дурагайлардан олинган тизмаларда эса тола бирхиллиги 82,1 фоиздан Т-50 тизмаси, 85,0 фоизгача Т-57 тизмасида бўлганлиги, солиштирма нисбий узилиш кучи эса 29, г/текстдан, 33,6 г/текстгача Т-60 тизмасида бўлганлиги аниқланди. Андоза сифатида олинган C-6524 навида тола бирхиллиги 83.2 фоиз, солиштирма узилиш кучи эса 34.4 г/текстни ташкил этди.

Тадқиқотларда оддий ва мураккаб дурагайлаш натижасида яратилган тизмаларнинг тола сифат кўрсаткичлари таҳлили асосида оддий дурагайлардан олинган Т-3, Т-9 ва Т-18 тизмалари ҳамда мураккаб дурагайлардан олинган тизмалардан Т-46, Т-53 ва Т-57 тизмалари бошқа тизмалар ва андоза навида нисбатан тола сифати жаҳон андозалари талабларига жавоб бериши аниқланди. Тола сифат кўрсаткичлари бўйича жаҳон андоза талабларига жавоб берадиган ҳамда айрим биотик омилларга бардошли ва тизмалар кейинги йилларда аксарият қимматли хўжалик белгиларини жипслаштириб, янги нав ва бошланғич манбалар яратиш учун янги тизмалар ажратиб олинди.

Баҳриддин ЎРОЗОВ, қ.х.ф.ф.д., кат.и.х.,
Паридун ИБРАГИМОВ, қ.х.ф.д., профессор,
ПСУЕАИТИ,

Фозилбек ТОРЕЕВ, қ.х.ф.н., доцент,
Гулноза ШОДМОНОВА, қ.х.ф.ф.д.,
ТошДАУ.

АДАБИЁТЛАР

1. Ахмедов Ж.Х. ва бошқалар. "Қишлоқ хўжалик экинлари генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агро-технологияларининг долзарб муаммолари ҳамда ривожлантириш истиқболлари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция тўплами. Тошкент. 2018 йил (18-19 декабр) 114-116-б.
2. Meredith W.R., Notice of release of three noncommercial stocks of Upland cotton, DES 7A-ne, DES SL-ne, and DES DK-ne. Miss. Agr. and Forest. Exp. St. and U.D. Dept. Agr. Memo 1972. - P. 321-325.

ЎТА ЭРТАГИ ТАРВУЗ ЕТИШТИРИШ: ДУРАГАЙЛАРИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ

The article presents the results of studying the growth, development, productivity, yield and quality of fruits of varieties and hybrids of watermelon in film shelters. It was revealed that the largest early yield (159.6-196.4 c/ha) with high qualities (sugar content 7.0-7.6%) was observed in heterotic hybrids – Montana F₁, Talisman F₁, Dolby F₁, Hollar F₁, Super crimson F₁.

Республикаимизда ҳар йили 60 минг гектардан зиёд майдонга полиз экинлари экилиб, шунинг 60-65% ини тарвуз эгаллайди.

Республика Давлат реестрида тарвузнинг 53 та навлари, шунинг 16 таси маҳаллий, қолганлари четдан келтирилган нав ва дурагайлاردир. Улар асосан кечпишар ва ўртапишар бўлиб, тезпишар навлардан – «Мраморный-2159», «Деҳқон», «Фермер», «Ўзбекский-452» навлари мавжуд[4,7].

Эртаги ва узлуксиз тарвуз ҳосили етиштиришда муайян тупроқ-иқлим шароитига мослашган, тезпишар, стресс омилларига чидамли, жадал ҳосил шакллантирадиган, сифатли ташилувчан, сақланувчан нав ва гетерозисли нав-дурагайлари танлашга, тупроқни муълалаш, экинни кўчатдан экиш, вақтинча плёнка остида ўстириш, ҳимояланган иссиқхоналарда етиштириш каби агротехнология тадбирларини ишлаб чиқишга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Республикаимиз жанубий Қашқадарё вилояти эртаги тарвуз етиштиришга ихтисослашган бўлиб, махсус ихтисослашган кластер ва фермер хўжаликлари ташкил этилган, етарли тажрибага эгалиги билан ажралиб туради. Мазкур шароитда эртаги тарвуз етиштиришни кўпайтириш ва ҳосилдорлигини оширишда мосланувчан, жадал шаклланувчи, ноқулай шароитларга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли гетерозисли дурагайлари ажратиш, уларни ўстиришнинг махсус усуллари ҳамда агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар ўтказиш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Шуни ҳисобга олиб, биз Чироқчи тумани Холмирза Муродов томорқа хўжалиги оч тусли бўз тупроқлари шароитида махсус дала тажрибаси ўтқаздик.

Тажрибанинг мақсади - вилоятнинг шартли суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида тарвуз тезпишар гетерозисли дурагай ва навларини плёнка остида ўстириб, ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаши, касаллик-зараркунандаларга чидамлилиги, умумий ва товар ҳосилдорлиги бўйича баҳолаб, истиқболлиларини ажратиш ҳамда ўстириш агротехнологиясининг асосий элементлари — кўчат тайёрлаш, экиш тартиби ва қалинлигини ишлаб чиқишдан иборат. Тажрибада тарвузнинг тезпишар «Деҳқон» (UZ,2009), «Фермер» (UZ,2010) навлари, Dolby F₁ (NL,2006), Hollar F₁ (NL,2021), Red Star F₁ (NL,2018), Talisman F₁ (NL,2018), Montana F₁ (NL,2019), Krimstar F₁ (JP,2005), Oriji F₁ (NL,2018) гетерозисли дурагайлари ўрганилди. Барча кузатиш, ўлчаш, ҳисоблаш ва таҳлиллар умумқабул қилинган услублар ва тавсиялар асосида олиб борилди[1,3].

Кўчатлар махсус хандақларда (чуқурлиги 0.8 м, кенлиги 1.0- 1.2 м узунлиги ихтиёрий) етиштирилди. Улар ичига 15-20 см қалинликда гўнг, устига 20 см қалинликда тупроқ солинди ва плёнка тортилиб, ҳар 10х10 см ораликда тешиб чиқилди. Стаканчаларга (ҳажми 10х10см) 40% гўнг+ 40% тупроқ+20% биогумус ёки ёғоч қириндиси солиниб, яхшилаб суғорилди. Сўнгра 4 февралда биттадан уруғ ташланиб, 2 см қалинликда чиринди солиниб, кўмилди. Стаканчалар

шундан сўнг хандақларга жойлаштирилиб, устига симдан ёйлар ясалиб, плёнка билан ёпилди. Иссиқликни сақлаш учун икки қаватли термос шаклида ёпилиб, ёритилиб, электр иситкичлар билан иситилиб турилди. Униб чиқишга ҳарорат 22-23°C, кечаси 12-14°C, униб чиққандан сўнг 16-18°C бўлди. Кўчатхона (хандақ) да кўчатлар 2 марта, 1-март 1-2 чинбарглик даврида 10 л сувга 13-15 кг азотли, 18-20 грамм фосфорли, 15-20 грамм калийли ўғитлар ёки NPK-18 лик кристалони 10 грамм солиниб, 3-3.5 м² га сепилди. Орадан 10-12 кун ўтгач, юқоридаги ўғитлар меъёридан 2 марта кўпроқ қўшилиб ёки NPK-20 лик кристалони 10 грамм 10 литр сувга аралаштирилиб, озиклантирилди.

Кўчатлар далага ўтказишга 5-7 кун қолганда плёнка кундузи очилиб, чиниктирилди. Шундан кейин ёши 30-40 кунлик 3-4 чинбаргли кўчатлар плёнкалар остига 19 мартда 50см схемада экилди. Кўчат ўтқазишда ҳар бир уяга бир қошиқдан аммофос солиниб, экилиб, суғорилди.

Туннель ўрнатишда ёйсимон каркас учун диаметри 4 мм, узунлиги 2.8 м симлардан ёки тут шохларидан фойдаланилиб, учлари ерга 20-25 см киритилиб, оралиги 1.0-1.5 м бўлди. Ёйлар бир-бирига 1-3 қатор қилиб, шпагат ип билан боғланди. Устига эни 2.8-3 м бўлган плёнка ёпилиб, четлари тупроқ билан бостирилди. Плёнка учлари қозиқларга боғлаб қўйилди. Шундай қилиб, туннель қуришга бир гектарга 800-1000 м плёнка, 1000-1200 кг сим, 200-220 та қозиқ ва 20 кг шпагат ип талаб этилди.

Плёнка остида тарвуз нав ва дурагайлари ўстирилганда ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, мева сифати бўйича сезиларли фарқланди. Тарвузнинг Деҳқон навида кўчат ўтқазилгандан пишишгача бўлган давр 66 кунни ташкил этиб, бош поя узунлиги 172 см, ёншоҳлари 3,4 дона, бир тупдаги мевалар 3,6 дона, бир туп ҳосили 16.1 кг, ҳосилдорлик эса гектаридан 110.7 центнерни ташкил қилгани аниқланди. Мевасининг қанддорлиги 5.9% бўлди.

Тарвузнинг «Фермер» навида эса бу кўрсаткичлар, тегишли равишда, 64 кун, 187 см, 3.7 дона, 3.8 дона, 18.7 кг, 130.9 центнер ва 6.4% қайд этилиб, «Деҳқон» навида нисбатан ҳосилдорлик 20.2 центнерга, қанддорлик 0.7% га зиёд эканлиги кузатилди.

Ўрганилган тарвуз гетерозисли дурагайлари кўчат ўтқазилгандан пишишгача бўлган даври 60 кундан (Dolby F₁) 73 кунда (Oriji F₁) давом этди. Энг тезпишар бўлиб, Dolby F₁, Hollar F₁, Krimstar F₁ дурагайлари ҳисобланди. Нисбатан кечпишар Oriji F₁, Red star F₁, Super crimson F₁ дурагайлари бўлди.

Бош поя узунлиги ўрганилган навларда 172-187 см бўлган бўлса, гетерозисли дурагайларда 166-223 см, бир тупдаги мевалар сони 3,5 дан 4.9 донагача ўзгарди.

Энг кам ҳосилдорлик (110.7 ц/га) тарвуз «Деҳқон» навида кузатилиб, бошқа нав ва гетерозисли дурагайлар ҳосилдорлиги гектаридан 130.9 дан 196.4 центнергача ўзгарди.

Энг юқори (159.6-196.4 ц/га) ва сифатли (қанддорлиги (7.0-7.6%) ҳосил Montana F₁, Talisman F₁, Dolby F₁, Hollar F₁, Super crimson F₁ дурагайларида олинди.

Демак, тарвузнинг ўрганилган нав ва гетерозисли дурагайлари ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлик кўрсаткичлари, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифати бўйича кескин фарқланди. Энг юқори (159.6-196.4 ц/га) ва сифатли (қанддорлиги 7.0-7.6%) ҳосил Montana F₁, Talisman F₁, Dolby F₁, Hollar F₁, Super crimson

F₁ гетерозисли дурагайларида қайд этилди.

Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ,
профессор,
Дурдона УМИРОВА,
ҚарДУ магистранти.

АДАБИЁТЛАР

1. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси. Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2002 (2006). –Б. 181 -185.
2. Белик В.Ф. Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве. Москва. 1992. С. 320
3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари. Давлат реестри. Тошкент. 2021-Б.103
4. <http://reestr.gossort.com>.
5. <http://www.agro.uz/uz/services/recommendations/8120/>.

УЎТ: 632.914

ТАДҚИҚОТ

ШОЛИДАГИ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАР МОНИТОРИНГИ

В данной статье определены основные вредители, наносящие ущерб рисовым полям в 2020-2021 гг. Описан мониторинг основных вредителей риса в полевых условиях.

This article identifies the main pests that damage rice fields in 2020-2021. The monitoring of the main pests of rice in the field is described.

Дунёда ҳар йили экинларни етиштиришда зараркунандлар, касалликлар ва бегона ўтлар таъсирида ҳосилнинг 35% гача, шу жумладан, фақат зараркунандлардан 14% га яқини ҳосил нобуд бўлади. Бунга сақлаш вақтида ҳосилнинг тахминан 20% ни йўқотиш қўшилади. Шундай қилиб, дунёда зараркунандлар таъсири натижасида ҳосилнинг умумий 55% йўқотилади. [1. 3 б].

Сўнгги вақтларда глобал иқлим тез ўзгараётган бир шароитда шולי етиштирувчи илғор мамлакатлардаги, жумладан, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Покистонлик етук олим ва мутахассислар шолининг зараркунандларига қарши курашишнинг замонавий усул ва технологиялари устида илмий изланишлар олиб бормоқдалар [4.10-14 б].

Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун олимлар барқарор қишлоқ хўжалигини яратишга ёрдам берадиган шולי зараркунандларига қарши кураш усулларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилмоқдалар. Бошқача қилиб айтидиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги экинларининг зараркунандларига қарши курашиш, келажакда улар ҳосилдорликка таҳдид солмаглиги учун муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. [3.243-258б].


Зарар келтирувчи зараркунандларнинг янги яратилган шולי навлари ривожланиш фазаларидаги ҳаётий фаолиятини тадқиқ қилиш, зарарлаш даражаларини аниқлаш, уларга қарши кураш усулларини ишлаб чиқиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Шолидаги асосий зараркунандларни аниқлаш бўйича XX асрнинг 70-90 йилларида Шоличилик ИТИ олимлари

(М. Сборщикова, А. Шокиров, Қ.Юсупов, А.Абдуллаев) томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгариши натижасида шוליдаги асосий зараркунандларнинг таъсири йилдан-йилга кучайиб, уларнинг турлари кўпайиб бормоқда.

Мавзунинг мақсади шולי биоценозидаги поя зараркунандларининг биоэкологияси ва тур таркибига аниқлик киритиш асносида мониторинг олиб боришдан иборат.

Шолидаги асосий зараркунандларнинг миқдорини мониторинг қилишда Ш.Хўжаев таҳрири остида нашр этилган «Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фун-



1-расм. Тажриба майдонида зараркунандлар мониторинги.
(Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани, ШИТИ 2020-2021 й)

гицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар», «Қишлоқ хўжалигида пестицидларни ишлатиш ҳамда тадқиқот ўтказиш усул ва шартлари» (А.Шокиров ва б.) ҳамда А.Касьянов услублари асосида бажарилди.

Тадқиқот натижалари. Шолитилик илмий-тадқиқот институти тажриба майдонларида 2020-2021 йилларда ўтказилган мақсадли кузатувларда шולי агробиоценозидаги зараркунандалар аниқланди. Шолитилик «Искандар ва ТШД-15-13» навлари экилган тажриба майдонларида 2020 йилда униб чиқиш, майсалаш фазаларида *Leptestheria dahalacensis*Sars ўртача 1 м² да 62,0 дон, 2021 йилда эса 70,0 донани, *Apus concoloriformis* Schaff. ўртача 1 м² да 2020 йилда 18,0 донани ташкил этган бўлса, 2021 йилда 22,0 донани ташкил этганлиги кузатилди. Бу зараркунандаларнинг сони 4-8 донага йилдан-йилга кўпайганлиги кузатилди. Тадқиқот ишида шолитилик ўсув даврида эса *Ostrinia nubilalis* Hb. зараркунандаси 2020 йилда 1 та поядаги зараркунандалар сони 10 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилда 11 донани ташкил этганлиги кузатилди.

Тажриба майдонидаги кузатувлардан шулар маълум бўлдики, Боковлав қисқичбақа (*Leptestheria dahalacensis* Sars) ҳамда қалқонли қисқичбақа (*Apus concoloriformis* Sh.)

шолитилик майдонларида сув бостирилиши биланоқ пайдо бўлиши, шולי экилганидан кейин май ойининг охири ва июннинг бошларида кўпайиб кетиши аниқланди. Шолитилик ўсиб ривожланишига халақит берадиган зараркунандаларнинг бир гуруҳ вакиллари учун умумийлик – бу бостириб суғориладиган шולי экини билан боғлиқ бўлиб, улар зарар етказиш босқичида шолитиликнинг лойқа босган юза қатламида яшайди ва ёш майсаларни уруғ уна бошлаганидан, то тулланиш фазасигача зарарлайди.

Хулоса. Олиб борган тадқиқотларимизда 2020-2021 йилдаги илмий кузатувларда (мониторинг) шолитилик униб чиқиш даврида ҳамда бошқа ўсиб ривожланиш даврида учрайдиган зараркунандалар йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги аниқланди. Олиб борилган кузатувлар натижасига асосланиб, бу зараркунандаларга қарши замонавий кураш чора-тадбирлари белгиланди.

Нодирбек ОТАМИРЗАЕВ,

қ.х.ф.ф.д, к.и.х.,

Дон ва дуқакли экинлар ИТИ докторанти,

Раъно ИБОДУЛЛАЕВА,

таълим докторанти,

Шолитилик илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

1. А. Замотажлов. Энтомология. (Курс лекций). Краснодар, КубГАУ -2015. 3-стр.
2. Jahn G. C., Khiev B., Pol C., Chhorn N., Pheng S., Preap V. Developing sustainable pest management for rice in Cambodia // Sustainable Agriculture: Possibility and Direction / S. Suthipradit, C. Kuntha, S. Lorlowhakarn, J. Rakngan (eds.). — Bangkok (Thailand): National Science and Technology Development Agency, 2001. — P. 243—258.
3. Muhammad S. Management of rice stem borers (Lepidoptera: Pyralidae) through host plant resistance in early, medium and late plantings of rice (*Oryza sativa* L.) Journal of Cereals and Oil seeds Vol. 3(1), pp. 10-14, January 2012 Available online at <http://www.academicjournals.org/JCO> DOI: 10.5897/JCO11.042 ISSN 2141-6591©2012.
4. Ш.Хўжаев. «Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар». Тошкент, 2004. 210 б.

УДК: 636.082; 638.04

ИССЛЕДОВАНИЕ

ФОРМИРОВАНИЕ МЯСНОЙ ПРОДУКТИВНОСТИ СИММЕНТАЛЬСКИХ БЫЧКОВ

Характерными признаками мясной продуктивности симментальской породы являются достаточно высокие среднесуточные привесы на протяжении всего периода роста.

Изучение формирования мясной продуктивности значительно укрепляет знания, необходимые для интенсификации производства говядины.

В данной работе мы изучали изменение мускулатуры подопытных групп при повышенном уровне кормления по достижении животными высоких мясных кондиций. Исследования проводились на трёх группах симментальских бычков, по 11 голов в каждой группе, от 7-ми до 18-ти месячного возраста. I группа (контрольная) сформирована из бычков со средней живой массой 203 кг, II опытная группа – бычки с живой массой 170 кг, и III группа – бычки с живой массой 150 кг. Кормление бычков осуществлялось по нормам А.П.Калашникова (М, 2003) с учетом живой массы и кормовых условий хозяйства. Рационы кормления опытных бычков I опытной группы осуществляли путем повышения питательности рациона на 10-15%, II опытной группы – на 20-

25%, чем I контрольной группы, с применением витаминных и минеральных подкормок во всех группах.

Нами изучалась абсолютная и относительная масса мускулатуры (таблица 1) в туше бычков 7 и 18 месячного возраста.

Таблица 1.

Динамика абсолютной и относительной массы мускулатуры бычков с возрастом

Показатели	I группа	II группа	III группы
В возрасте 7 месяцев			
Масса полутуши, кг	42,19	31,2	25,67
Масса мускулатуры, кг	20,8	14,8	11,5
Отношение мускулатуры к массе туши, %	49,3	47,4	44,8
В возрасте 18 месяцев			
Масса полутуши, кг	137,24	137,42	122,44
Масса мускулатуры, кг	84,3	86,9	72,8
Отношение мускулатуры к массе туши, %	61,4	63,2	59,4

В 7 месячном возрасте масса изучаемой мускулатуры у контрольных бычков составляла 20,84 кг, что на 5,5 кг (39,0%) больше чем во II группе и на 8,3 кг (74,4%), чем в III группе. Повышение уровня кормления бычков опытных групп стимулировало увеличение весовых показателей мускулатуры. Так масса мускулатуры бычков II группы (увеличение питательности рациона на 10-15%) в 18 месячном возрасте составила 86,9 кг, что на 2,6 кг (3,1%) больше чем I группы и на 14,1 кг (19,2%), чем III группа. В свою очередь бычки III группы уступали контрольной группе 11,5 кг (15,7%).

Наиболее полную картину динамики роста мускулатуры можно получить по абсолютной и относительной массе мускулатуры отдельных анатомических частей туши (рис. 1.).




Рис. 1. Весовой рост мускулатуры подопытных бычков.

Известно, что наивысшая скорость роста мускулатуры наблюдается в молодом возрасте от 8 до 15 месяцев, т.е. чем моложе животное, тем выше потенциальные возможности для интенсивного роста мышечной ткани.

Интенсивный рост органов и тканей в младшем возрасте зависит от уровня кормления, и при недостаточном кормлении наблюдается недоразвитие мускулатуры.

В своих исследованиях нами изучены 25 основных мышц туш подопытных бычков.

В целом коэффициент интенсивности роста всех мышц грудной клетки у бычков II группы составил 9,23, что 29,3 % и 19,9 % превосходит аналогов I и III групп, в свою очередь бычки III группы опередили бычков I группы на 26,7 %. Так у бычков III группы коэффициент роста мышцы широчайшей спины составил 13,2, а у I и II групп – 6,0 и 10,1 соответственно, а по остальным мышцам интенсивность роста мышц было в пределах 7,89-9,6.

У всех животных наблюдался закономерный рост массы мускулатуры. По сравнению с аналогами из I группы по сравнимым показателям бычки II группы имели значительное превосходство во всех группах по мышцам плечевого пояса. Они также имели небольшое преимущество над аналогами из III группы. Выявлена характерная особенность для этих групп мышц о неравномерности их роста.

Анализ динамики роста мышц позвоночного столба позволило установить, что увеличение мышц позвоночного

столба по группам составил: I - 6,73; II - 9,85; III - 11,65 раз по сравнению с 7 месячным возрастом и в 18 месяцев достигла 17536, 17933 и 15343 г соответственно. В 18 месяцев бычки II группы по общему весу мышц позвоночного столба превосходили аналогов I группы на 397 г и III группы - на 2499 г.

Интенсивность роста всей группы мышц позвоночного столба превосходство было у бычков III группы, они превосходили сверстников I и II групп на 73,1% и 18,3% соответственно. Наибольший коэффициент роста отдельных мышц позвоночного столба наблюдался у бычков III группы: длиннейшей спины 12,1, остистой спины и шеи 12,8, полустистой головы 13,0, большой поясничной 25,3.

Таким образом, на основе вышеизложенных данных можно сказать, что наибольшим абсолютным ростом отличались длиннейшая мышца спины и большая поясничная. Бычки II группы значительно превосходили своих сверстников из I и III групп по абсолютному росту мускулатуры позвоночного столба.

Весовой рост мышц грудной конечности у бычков подопытных групп с 7 до 18 месячного возраста увеличился на 8357, 9765, 8652 г. По весовому показателю мышц преимущество было у бычков II группы: они превосходили сверстников I и III групп 263 и 1623 г.

Коэффициент роста всех мышц грудной конечности был выше у бычков III группы, который составил 6,28, что на 73,4% и 15,8% выше, чем I и II групп соответственно.

В 18 месяцев бычки II группы по общей массе мышц превосходили сверстников I группы на 16,8% и III группы - на 12,9%, а по интенсивности роста всех мышц уступали бычкам III группы на 15,9% и превосходили бычков I группы на 49,7%. Так по массе мышцы трехглавого плеча они опережали своих аналогов I и III групп на 110 и 553 г.

На тазовую конечность приходится основная работа при движении животного. Весовой рост мышц тазобедренной конечности у бычков подопытных групп с 7 до 18 месячного возраста увеличился на 26426, 30641, 26067 г. В 18 месячном возрасте бычки II группы превосходили сверстников I группы на 15,9% и III группы - на 17,5%.

Наибольшей интенсивностью роста мускулатуры отличались бычки III группы по сравнению со сверстниками I и II групп, коэффициент интенсивности роста был выше на 39,5% и 7,8% соответственно.

По абсолютному росту ягодичных мышц подопытные бычки II группы превосходили своих сверстников из I и III группы в возрасте 18 месяцев соответственно на 225 г (3,2%) и на 1080 (18,0 %).

Двуглавая мышца бедра отличалась относительно высокой интенсивностью роста массы мускулатуры. Наибольшим ростом выделялись подопытные бычки III группы. Коэффициент роста у них составил 8,64, что на 1,75 (52,3%) и 0,78 (9,9%), чем у аналогов из I и III групп.

Изменения массы четырехглавой мышцы бедра были относительно высокими. Превосходство имели бычки II группы. В возрасте 18 месяцев они превосходили аналогов из I и III группы соответственно на 200 г (2,5 %) и на 900 г (12,5 %). Также наблюдалось превосходство бычков II группы над сверстниками из других групп по перепончатой, полусухожильной, икроножной и стройной мышцам.

Общая динамика роста мускулатуры задней трети туловища была относительно высокой. Наибольшей абсолютной

массой мышц отличались помеси бычков II группы, а по коэффициенту роста мышц преимущество было на стороне бычков III группы по сравнению с другими группами.

В 7 месячном возрасте масса изучаемой мускулатуры у контрольных бычков составляла 20,84 кг, что на 5,5 кг (39,0%) больше чем в I группе и на 8,3 кг (74,4%), чем в III группе. Повышение уровня кормления бычков опытных групп стимулировало увеличение весовых показателей мускулатуры. Так масса мускулатуры бычков II группы (увеличение питательности рациона на 10-15%) в 18 месячном возрасте составила 86,9 кг, что на 2,6 кг (3,1%) больше чем I группа

и на 14,1 кг (19,2%), чем III группа. В свою очередь бычки III группы уступали контрольной группе 11,5 кг (15,7%).

Карим ХИДИРОВ,
соискатель НИИЖП,

директор Центра селекции и генетики кролиководства,
Рахмонкул РУЗИЕВ,

к.с.х.н., с.н.с.,

зав.отделом Центра селекции и генетики
кролиководства.

Усмон АСРАЕВ,
докторант ННИИЖП.

ЛИТЕРАТУРА

1. Беляев, А. Мясная продуктивность симменталов разных генотипов. Молочное и мясное скотоводство. 2004. - №1. - С. 2-3.
2. Гуткин С. С. Особенности роста тканей у скота разных пород. Зоотехния. 2003. - №3. - С. 31.
3. Хидиров К.И., Рузиев Р.И. Ўсишдан қолган голштинлаштирилган қора-ола зотга мансуб буқаларни жадал ўстириш. ЎЗЧИТИ тўплами, – Тошкент, 1998 й., 134 б.

УЎТ: 633.18: 631.543.3, 631.816.355

ТАДҚИҚОТ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ТУХУМ ЕТИШТИРИШНИНГ ҲОЛАТИ ВА ТАҲЛИЛИ

В статье приводится анализ состояния яичного производства в стране, анализ количества яиц на душу населения и его перспективы.

The article analyzes the state of egg production in the country, analyzes the number of eggs per capita and its prospects.

Ўзбекистон Республикасида кундан-кунга жадал суръатлар билан ўсиб келаётган аҳолини хавфсиз, арзон ва сифатли озиқ-овқат билан таъминлашда паррандачилик маҳсулотлари етиштириш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Албатта, бу муаммоларни самарали ҳал этишда паррандачилик маҳсулотларидан бири тухумнинг ўрни алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт мутахассисларининг хулосаларига кўра, киши соғлом бўлиши учун бир йилда ўртача 121 дона тухум истеъмол қилиши зарур. Аслида парранда гўшти ва тухуми парҳез маҳсулотлари ҳисобланиб, инсон организми учун жуда фойдалидир.

Мамлакатимизда аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон паррандачилик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда паррандачиликка ихтисос-

№	Худудлар номи	Аҳоли сони (минг киши)	Паррандачилик корхоналари (аҳолидан ташқари)	Йиллик талабни қоплаш даражаси		
				Тухум (минг дона)		
			тухум	талаб	амалда	фарқи, +/-
1	Қорақалпоғистон Р.	1 898,3	75	394 846	136 443	-258 403
2	Андижон вилояти	3 127,7	57	650 562	145 659	-504 903
3	Бухоро вилояти	1 923,9	16	400 171	212 563	-187 608
4	Жиззах вилояти	1 382,1	14	287 477	116 308	-171 169
5	Қашқадарё вилояти	3 280,4	77	682 323	208 970	-473 353
6	Навоий вилояти	997,1	11	207 397	186 866	-20 531
7	Наманган вилояти	2 810,8	46	584 646	432 769	-151 877
8	Самарқанд вилояти	3 877,4	84	806 499	574 758	-231 741
9	Сурхондарё вилояти	2 629,1	38	546 853	314 906	-231 947
10	Сирдарё вилояти	846,3	33	176 030	36 955	-139 075
11	Тошкент вилояти	2 941,9	54	611 915	699 727	87 812
12	Фарғона вилояти	3 752,0	92	780 416	262 950	-517 466
13	Хоразм вилояти	1 866,5	79	388 232	334 117	-54 115
	Жами:	31 333,5	676	6 517 368	3 662 990	-2 854 378

Ўзбекистон Республикаси “Паррандасаноат” уюшмаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисоблаб чиқилган.



лашган фермер хўжаликларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2021 йил 12 июлдаги “Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 434-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорлар асосида «Паррандасаноат» уюшмасининг 2021 йил 1 июндан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган паррандачилик хўжаликлари — ўз хўжаликларида етиштирилиб, реализация қилинган тухумнинг ҳар бир донаси учун республика бюджетидан 50 сўм миқдорида субсидия ажратиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси “Паррандасаноат” уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжаликлари ҳамда улар томонидан етиштирилаётган тухум миқдори

“Паррандасаноат” уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжаликлари ҳамда улар томонидан етиштирилаётган тухум миқдори таҳлил қилар эканмиз, Тошкент вилоятидаги паррандачилик хўжаликлари томонидан энг кўп 699 727 минг дона тухум, энг кам эса Сирдарё вилояти 36 955 минг дона тухум етиштирилаётгани маълум бўлди.

Тошкент вилоятида “Паррандасаноат” уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжаликлари томонидан етиштирилаётган тухум миқдори ўз аҳолиси учун етарли даражада, ва яна 87 812 минг дона тухум ортиқча етиштирилаётгани

маълум бўлди. Қолган вилоятларда эса ўз аҳолиси учун етмайди. Аҳолининг тухумга бўлган эҳтиёжи баъзи вилоятларда аҳоли томонидан етиштирилаётган тухумлар ҳисобига қондирилмоқда.

Хулоса: Шундай қилиб, паррандачилик тармоғида олиб борилаётган узлуксиз ислохотлар натижасига қарамасдан, “Паррандасаноат” уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжаликлари томонидан етиштирилаётган тухум маҳсулотлари аҳоли жон бошига Тошкент вилоятидан ташқари барча вилоятларда етарли даражада эмас.

Тухум етиштиришни янада кўпайтириш мақсадида қуйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- паррандачилик соҳасида давлат томонидан яратиб берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиш эвазига хўжаликларда мустақам озиқа базасини яратиш;

- келгусида ишлаб чиқарилаётган паррандачилик маҳсулотлари ҳажмини парранда бош сонини муттасил кўпайтириб бориш эвазига эмас, балки тухум маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига режалаштириб бориш;

- ҳар бир фермер хўжалигида парваришланаётган паррандаларнинг наслдорлик хусусиятларини ошириш.

Музаффар РАХМАТАЛИЕВ,
катта ўқитувчи,
Наргиза АКРАМОВА,
ассистент,
“ТИҚХММИ” МТУ.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2021 йил 12 июлдаги “Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 434-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси “Паррандасаноат” уюшмасининг 2018-2019-2020 йиллардаги йиғма маълумотлари.

3. М.Рахматалиев ва бошқалар. “Паррандачилик соҳаси ривожланишининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлиги”, “AGROIQTISODIYOT” илмий-амалий, агроиқтисодий журнали, №1 (18) 2021 йил.

УДК: 6.63

ИССЛЕДОВАНИЕ

МЕХАНИЗАЦИЯ ПРОЦЕССОВ КОРМЛЕНИЯ РЫБ

Baliqchilikda mexanizatsiyalashtirish darajasining oshishi nafaqat mehnat unumdorligini oshirishga, balki ozuqa xarajatlarini ham kamaytirishga imkon beradi.

An increase in the level of mechanization in fish farming allows not only to increase labor productivity, but also to reduce feed costs.

Одним из главных требований при организации кормления рыбы является, как можно более короткое время контакта корма с водой. Водостойкость комбикормов, используемых в прудовом рыбоводстве, как правило, невелика и составляет 20-30 минут. Уже через 10-15 минут нахождения в воде, 15-20% питательных веществ корма могут перейти в раствор.

Шнековые кормораздатчики одни из самых распространенных конструкций в рыбном хозяйстве. Надежны, просты в эксплуатации, имеют хорошую точность дозирования, способны работать с подмокшим кормом. Выдающим механизмом является металлический или пластиковый шнек, имеющий электропривод. Количество выдаваемого корма зависит от скорости и продольности вращения шнека. Для увеличения фронта кормления шнековые кормораздатчики оснащаются центробежными

разбрасывателями. Эти устройства мобильны и приспособлены раздавать корм поочередно по садкам. Шнековые кормораздатчики предназначены для кормления разновозрастной рыбы гранулированными комбикормами в заданные интервалы времени. Использование шнека позволяет осуществлять точную дозировку корма различной фракции. Шнек не дробит гранулы, так как дробленый гранулированный корм теряет водостойкость и быстро тонет в воде. Равномерно, порциями передает к разбрасывающему устройству.

Расчет норм кормления рыб сложнее в сравнении с другими сельскохозяйственными животными, так как приходится учитывать влияние большего количества биотических и абиотических факторов. При использовании комбикормов, нормы кормления обычно рассчитываются в процентах от массы рыбы.

Основными факторами, влияющими на норму кормления рыбы, являются: вид рыбы, размер рыбы, температура воды, концентрация растворенного кислорода.




Рисунок 1. Кормораздатчики с шнековым механизмом.

Корм из бункера попадает в шнек, который находится снизу бункера, выполненный из нержавеющей стали. Шнек приводит в действие электрический тихоходный мотор с большим крутящим моментом и безопасным напряжением (12В). Используется гранулированный корм с разными раз-

мерами. Кормораздатчик можно применять для выращивания мальков, для средней и крупной рыбы. Подача корма можно регулировать и тем обеспечить возможность достижения оптимального кормления рыбы. В свою очередь, это снижает потери корма и обеспечивает прирост рыбы в среднем от 10 до 20%.

Кормораздатчик крепится на специальные ролики и его можно передвигать по берегу водоема. Кормораздатчик предназначен для использования в садках, бассейнах и в других открытых водоемах.

Электронный контроллер будет работать в автоматическом режиме и поддерживать заданный режим кормления.

Вывод. На сегодняшний день самыми востребованными являются автоматические кормораздатчики разных видов. Но самые экономичные и ресурсосберегающие из них это — кормораздатчики с шнековым механизмом. Потому что, правильно выбранный шнек не дробит и крошит гранулу, так как измельченная гранула теряет водостойкость и быстро тонет в воде.

Фарида ИСАКОВА,
ассистент ТашГАУ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Григорьев С.С., Седова Н.А. Индустриальное рыбоводство. Учебное пособие. — Петропавловск, 2008
2. Шерман И.М., Чижик А.К. Прудовое рыбоводство. Учебное пособие. — Киев, 1989 г.
3. Гамыгин Е.А., Лысенко В.Я., Скляр В.Я., Турецкий В.И. Комбикорма для рыб. - М.: Агропромиздат, 1989 г.
4. Л.С. Кожаров «Основы комбикормового производства», — Москва ПИЩЕПРОМИЗДАТ, 2004 г.
5. Ковриков, И.Т., Кириленко, А.С. Повышение производительности пресс- грануляторов путем ограничения рабочего пространства дополнительными контактными поверхностями // Известия вузов. Пищевая технология. — 2011.
6. Камилов Б.Г., Халилов И.И. Разведение форели в условиях Узбекистана. Практические рекомендации для фермеров. — Ташкент, 2014.

УЎТ: 636.28/22.72.75.10

ТАДҚИҚОТ

СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯ – ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

In Samarkand region, water-saving drip irrigation will be introduced on 30,166 hectares by 2021, 19,710 in 2021 and 18,875 hectares in 2022.

Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлардан келадиган сув таъминотида боғлиқлиги юқори даражада (истеъмом қилинадиган сувнинг 80 фоизи ташқаридан келади). Шунинг учун ҳам сув танқислиги муаммосини ушбу давлатлар билан келишмасдан ҳал этиб бўлмайди. Иккинчидан, Ўзбекистонда ичимлик суви жуда самарасиз сарф қилинади, айниқса, мамлакатдаги сув ресурсларининг 90 фоизини истеъмом қилувчи — қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Сувни истеъмомчиларга етказиш вақтида (ўта эскирган инфратузилма сабабли суғориш тизимларидаги йўқотишлар 35-40 фоизни ташкил қилади) ва истеъмом жараёнида ҳам йўқотилади (суғориладиган ерларнинг фақат 3 фоизиди сув тежовчи технологиялар татбиқ этилган). Шу сабабли, сувни тежовчи технологияларни жорий этиш давр талаби ва долзарб масалалардан биридир [1].

Сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонлари 5 баробарга кўпайтирилиб, 430 минг гектарга етказилади, 90 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилади [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 октябрь ПҚ-4499-сон “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида, 2020 йилда 43825 гектарда, шу жумладан: 24859 гектар пахта экин майдонларида; 11498 гектар мевали экин майдонларида; 4987 гектар - узумзорларда; 2481 гектар бошқа экин майдонларида сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича тасдиқланган прогноз кўрсаткичларининг самарали бажарилишини таъминлаш белгиланган бўлиб, Самарқанд вилоятида 4 минг 40 гектар пахта, 10 минг 639 гектар боғ, 814 гектар ток, 941 гектар ёнғоқ, 418 гектар сабзавот ва полиз экинлари, жами 16 минг 848 гектар ер майдонида сув тежамкор инновацион технологиялар жорий этилган. 2021 йилда 517 та фермер хўжаликлари ва кластерлар томонидан 21 минг 474 гектарда томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, 2030 йилга бориб вилоятда сувтежовчи технология-

**Самарқанд вилоятида томчилатиб суғоришни жорий этиш бўйича маълумотлар
(Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари)**

№	Туманлар номи	2021 йилгача жорий этилган майдон	2021 йилда жорий этилди				
			жами	Шундан			
				пахта	боғ	ток	бошқа
1	Булунгур	2286	546,0		516,0	30,0	
2	Жомбой	4076	2000,0		180,0	100,0	1720,0
3	Иштихон	4154	1466,0	811,0	55,0	600,0	
4	Каттақўрғон	1317	3004,0	2876,0			128,0
5	Нарпай	2554	2365,0	1955,0		410,0	
6	Нуробод	951	760,0		404,0	356,0	
7	Оқдарё	2143	497,0	445,0	52,0		
9	Пастдарғом	3747	1476,0	941,0	415,0		120,0
10	Пахтачи	206	1150,0	1150,0			
8	Пайарик	3675	2427,0	427,0		2000,0	
11	Самарқанд	2117	1500,0		994,0	183,0	323,0
12	Тайлоқ	155	79,0		60,0		19,0
13	Ургут	783	1121,0		569,0	369,0	183,0
14	Қўшработ	2001	1318,0		143,0	1175,0	
Жами		30166	19710	8605	3389	5223	2493

лар жорий этилган майдонларни 159,8 минг гектар (60%) га етказиш режалаштирилган.

Мутахассислар томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган 4 минг 500 гектар пахта майдонларида сув сарфини таҳлил қилиб чиқди. Агарда бу майдонлар анъанавий усулда суғорилганида 28 миллион 350 минг м³ атрофида сув ишлатилар эди. Томчилатиб суғориш технологияси ҳисобига 17 миллион 250 минг м³ сув сарфланиши ёки 11 миллион 100 минг м³ сувнинг тежалишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 декабрдаги ПҚ-4919-сон “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида тобора кучайиб бораётган сув тақчиллиги ҳамда сув ресурсларига бўлган талабнинг ўсиб бориши шароитида қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини кескин ошириш вазифалари белгиланиб, 2021 йилда 160 минг гектар пахта, 30 минг гектар мевали экинлар, 15 минг гектар узум ва 5 минг гектар бошқа экинлар майдонларида томчилатиб суғориш, технологиясини жорий қилиш топшириғи белгиланган[3].

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги “ахборот-таҳлил ва ресурс маркази” маълумотларига кўра, бугунги кунда Самарқанд вилоятида суғориладиган ерларнинг 34 минг гектарида (9%) сув тежовчи технологиялар жорий қилинган. Жумладан, томчилатиб суғориш 21 минг 600

гектарни ташкил қилади. Шундан 6 минг 68 гектари пахта, 10 минг 853 гектари боғ, 2 минг 768 гектари узум ва 1 минг 912 гектари сабзавот экинлари, 12 минг 400 гектар майдондаги экинлар кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғорилмоқда.

Самарқанд вилояти туманларида 2021 йилгача жами 30166 гектар майдон томчилатиб суғориш технологияси асосида суғорилмоқда (1-жадвал).

Маълумотлардан кўриниб турибдики, 2021 йилда 19710 гектар майдонга томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган, шундан: 8605 гектар пахта, 3388 гектар боғ, 5223 гектар узум ва 2493 гектар майдон бошқа қишлоқ хўжалик экинлари учундир. 2022 йилда эса яна 18875 гектар майдонга жорий этиш режалаштирилмоқда.

Бугунги сув тақчил даврда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш орқали қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш имкони мавжуд.

Шавкат УСМАНОВ,

*ИСМИТИ Гидрометрия ва метрология
лабораторияси мудири, т.ф.н.*

Мурад ЯКУБОВ,

*ИСМИТИ Дренаж лабораторияси мудири,
т.ф.н., профессор,*

Шамшиддин ТЎРАЕВ,

*ИСМИТИ қошидаги Самарқанд Минтақавий маркази
директори, мустақил тадқиқотчи,*

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 октябрь ПҚ-4499-сон “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга МУРОЖААТНОМАСИ. “Халқ сўзи”, 2020 йил 25 январь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 декабрдаги ПҚ-4919-сон “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари. 2021 йил.

**Ассалом, Наврўз –
янгилашиш, меҳр-оқибат
ва қадр-қиммат айёми!**

Юрtdошлари.мизни

Наврўзи Олам

Билан кизгин тадбирклаймиз.

Наврўз - Янги кун муқбрат, дўстлар!

*Барча эзгу-ният ва режаларингиз
амалга ошишига тилакдош.миз!*

**Жиззах вилояти
“УЧТЕПАМАХСУССУВПУДРАТ” МЧЖ
жамоаси**

ТРАНСПОРТИРУЮЩИЕ ИРРИГАЦИОННЫЕ СИСТЕМЫ И ПРОБЛЕМЫ ИХ ГЕРМЕТИЧНОСТИ

В данной статье рассмотрено совершенствование известного гидроизоляционного состава с целью обеспечения технологического преимущества при производстве материала в полевых условиях.

This article discusses the improvement of the well-known waterproofing composition in order to ensure the technological advantage in the production of material in the field.

Как показывает длительная отечественная и международная практика строительства и эксплуатации транспортирующих мелиоративных систем, остро стоит проблема их противофильтрационной эффективности. Существует мнение большинства специалистов, что даже при строжайшем контроле и надзоре за выполнением герметизационных работ, как на этапе строительства, так и промежуточных ремонтно-восстановительных профилактических мероприятий, потери водных ресурсов могут достигать при их транспортировке 50 и более процентов из магистральных и внутрихозяйственных сетей. Из этого следует, что более половины ценнейшего для аридных зон, к которым относится Узбекистан, теряется безвозвратно на фильтрацию, пополняя грунтовые воды, способствуя заболачиванию отдельных районов, негативно влияя на экологическую обстановку в целом. Если пристальней вникнуть в эту проблему не обоснованных непроизвольных водопотерь, то причина эта кроется не только в наличии большого количества стыковых сопряжений в конструкциях противофильтрационных бетонных покрытий каналов, а в неэффективности применяемых материалов

для их уплотнения.

В связи с этим, в данной статье рассмотрены варианты технических решений по сопоставлению методов и материалов уплотнения стыковых сопряжений транспортирующих систем различного типа.

В свою очередь, стоимость затрат герметизации может возрасти за счет работоспособности стыка, зависящей от компетенции мастера-герметика, так как технология производства достаточно сложна и требует длительного опыта, способствующего обеспечению наибольшего контакта материала к стыкуемым элементам.

Другой гранью проблемы недостаточной противофильтрационной эффективности транспортирующих систем — является отсутствие на рынке каких-либо приемлемых композиций, вынуждающих использование сельскохозяйственными производителями для снижения водопотерь материалов, не отвечающих поставленным задачам.

Учитывая это, специалистами НИИИВП произведена разработка составов холодных битумно-полимерных композиций на основе приемлемых для фермерских хозяйств технологий,

Таблица 1.

Компоненты композиций

№	Наименование компонентов	1 состав	2 состав
1	Жидкий каучук Наирит марки А, гр	1000,0	1000,0
2	Церезин, гр.	25,0	25,0
3	Церезин, гр.	3,0	3,0
4	Тиурам, гр.	0,5	0,5
5	Эпоксидная смола ЭД-20, гр.	15,0	60,0
6	Отвердитель, АФ, гр.	1,5	6,0
7	Вулканизатор (окись цинка и серы), гр.	25,0	25,0
8	Битум дорожный БНД 40/60, гр.	2000,0	2000,0
9	Растворитель (толуол, ксилол, сольвент, Р-646), гр.	2000,0	2000,0
	Итого одного вещества, гр.	3095,0	3120,0

Таблица 2.

Основные свойства составов

№	Основные свойства композиций в процессе эксплуатации	Показатели свойств
1	Водопоглощение через 2 года в воде	2,5-2,52
2	Коеф. Водостойкости через 150 суток эксплуатации в воде	1,03-1,10
3	Прочность при хранении на воздухе 150 суток, МПа	0,1-0,25
4	Растяжимость в воде 150 суток, не ниже, %	1200-870
5	Коеф. Водостойкости по прочности разрыва	1,03-1,08
6	Водоустойчивость по коеф. растяжимости	0,89-1,03
7	Коеф. водоустойчивости по адгезии к бетону	1,07-1,11
8	Коеф. водоустойчивости по адгезии к стали	1,3-1,75
9	Удельное объемное электросопротивление через 1,5 года в воде (УОЭС)	10 ¹¹ -10 ¹²
10	Трещиностойкость после 250 циклов замораживания и оттаивания	3,0-3,4

способных в достаточной мере решить проблему герметичности мелиоративных сооружений с обеспечением качества и длительной жизнеспособности стыковых сопряжений.

Для приготовления холодной композиции необходимы нижеследующие компоненты, приведённые в таблице 1.

Первый состав рекомендуется к применению в весенне-летний период при обработке бетона.

Второй состав рекомендуется к применению в осенне-зимний период с ожиданием похолоданий, а также в случае обработки как бетона, так и металла.

Готовые составы композиций после нанесения их на конструкции и вулканизации обеспечивают в процессе эксплуатации нижеследующие свойства физико-механических и эксплуатационно-технических свойств.

Таким образом, как это видно из представленных таблиц, разработанные составы обеспечивают стабильность основных свойств и достаточные характеристики физико-механических и эксплуатационных показателей.

Разработанные и исследованные составы холодных битумно-полимерных композиций за счет использования местных ресурсов обеспечивают значительные технико-экономические преимущества при равных показателях эксплуатационно-технических свойств.

Учитывая разработанные технологические принципы производства предлагаемых материалов и композиций с минимумом капитальных вложений и простотой технологических операций, рассчитанных на использовании малоквалифицированным персоналом, они могут быть применены как при централизованном, так и полевом изготовлении в условиях передвижных и стационарных полигонов, выполняемых службами АВП или представителями дехканских хозяйств.

Андрей ПЕТРОВ, PhD,
Александр ГАЗАРЯН, м.н.с.,
Научно-исследовательский институт
иригации и водных проблем,
Министерства водного хозяйства РУз.

ЛИТЕРАТУРА

1. Попеско А.Н. Работоспособность железобетонных конструкций, подверженных коррозии. СПб.: СПб.гос. архит.-строит. ун-т, 1996. 182 с.
2. Петров А.А. Ремонт бетонных конструкций накопительных сооружений. // Журнал "Гидротехническое строительство", № 7, 2019 г. Стр.125-127.
3. Петров А.А. Холодные битумно-полимерные композиции для антикоррозионной и герметизирующей защиты элементов конструкций ГТС. // Журнал "Гидротехника XXI век", №2 2019 г. Стр. 50.

УДК: 621.182

ИССЛЕДОВАНИЕ

ОСОБЕННОСТИ РАСЧЕТА ПОТЕРЬ ТЕПЛОТЫ ДЛИННЫМИ УЧАСТКАМИ НЕИЗОЛИРОВАННЫХ ТЕПЛОПРОВОДОВ

Issiqlik tarmoqlarida yo'qotishlarni o'lchash imkoniyati tahlili o'tkaziladi. Mavjud yo'qotishlar me'yorlarining tuzilmasini takomillashtirish yo'li issiqlik o'tkazuvchanligining o'ziga xosligi (quvur uzunligining bir metrda) quvurlarni izolyatsiyalash orqali taklif etiladi. Issiqlik tarmoqlarining quvurlarini izolyatsiyalash orqali issiqlikning standart yo'qotishlarini hisoblash bo'yicha tavsiyalar berilgan.

The analysis of possibility of measurement of losses in thermal networks is carried out. The way of perfection of existing structure of norms of losses through isolation of pipelines by their account specific (on one meter of length of the pipeline) is offered heat conductivity. Recommendations about calculation of standard losses of heat through isolation of pipelines of thermal networks are made.

Теплоснабжение – это система обеспечения теплом зданий и сооружений. Централизованные системы теплоснабжения, обеспечивают наиболее экономное использование топлива и имеют наиболее высокие экономические показатели. Потери тепловой энергии через изоляцию трубопроводов тепловой сети технически неизбежны. В современных условиях большая часть потребителей не имеет приборы учета тепла, поэтому отпущенная (продаваемая) им тепловая энергия определяется как разница между измеренной на источнике отпущенной тепловой энергией и потерями в тепловой сети. Расчет тепловых потерь изолированными трубопроводами должен выполняться в соответствии с методиками, изложенными в действующих нормативных документах. Характерным для данной ситуации является то, что тепловой поток в основном определяется термическим сопротивлением тепловой изоляции. При этом коэффициент

теплоотдачи на наружной поверхности покровного слоя мало влияет на величину тепловых потерь и поэтому может быть принят по средним значениям.

Теоретические расчетные зависимости, справедливы для случая, когда входящие в них расчетные коэффициенты теплоотдачи и температура теплоносителя являются постоянными по длине трубопровода. Это достаточно близко соответствует ситуации, когда снижение температуры теплоносителя на участке за счет тепловых потерь невелико и средняя температура теплоносителя мало отличается от начальной. Вследствие постоянства температуры поверхности трубопровода постоянными остаются и значения коэффициентов конвективной и лучистой теплоотдачи с поверхности трубы.

В общем случае падение температуры теплоносителя на коротком участке прямо пропорционально длине трубопро-

вода и его диаметру и обратно пропорционально расходу теплоносителя:

$$\Delta T_w \sim (T_w - T_b) D_n L / G_w. \quad (1)$$

Если же трубопровод имеет малый диаметр, расход невелик, а длина участка достаточно велика, то вследствие значительного изменения температуры теплоносителя изменяется перепад температур между поверхностью трубы и воздухом, а также значение коэффициента лучистой теплоотдачи. Вследствие этого удельные потери теплоты постепенно снижаются от начала участка к его концу, и общие потери тепла уже не пропорциональны длине трубопровода. В этом случае расчет по линейной зависимости может дать слишком большую погрешность в сторону завышения теплопотерь, так как снижение теплоотдачи идет по нелинейному экспоненциальному закону.

Для получения более достоверного результата расчета тепловых потерь в такой ситуации следует расчет вести по уточненным зависимостям, учитывающим экспоненциальный характер снижения теплоотдачи. Для их применения в качестве исходных данных следует обязательно использовать еще один параметр: расход теплоносителя на участке G_w .

Расчетные зависимости могут быть получены из дифференциального уравнения, описывающего процесс тепло-

отдачи с поверхности трубопровода элементарной длины, и дифференциального уравнения, описывающего расход теплоты вследствие остывания воды:

$$\begin{cases} dQ = \alpha_n (T_w - T_b) \pi D_n \cdot dL & (2) \\ dQ = c_w G_w dT_w, & (3) \end{cases}$$

где dQ - теплопотери участка трубопровода элементарной длины;

dL - элементарная, бесконечно малая длина трубопровода; dT_w - снижение температуры теплоносителя на участке элементарной длины; C_w - теплоемкость воды, ккал/(кг °С). $c_w = 1$

Вывод. Нормы потерь предназначены для новых, только что изготовленных, трубопроводов. Не вызывает сомнения, что с годами герметичность и свойства изоляции будут ухудшаться даже при хорошем обслуживании, не говоря о том, которое существует у нас в условиях недофинансирования, снижения дисциплины и уровня контроля. При выводе решения предполагается, что коэффициент теплообмена на поверхности трубопровода остается постоянным. Учитывая, что доля лучистого теплообмена в общем коэффициенте составляет около 15-20%, такое допущение вполне правомерно и не приводит к существенным погрешностям.

Наргиза ТЕМИРКУЛОВА,
ассистент ТашГАУ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Нащокин В.В. Техническая термодинамика и теплопередача. Учебное пособие для неэнергетических специальностей вузов — М.: Высшая школа, 1975 — 496 с. ил.
2. Внутренние санитарно-технические устройства. В 3 ч. Ч. I. Отопление / В.Н.Богословский, Б.А.Крупнов, А.Н.Сканави и др: Под ред. И.Г.Старовойтова и Ю.И.Шиллера. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: Стройиздат, 1990 — 344 с.: ил. — (Справочник проектировщика).
3. Нестеренко А.В. Основы термодинамических расчетов вентиляции и кондиционирования воздуха — 3-е изд., перераб. и доп. — М.: Высшая школа, 1971 — 460 с. ил.
4. СНиП 2.01.07-85. Нагрузки и воздействия.
5. СНиП 2.04.14-88. Тепловая изоляция оборудования и трубопроводов.
6. СНиП 2.01.01-82. Строительная климатология и геофизика.
7. Теплоснабжение: Учебник для вузов/А.А.Ионин, Б.М.Хлыбов, В.Н. Братенков, Е.Н.Терлецкая; Под ред. А.А.Иониной. — М.: Стройиздат, 1982. — 336с., ил.
8. Справочник проектировщика. Проектирование тепловых сетей / под ред. А.А.Николаева. — М.: Стройиздат, 1965. — 365с.

УЎТ: 631.3(575.1)

ТАДҚИҚОТ

ТРАКТОРЛАРГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ПУНКТИНИНГ ҚУРИЛМА ВА УСКУНАЛАР ТАРКИБИНИ ТАНЛАШ

The article describes the technological design of the tractor maintenance point, the method of selection of devices and equipment

Маълумки, пахта-тўқимачилик кластерлари (ПТК)да тракторлардан йил давомида фойдаланилади. Улар ёрдамида ерларни экишга тайёрлаш, уруғ экиш, ўсимликларни парваришлаш, касалликларга қарши кимёвий курашиш ва юklarни ташиш агротехник тадбирлари бажарилади. Демак, тракторларнинг иш қобилиятини сақлаб туриш ва қайта тиклашда таъмирлаш-хизмат кўрсатиш базасининг ўрни бекиёсдир. ГОСНИТИ маълумотлари бўйича, тракторларга рационал техник хизмат кўрсатилганда уларнинг ишланмаси 20-28 фоизга, иш унуми эса 34-46 фоизга ортади. Таъмирлаш-хизмат кўрсатиш базаси самараси меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими, корхона рентабеллиги каби кўрсаткичлар

ёрдамида баҳоланади [1, Б. 227-230]. Таъмирлаш-хизмат кўрсатиш базасидан самарали фойдаланиш эҳтиёт қисмлар ва таъмирлаш материалларига бўлган эҳтиёжни камайтиради, машина-трактор паркиннинг техник тайёрлигини ва хизмат муддатларини оширади. Натижада фермер хўжаликлари ва ПТКнинг моддий-техника базасини мустақамлашга эришилади [2, Б. 5-15].

ПТК таркибида тракторларга техник-хизмат кўрсатиш (ТХК) пунктининг ГОСНИТИ томонидан ишлаб чиқилган қуввати 200 та тракторга мўлжалланган №816-11 намунали лойиҳа асосида барпо этишни ва уни қуйидаги қурилма ва ускуналар билан жиҳозлашни таклиф қиламиз [3, Б. 23].

Электр ва электрон қурилмаларга хизмат кўрсатиш участкаси: электр ва электрон қурилмаларни текшириш учун универсал назорат-синаш стенди (ЕВ 380); электр-электрон ускуналар ва аккумулятор батареяларига хизмат кўрсатадиган қурилма (СЕРИЯ PROF ёки INGCО BATLI228180).

Ёнилғи ва гидравлика системаларига хизмат кўрсатиш участкаси: дизел ёнилғи аппаратурини синаш ва ростлаш стенди (SMC-3002A); форсункаларни таъмирлаш ва текшириш стенди (RT 1000); форсункаларни синаш ва сошлаш стенди (КИ-562Д); дизел ёнилғи аппаратурасига хизмат кўрсатиш ва уни жорий таъмирлаш учун ускуналар жамланмаси (EPS 625); гидроузатмалар агрегатларини синаш стенди (КИ-28097-02М); гидросистемаларни текшириш қурилмаси (КИ-28097-03М).

Механика участкаси: токарлик винт кесиш дастгоҳи (1М63); универсал-фрезалаш дастгоҳи (6Т12); вертикал пармалаш дастгоҳи (2А-135); жилвирлаш дастгоҳи (ЗБ634); асбоблар шкафи (03.002S «СТАНДАРТ»).

Тракторларни ростлаш ва пайвандлаш участкаси: созловчи уста ускуналарининг жамланмаси (СРТО PROF1); чилангар асбобларининг жамланмаси (ПИМ-1514А); чилангарлик столи («KRONVUZ»); ўлчов асбоблари шкафи (ОРГ-1468-07-010); пайвандлаш трансформатори (КИ 002-500); электрпайвандлаш ишлари столи (GRAND 20.10).

Ташқи ювиш участкаси: қўл кучи билан ювиш учун насос қурилмаси (HR-2410GH HD 10/21-4 CAGE); мой босган сиртлар учун буг-сув босимли тозалагич (NEW HR-2410GH).

Диагностикалаш, техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш участкаси: қишлоқ хўжалиги техникалари учун мультисистемали диагностика асбоблари жамланмаси (JALTEST);

диагностика жамланмаси (04.006.01 КТ2); трактор кўтаргичи (ЕНВ907V11DC-2+ TRT412XXX); асбоблар (102 дона) жамланмаси (41021-7 FORCE); двигател мойлаш тизимини ювиш қурилмаси (SKYRACK); солидол мойлагич (KRW1784.A); мой қуйиш қурилмаси (1767.DP); суяқ мойларни тарқатиш қурилмаси (SERVISTO); ҳаво филтрларини тозалаш стенди (ABP-115); форсункалар учун кўчма синаш стенди (EPS-207); ҳаво-поршенли компрессор (БКП LB 750-10-100); чилангарнинг иш столи (034594 GYSLINER); аккумуляторли отвертка (8 BINGCO CSDLI0801 INDUSTRIAL); пайвандлаш жиҳози (MIGWEL-500); қишлоқ хўжалиги машиналарини таъмирлаш кўчма устахона (AGROSERVIS).

Тракторларга ТХК турлари, даврийлиги ва бажариладиган операциялар рўйхати ГОСТ 20793-75 «Қишлоқ хўжалиги тракторлари. Техник хизмат кўрсатиш қодалари» давлат стандартида белгилаб қўйилган [4, Б. 6].

Мазкур стандартга биноан ТХКнинг қуйидаги турларини бажариш талаб қилинади: сменавий ТХК (СТХК) – ҳар сменанинг бошланишидан олдин; биринчи ТХК (1-ТХК) – трактор 250 мотосоат ишлагандан кейин; иккинчи ТХК (2-ТХК) – трактор 500 мотосоат ишлагандан кейин; учинчи ТХК (3-ТХК) – трактор 1000 мотосоат ишлагандан кейин ўтказилади.

Шундай қилиб, тракторларга ТХК пункти таркибидаги қурилма ва ускуналардан тўғри фойдаланилса, йил давомида тракторларнинг иш қобилиятини сақлаб туришга эришилади.

Маъориф ДЖИЯНОВ,
т.ф.ф.д., (PhD),
ТошДАУ.

АДАБИЁТЛАР

1. В.В. Варнаков, В.В. Стрельцов, В.Н. Попов, В.Ф. Карпенко Технический сервис машин сельскохозяйственного назначения. – М.: Колос, 2003. – 253 с.
2. Экономика технического сервиса на предприятиях АПК / Ю.А. Конкин, К.З. Бисултанов, М.Ю. Конкин и др.; под ред. Ю.А. Конкина. – М.: Колос, 2005. – 368 с.
3. Рекомендации по организации участков технического обслуживания и текущего ремонта тракторов новых марок в районных объединениях (отделениях) «Сельхозтехника» / Н.М. Хмеловой, Ш.А. Еремеев, В.И. Деревянченко, М.Д. Аденьев. – М.: ГОСНИТИ, 1977. – 27 с.
4. Рекомендации по организации технического обслуживания машинно-тракторного парка в колхозах и совхозах / А.В. Ленский, В.С. Пиклин, В.С. Полубояров и др. – М.: ГОСНИТИ, 1982. – 59 с.

УЎТ: 631.31.06


ТАДҚИҚОТ

ПУШТАЛАРГА ЭКИШ ОЛДИДАН ИШЛОВ БЕРАДИГАН МАШИНА

В статье представлена машина для предпосевной обработки гребней, её устройство, процесс работы, техническая характеристика и результаты испытаний.

The article presents a machine for pre-sowing processing of ridges, the device, the process of operation, technical characteristics and the results of its tests.

Ҳозирги пайтда хўжаликларда пушталарга экишдан олдин ишлов бериш тадбири чопиқ тракторларига ўрнатилган тишли тирмалар ёрдамида амалга оширилиши оқибатида пушталарнинг ёнбағирлари ва эгатларида тупроқдаги намнинг сақланишини



(а)



(б)

Ишлаб чиқилган пушталарга экиш олдида ишлов берадиган машинанинг умумий (а) ва иш жараёнидаги (б) кўринишлари

таъминловчи майин қатлам ҳосил бўлмайди ҳамда униб чиқаётган бегона ўтлар тўлиқ йўқотилмайди. Бу эса пушталарни бегона ўтлар босиб кетиши ҳамда тупроқдаги намнинг

йўқотилишига олиб келади. Бундан ташқари, тишли тирмаларни қўллаш пушта профилининг қисман бузилиши, айниқса, баландлигининг сезиларли даражада камайишига олиб келади.

1-жадвал.

Пушталарга экиш олдида ишлов берадиган машинанинг техник тавсифи

Т/р	Кўрсаткичларнинг номланиши	Кўрсаткичларнинг ўлчов бирлиги	Кўрсаткичларнинг қиймати
1.	Тури	-	Осма
2.	Қўшиб ишлатиладиган трактор класс (русуми)	-	1,4 (ТТЗ-80-11, МТЗ-80Х)
3.	Қамров кенлиги	м	3,6
4.	Иш тезлиги	м/с	2,0-2,5
5.	Бир ўтишда ишлов бериладиган пушталар сони	дона	4
6.	Ишлов бериш чуқурлиги: - пушта эгатларига - пушта ёнбағирларига - пушта устига	см	8-10 4-6 4-6
7.	Асосий вақтдаги иш унуми	га/соат	2,6-3,2
8.	Массаси	кг	550±20

2-жадвал.

Синовлар ўтказишдан олдин пушта тупроғининг намлиги, қаттиқлиги ва зичлиги

Тупроқ қатлами, см	Намлиги, МПа		Қаттиқлиги, %		Зичлиги, г/см³	
	Пуштада	эгатда	пуштада	эгатда	Пуштада	эгатда
0 – 5	14,91	16,75	0,65	0,70	1,21	1,26
5 – 10	16,54	18,10	0,89	0,97	1,26	1,45
10 – 20	17,70	19,69	1,03	1,29	1,33	1,50

3-жадвал.

Пушталарга экиш олдида ишлов берадиган машина синовларининг натижалари

№	Кўрсаткичларнинг номи	Кўрсаткичларнинг қийматлари		
		Дастлабки талаблар бўйича	Синовлар натижалари бўйича	
1.	Ҳаракат тезлиги, м/с	1,7-2,5	1,9	2,5
2.	Қуйидаги ўлчамли (мм) фракциялар миқдори, %: >50 25-50 <25	<5 — >80	3,76 13,11 83,13	3,08 11,18 85,74
3.	Бегона ўтларнинг йўқотилиш даражаси, %	>95	95,6	97,4
4.	Ишлов бериш чуқурлиги, см: - пушта эгатларига - пушта ёнбағирларига - пушта устига	8-10 4-6 4-6	9,2 5,4 4,9	8,6 4,8 4,5
5.	Пушта баландлигининг камайиши, см	<3	2,37	2,06
6.	Асосий вақтдаги иш унуми, га/соат	2,20-3,24	2,46	3,20

Натижада, уруғларнинг бир текис униб чиқиши, ниҳолларнинг ривожланиши ва ҳосилдорликка путур етади.

Ушбу таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида пушталарга чигит экишдан олдин уларнинг бутун профили бўйича ишлов бериш учун мўлжалланган машина ишлаб чиқилди (расмга қаралсин). У рама 1 ва унга ўрнатилган осиб курилмаси, таянч ғилдираклар 2, ўқёйсимон панжалар 3, тортқилар 5 ва 9, ротацион юмшаткичлар 6, босим пружиналари 7 ва 10 ҳамда планкали ғалтакмолалар 11 дан ташкил топган бўлиб (расм, а), иш жараёнида ўқёйсимон панжалар пушталар эгатлари тубини, ротацион юмшаткичлар уларнинг ёнбағирларини, планкали ғалтакмолалар эса пушталар тепасини юмшатиб, уларнинг бутун профили бўйича тупроқдаги намни сақланишини таъминловчи майин қатлам ҳосил қилиб, униб чиқаётган бегона ўтларни тўлиқ йўқотиб кетади (расм, б).

1-жадвалда пушталарга экиш олдида ишлов берадиган машинанинг техник тавсифи келтирилган.

Пушталарга экиш олдида ишлов берадиган машинанинг синовлари О'з ДСт 3412:2019 "Қишлоқ хўжалиги техникасини синаш. Тупроқ юзасига ишлов берувчи машиналар ва қуроллар. Синов дастури ва усуллари" ва О'з ДСт 3193:2017 "Қишлоқ хўжалиги техникасини синаш. Машиналарни энергетик баҳолаш усули" бўйича институт тажриба участкасининг 6-даласида ўтказилди. Бунда у МТЗ-80Х тракторига уланиб ишлатилди.

Синовлар ўтказилишидан олдин тупроқнинг намлиги ва қаттиқлиги аниқланди. Уларнинг натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тупроқнинг қаттиқлиги, намлиги ва зичлиги эгат ичида пуштага нисбатан юқори бўлган.

Машина ўтишидан олдинги пуштанинг баландлиги ўртача 22,18 см ни, ўртача квадратик четланиши эса ±1,24 см ни ташкил этди.

Синовларни ўтказишда пушталарга экиш олдида ишлов берадиган машинанинг ҳаракат тезлиги, тупроқнинг уваланиш сифати, бегона ўтларнинг йўқотилиш даражаси, ишлов бериш чуқурлиги ва иш унуми аниқланди. Уларнинг натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Синовларда пушталарга экиш олдида ишлов берадиган машина белгиланган технологик жараёни ишончли бажарди. Унинг иш кўрсаткичлари ҳар иккала ҳаракат тезлигида ҳам дастлабки талаблар даражасида бўлди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин, ишлаб чиқилган пушталарга экиш олдида ишлов берадиган машинанинг иш кўрсаткичлари унга қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради ва уни қўллаш иш сифати ва унумини оширади ҳамда меҳнат ва ёнилғи сарфини

1,3 марта камайтиради.

Абдусалим ТҲУҲТАҚҶЗИЕВ,

т.ф.д., профессор,

Хуршед АБДУЛҲАЕВ,

т.ф.ф.д., катта илмий ходим,

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти.

УЎТ: 631.3(575.1)

ТАДҚИҚОТ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА РАСМИЙ ВА НОРАСМИЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

This article describes the content of official and unofficial institutions (rules) in agriculture and their differences.

Институтларнинг энг муҳим функцияси - жамиятдаги муносабатларнинг барқарор таркибини ўрнатиш орқали одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан содир бўладиган ноаниқлик омилини камайтиришдир. Бу ёндашув янги институционал иқтисодий назария классикларининг тадқиқотларида шакллантирилган [1]. Бундан ташқари, нафақат иқтисодиётда барқарор муносабатлар тизимини қуриш, балки ноаниқликни камайтириш ва ушбу ресурсларга сарф қилинадиган харажатларни минималлаштириш лозим, бу эса ноаниқлик даражасини камайтирадиган институтлар инсон хулқ-атворини рационаллаштиришга имкон беради, бошқаларга нисбатан самаралироқ эканлигини кўрсатади. Бунда институтларнинг шаклланишини инсон фаолиятининг маҳсули, яъни кишиларнинг хўжалик фаолияти учун ички жараён сифатида талқин қилиш мумкин [2].

Институтларнинг моҳиятини ва уларнинг жамиятдаги ролини тушунишга ёрдам берадиган муҳим тамойили - ижтимоий хулқ-атвор нормаларини норасмий ва расмий қоидаларга таснифлаш ҳисобланади.

Норасмий қоидалар деганда ёзма шаклда қайд этилмаган ва нодавлат тартибот механизмлари билан қўриқланадиган иқтисодий агентларнинг хатти-ҳаракатларини чекловчи нормалар тушунилади. Уларни аниқ тасвирлаш ўта мураккаб вазифадир. М.И.Одинцова уларни қуйидагича таснифлайди [5]: истеъмол меъёрлари (одоб-ахлоқ қоидалари, кийиниш услуги); ўзаро манфаатдорлик меъёрлари (совғалар бериш, нимадир билан алмашиш); жазо нормалари (қасос); ҳамкорлик нормалари (овоз бериш ёки солиқ тўлаш); тақсимот нормалари (адолат ва тенглик); меҳнат муносабатларини тартибга солувчи нормалар.

Норасмий қоидалар жамиятни ташкил этишнинг дастлабки босқичларида пайдо бўлади ва бир авлоддан кейинги авлодга ўқитиш ва тақлид қилиш орқали узатилади. Норасмий институционал муҳитнинг асосий элементи инсон ўзаро муносабатларини тартибга солувчи нормадир. Айнан нормалар шахснинг жамиятдаги қайси хатти-ҳаракати нормал, қайсиси девиант эканлигини белгилаб беради. Шу билан бирга, шартларга риоя қилиш – жазо чораларига асосланган ихтиёрий ва мажбурий тавсифга эга.

Расмий қоидалар - бу шахсларнинг хатти-ҳаракатларига яққол чеклов сифатида намоён бўладиган ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими (суд тизими, полиция, турли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари) томонидан назорат қилинадиган расмий манбада қайд этилган нормалар. Расмий қоидалар давлатнинг уларни амалга оширишга мажбур қиладиган ажралмас ҳусусияти деб ҳисоблаш табиий. Расмий қоидалар сиёсий ва иқтисодий қоидалар ва шартномалардан иборат. Д.С.Норд бу институцияларни мажмуи қуйидагича тасвирланган: «Бу қоидаларнинг иерархияси - конституциялардан тартиб мақом ва оддий ҳуқуқгача, қонун чиқарувчи фармон ва фармойишларгача ва ниҳоят, алоҳида шартномаларгача - умумий ва ўзига хос чекловларни ташкил этади»[4].

Расмий ва норасмий қоидалар ўртасидаги асосий фарқлар қоидаларни ким белгилашига ва уларнинг бажарилишини назорат қилишига асосланади. Бу фикр австриялик иқтисодчи Ф.А. Хайекнинг асарларида акс эттирилган, унда улар ўз-ўзидан ва ҳуқуқий тартиб сифатида қаралган. Шундай қилиб, одамлар институциялар тизимига киритилганда ва ундан четга чиқмаганларида ўз-ўзидан тартиб ўрнатилади, чунки бу қўшимча харажатларга олиб келади. Шу билан бирга, бундай девиант хулқ-атворга рухсат беришнинг ҳуқуқий механизмлари мавжуд эмас. Ҳуқуқий тартиб давлат томонидан қонунлар орқали ўрнатилади ва уларнинг бузғунчиларини жазолайди [3]. Агар расмий қоидалар сунъий равишда ихтиро қилинса ва мажбуран бажарилса, норасмий қоидалар ўтган жараёнлар билан белгиланади. Расмий қоидалар жуда тез ўзгариши ёки йўқ қилиниши мумкин, норасмий қоидалар эса анча барқарор ва сезиларли вақт давомида ўзгариши мумкин.

Мамлакатимиз олимлари ҳам институт негизида расмий ва норасмий нормалар туришини қайд этган. Хусусан, Б.Беркинов, Р.Х.Ташматовларнинг таъкидлашича: “жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи расмий қоидалар ва норасмий меъёрлар тизими. Институтлар асосини унинг таркибий қисмлари ҳисобланган нормалар ташкил этади” [8,9]. Шуни ҳисобга олган ҳолда ушбу таърифдан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигида қонунчиликни такомиллаштириш зарурлиги асосланган ва тақлифлар берилган [10].

Бироқ, барқарорлаштириш механизмларига асосланган институтлар ҳам мавжуд. Бу институтларнинг баъзилари мувофиқлаштириш самараси асосида пайдо бўлади (нормадан фойдаланувчилар сони қанча кўп бўлса, ундан четга чиқишда ҳар бир алоҳида шахс қанчалик катта зарар кўрса, ундан четга чиқиш мақсадга шунчалик кам мувофиқ бўлиб, одамлар қоидаларга шунчалик кўп мувофиқ ҳаракат қиладилар). Бошқалар зиддият ёки маданий инерция таъсирига асосланади

(вақт ўтиши билан нормалар бир-бирига боғланади ва уларнинг ўзгариши юқори трансакция ва трансформация харажатларига олиб келади) [6]. Бундай институтлар ижобий тескари алоқа билан барқарорлаштириш механизмларига асосланади (уларнинг аксарияти норасмий институтлардир).

Зухра РЕЙМБАЕВА,
Қорақалпоқ давлат университети
2-босқич таянч докторанти.

АДАБИЁТЛАР

1. Coase R. The Regulated Industries: Discussion / R. Coase // American Economic Review. 1964. - Vol. 54. - P. 194-197.
2. D.North. Institutions, Institutional Change and Economic Performance, 1990.
3. Feser E. The Cambridge Companion to Hayek. – Cambridge University Press, 2006. p. 3-5.
4. Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики: Пер. с англ. А.Н. Нестеренко; предисл. и науч. ред. Б.З. Мильнера. – М.: Фонд экономической книги «Начала», 1997. С.68.
5. Одинцова М.И. Институциональная экономика: учебник для академического бакалавриата / М.И. Одинцова. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2015. – С.34.
6. Полтерович В.М. Институциональные ловушки и экономические реформы / В.М. Полтерович // Экономика и мат. методы. М.: 1999. № . – С. 7-10.
7. Рудакова И.Е. Экономическая теория перед новыми вызовами: методологический аспект / И.Е. Рудакова // Вестник Московского университета. Серия 6. Экономика. 2014. №4. – С. 80.
8. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Дарслик, 3-нашр, Т.: Иқтисодиёт, 2018. – 226 б.
9. Ташматов Р.Х. Қишлоқ хўжалигини институционал ривожлантириш. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. - 160 б.
10. Ташматов Р.Х. Ўзбекистон ҳудудлари аграр секторини ривожлантиришнинг назарий, услубий ва институционал асослари: шарҳ, таҳлил ва прогноз. Монография. – Т.: Иқтисодиёт дунёси. - 2021. - 260 б.



ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:

- ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ
- ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
- ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ
- ТРЁХСЛОЙНАЯ
- МЕШКИ И ПАКЕТЫ



Надёжная полимерная продукция от производителя



Адрес: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Янги Олмазор 51.

 **(+998) 94-638-33-33**
 **(+998) 95-142-31-19**
 **(+998) 97-342-50-08**
 **polimergalantery@mail.ru**
 **www.polimergalantery.uz**



Chorvador.uz

ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА




Резина ётоқлар



УТТ аппарати



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик комплексларини лойиҳалаштириш



Сигир елинини дезинфекция қилиш
ва ускуналарни ювиш воситалари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари



Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари



Сигир соғиш ускунаси ва заллари



Тошкент ш., Аҳмад Дониш 22;
тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55;
+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.
E-mail: chorvador@chorvador.uz
www.chorvador.uz

ҒАЛЛАЧИЛИК ИЛМИ ДАРҒАСИ

16 ёшида ўрта мактабни тамомлаган Равшанбек Сиддиқов аъло баҳоларга эга бўлса-да, синфдошлари қатори бирорта ҳам олий даргоҳга ҳужжат топширмади. Аксинча, ишчиликка қабул қилишни сўраб, Қўрғонтепа туманидаги “Ҳонобод” давлат хўжалиги раҳбари номига ариза топширди...

У хўжаликдаги иш фаолияти асносида агроном бўлишни ният қилиб, устозлари этагини маҳкам ушлади. Деҳқончилик сир-синаотини ўрганишга аҳд қилган ёш йигит атрофидаги тажрибали инсонларнинг ишини синчковлик билан кузатиб юрар экан, орадан маълум вақт ўтиб, собиқ Андижон пахтачилик институти-нинг агрономия факультетида сирдан таълим олишга киришди.

Мана, ўшандан бери орадан 50 йил ўтди. Бу вақт оралиғида Равшанбек Сиддиқов ҳаёт пиллапоясини қадамма-қадам босиб ўтиш баробарида ўзига юклатилган вазифаларни собитлик билан адо этиб келмоқда. Хўжаликда ёшлар етакчиси, раҳбар ўринбосари, бош агроном, хўжалик раҳбари, вилоят партия қўмитасида йўриқчи, агрофирма бош директори, Қўрғонтепа тумани ҳокими каби масъулиятли лавозимларда ишлади.

2002 йил кузидан буён эса, Равшанбек ака Андижондаги Республикада ягона бўлган Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори лавозимида ишлаб келмоқда ва бу йўналишда эътиборли натижалар яратилишига бош-қош бўлаётди.

Ишлаб чиқариш жабҳасида илм билан боғлиқ жиҳатларни ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш осон эмас. Ундаги интилиш эса дала шароитида кўплаб тажрибаларга, тадқиқотларга қўл уришига илҳом берди. Кузатишлар, тажрибалар ва олинган натижалар қиёсидан иборат бўлган номзодлик диссертацияси устозларга маъқул бўлди. Илмий кенгаш бир овоздан унга қишлоқ хўжалиги номзоди даражасини лозим кўрди.

19 йилдан буён ғаллачилик маркази бўлмиш даргоҳда бошқоқли, озуқа ва

мойли экинлар селекцияси бўйича илмий ва амалий ишлар кўлами кенгайди. Жумладан, “Звезда”, “Давр”, “Бобур”, “Ўзбекистон”, “Ёғду”, “Навбахор” каби навлар яратилди ва кенг майдонларни эгаллади. Бундан олинган иқтисодий самарадорлик бир неча миллиард сўмни ташкил этади.

Р.Сиддиқов томонидан яратилган “Марс-1”, “АСР”, “Давр”, “Андижон-2”, “Бобур”, “Чиллаки”, “Юлдуз”, “Омад”, “Матонат” навлари республикамизнинг 350 минг гектардан ортиқ майдонларида экилмоқда. Айрим илғор фермер хўжаликлари улардан 80-100 центнердан ортиқ ғалла ҳосили олишмоқда.

Ғалла мустақиллиги сари ҳаракатлар бошланган даврда уруғлик бугдойнинг салмоқли қисми Россиядан олиб келинар эди. Ҳозирда бу борадаги вазият бошқача. Яъни, вагонлаб бугдой уруғи сотиб олишлар барҳам топди. Фақат юқори авлодли уруғликлар олиниб, Андижонда кўпайтирилгач, вилоятларга етказиб берилмоқда. 2022 йил ҳосили учун 7591 тонна юқори авлодли кўпайтириш кўчатзори ҳамда суперэлита уруғликлари фермерларга етказиб берилди.

Ҳозирда Андижонлик селекционерлар ва тадқиқотчилар хориждаги қатор бошқоқли, дуккакли, мойли ва озуқа экинлари илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишган. Институтнинг илмий салоҳияти ортиши билан боғлиқ янгиланишлар изчил давом эттирилмоқда. Ўринбосарлар тайёрлаш тизимли равишда ташкиллаштирилмоқда. Бу ёқда, тармоқ лабораторияларининг жаҳон андозалари даражасида жиҳозланиши боис илмий-тадқиқот ишлари сифати ортаётди. Ўсимликшунослик, селекция ва уруғчилик ихтисосликлари бўйича қишлоқ хўжалиги фалсафа доктори илмий даражаларини олиш бўйича таянч докторантура ташкил этилди.

Институтда илмий-тадқиқот ишлари самарасида яратилаётган монографиялар, рисоалар ва тавсияларнинг салмоғи ортмоқда. Институтда, филиалларда ташкил этилаётган конфе-



ренциялар, кўргазмали семинарларда тажрибали олимлар қаторида фаол фермерларнинг ҳам иштироки кенгаймоқда.

Равшанбек Сиддиқовнинг ғайрат-шижоатига тан бермасдан илож йўқ. Унинг тадқиқотлар юзасидан Республикамизнинг барча ҳудудларида хизмат сафарларида бўлиши ва бошқоқли экинлар агротехникаси бўйича олиб борадиган мулоқотлари фермерлардаги илмга бўлган муносабатнинг ижобий томонга ўзгаришига хизмат қилмоқда.

Ҳозирги пайтда Р.Сиддиқовнинг илмий раҳбарлигида 1 нафар докторант, 3 нафар таянч докторант ҳамда 1 нафар мустақил изланувчилар илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида 2020 йилда 7 та янги кузги бугдой навларига Интеллектуал мулк агентлиги томонидан патентлар олинди.

Ўтган йили Республика мустақиллиги куни арафасида Равшанбек Сиддиқов “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, Андижондаги Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори Равшанбек Сиддиқов табарруқ 70 ёшини кутиб олаётган бўлса-да, ҳали навқирон, куч-ғайрати баланд, илмий ва ҳаётий салоҳияти юқори. Бир гуруҳ дўстлари, тенгдошлари ва шогирдлари номидан у кишига сиҳат-саломатлик, олиб бораётган ҳамма ишларида омаду зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

Қобилжон АСҚАРОВ,
Андижон вилояти.

ТАҲРИРИЯТДАН: Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, РҒА академиги Равшанбек Сиддиқов бир неча йилларки, журналимиз таҳрир ҳайъати аъзосидир. Қишлоқ хўжалик йилининг деярли ҳар бир ойи бошланишидан олдин олимнинг донли экинлардан юқори ҳосил олиш борасидаги илмий асосланган тавсияларини журналимиз мунтазам чоп этиб боради. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бу борада Р.Сиддиқов илм ва амалиёт ўртасидаги мустаҳкам кўприқдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Биз Равшанбек Сиддиқовга мустаҳкам соғлиқ, илмий фаолиятида муваффақиятлар тилаб, бу каби самарали ҳамкорликларимиз яна кўп йиллар бардавом бўлишини чин дилдан сўраб қоламиз.

Ҳурмат билан

“Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали ижодий жамоаси.

УСТОЗ ОДИЛЖОН АКА



Фарғона политехника институти “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси” кафедраси профессори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, Одилжон Ибрагимов 70 ёшга тўлди.

Одилжон Ибрагимов 1976 йил сентябр ойдан Фарғона шаҳрида Тошкент Давлат Аграр университетининг филиали очилиши муносабати билан “Агрономия ва деҳқончилик асослари” кафедрасига ишга таклиф қилиниб, катта лаборант, ассистент ва катта ўқитувчи лавозимларида 1985 йилгача фаолият кўрсатди.

О.Ибрагимов шу давр оралиғида, яъни 1978-1982 йилларда Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти аспирантурасида таҳсил олишга улгурди. У 1983 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, фан ва техника арбоби, профессор Борис Алеев раҳбарлигида “Ўза тупига шакл бериш омилининг пахта ҳосили ва толасининг сифатига таъсири” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1984 йилда унга катта ўқитувчи унвони берилди.

Ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ёш олим 1985 йилда Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Фарғона филиалига директор этиб тайинланди. Филиалда унинг раҳбарлигида “Ўза навлари бўлими”га асос солинди, ўнлаб ёш кадрлар ишга таклиф этилди, издан чиққан ишлаб чиқариш тизими тикланди. Вилоят пахтачилигида нуфузли олимлар томонидан пахта ҳосилдорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш амалиёти мунтазам ташкил этилди.

Қисқа муддат ичида О.Ибрагимов томонидан филиалнинг қорамол фермаси тубдан янгиланиб, зотдор насли моллар билан алмаштирилди. Янгидан 20 гектар мевали боғлар ташкил қилинди.

Олим ўша даврларда вилоятда ўза уруғчилигини яхшилаш, ўзанинг биологик хусусиятлари ва ташқи омилларнинг ўза ўширивожланишига таъсири, ўсимликда ҳосил элементлари тўкилишининг олдини олиш, ўзани плёнка остига экиш каби кўплаб муҳим илмий муаммолар устида изланишлар олиб борди ва уларга бевосита раҳбарлик қилди. У нафақат илмий тадқиқотларни ўтказишда, балки филиалнинг моддий-техника базасини яратишда, лабораторияларни замонавий асбоблар билан жиҳозлашда ҳам бир қанча ишларни амалга оширди.

Институт филиалида оралиқ экинлар уруғчилиги, беда ўсимлигининг элита уруғлигини етиштириш йўлга қўйилиб, беда ҳосилдорлиги 4-5 ц/га га, пахта ҳосилдорлиги эса 40 ц/га га кўтарилишига эришилди.

У киши 1997-2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш марказининг Фарғона вилояти бўлимини ташкил қилди ва бошлиқ лавозимида фаолият олиб борди. Фарғона вилоятида илмий-амалий тадқиқот ишларини мувофиқлаштирувчи ягона пахтачилик кенгашини бошқарди. Яна, Одилжон ака ўша йилларда ширкат фермер хўжалиги раҳбарлари ва қишлоқ хўжалиги ходимларининг ўқишларини ташкил қилди ҳамда уни бошқарди.

Олимнинг саъй-ҳаракати билан 2001 йилда Вилоят “Дон уруғчилиги бирлашмаси” ташкил қилинди.

О.Ибрагимов бутун илмий, ташкилий ва раҳбарлик фаолияти давомида Республикаимизнинг пахтачилик ва ғаллачилик тармоғини ривожлантиришга, сифатли озиқ-овқат

маҳсулотлари захирасини таъминлашга ва юқори ҳосил етиштиришга хизмат қилиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор О.Ибрагимов мустақиллик йилларида янги технологияларни жорий этишда кенг тарғиботчи ва ташвиқотчи сифатида самарали меҳнат қилди.

О.Ибрагимов томонидан аграр соҳага оид бир қатор зарурий тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган. Шунингдек, “Ўза ўсимлигини жадаллатиб ўстириш технологияси”, “Фарғона вилоятида экиладиган ўза навларидан юқори ҳосил олиш агротехникаси”, “Ўзбекистонда анорчиликни ривожлантиришнинг истиқболлари”, “Пахтани етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш технологияси”, шунингдек, пахта ва буғдойдан юқори ҳосил етиштиришга қаратилган кўплаб дарслик, монография, ўқув ва амалий қўлланмалар, тавсияномалар яратилган.

Унинг раҳбарлигида 3 нафар фан доктори, номзодлари ва ўнлаб магистрлар диссертация ишларини ҳимоя қилишди. Ҳозирда 5 нафар ёш олимларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Юқоридаги баён қилганларимизни батафсил ҳисобга олган ҳолда, Одилжон Ибрагимовни диёнатли, тили билан дили бир, улуғ устозларнинг тарбия ва дуоларини олган, иймонли Устоз деб айтишга тўла ҳақлимиз.

Жамолхон АХМЕДОВ,
б.ф.д., профессор,
Алишер ОМОНТУРДИЕВ,
б.ф.д., профессор,
Фатхулло ТЕШАЕВ,
қ.х.ф.д., профессор.

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrar-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ
ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV
XO'JALIGI VAZIRLIK LARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Shuhrat G'ANIYEV
Jamshid XO'JAYEV
Shavkat XAMRAYEV
Shuhrat TESHAYEV
Azimjon NAZAROV
Bahodir TOJIYEV
Ravshan MAMUTOV
Abrol VAXOBOV
Bahrom NORQOBILOV
Nizomiddin BAKIROV
Bahodir MIRZAYEV
Ravshanbek SIDDIQOV
Mirziyod MIRSAIDOV
Baxtiyor KARIMOV
Ibrohim ERGASHEV

2022-yil,
Mart №3.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi" jurnalidan olindi,
deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Қишлоқ хўжалигида сувни
тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида.....	1
Ш.ХАМРАЕВ. Тежамкорлик – сув танқислигини енғади.....	4
Р.СИДДИҚОВ, И.АДАШЕВ, Н.ЮЛДАШЕВА. Бугунги имкон – эртанги хирмон.....	6
Ҳ.АБДУЛЛАЕВА. Боғларда баҳор кезмокда.....	8
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Сабзавоткор ишлари авж олмокда.....	10
М.ТОШБОЛТАЕВ. Ғалла комбайнларини таъмирлаш ва қабул қилиш.....	12
Давлат-хусусий шерикчилик: сувдан самарали фойдаланиш омили.....	14
К.ЭРҒАШЕВ. Ипакчи Онархон опа.....	15
Ш.ЖАББАРОВА. Сувчилар алоқачиси Нонна.....	16
М.МУҲАММЕДОВА. Гендер масалалари доимий эътиборда.....	17
Б.СУЙОНДИКОВ. Ҳамон фаол меҳнат фаҳрийси.....	18
Ш.НОРМУРОДОВ. Ғаллачилик кластерлари – истикболли ташаббус.....	20
К.ҲАЙИТБОЕВ. Устоз изидан.....	21
Х.КАРИМОВ. Давр билан ҳамнафас бўлиб.....	23
Иштихонлик ветеринарлардан хайрли ташаббус.....	25
Б.ҲАЙИТБОЕВ. Фермер ва тадбиркорлар манфаати доимий эътиборда.....	26
Б.ЎРОЗОВ, П.ИБРАГИМОВ, Ф.ТОРЕЕВ, Г.ШОДМОНОВА. Ғўзанинг оддий ва мураккаб дурағайлаш натижасида яратилган тизмаларининг тола сифат кўрсаткичлари	28
Т.ОСТАНАҚУЛОВ, Д.УМИРОВА. Ўта эртаги тарвуз етиштириш: дурағайлари ва агротехнологияси.....	29
Н.ОТАМИРЗАЕВ, Р.ИБОДУЛЛАЕВА. Шолидаги асосий зараркундалар мониторинги.....	30
К.ХИДИРОВ, Р.РУЗИЕВ, У.АСРАЕВ. Формирование мясной продуктивности симментальских бычков.....	31
М.РАХМАТАЛИЕВ, Н.АКРАМОВА. Республикамизда тухум етиштиришнинг ҳолати ва таҳлили.....	33
Ф.ИСАКОВА. Механизация процессов кормления рыб.....	34
Ш.УСМАНОВ, М.ЯКУБОВ, Ш.ТЎРАЕВ. Сувни тежайдиган технология – томчилятиб суғоришнинг жорий этилиши.....	35
А.ПЕТРОВ, А.ГАЗАРЯН. Транспортирующие ирригационные системы и проблемы их герметичности.....	38
Н.ТЕМИРКУЛОВА. Особенности расчета потерь теплоты длинными участками неизолированных теплопроводов.....	39
М.ДЖИЯНОВ. Тракторларга техник хизмат кўрсатиш пунктнинг қурилма ва ускуналар таркибини танлаш.....	40
А.ТЎХТАҚЎЗИЕВ, Х.АБДУЛҲАЕВ. Пушталарга экиш олдида ишлов берадиган машина.....	41
З.РЕЙМБАЕВА. Қишлоқ хўжалигида расмий ва норасмий институтларнинг моҳияти... 43	
Қ.АСҚАРОВ. Ғаллачилик илми дарғаси.....	46
Ж.АХМЕДОВ, А.ОМОНТУРДИЕВ, Ф.ТЕШАЕВ. Устоз Одиложон ака.....	47

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 2019-yil 10-yanvarda 0158-raqam
bilan qayta ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 100004, Toshkent sh.,
Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

Veb sayt: qxjurnal.uz
E-mail: qxjurnal@mail.ru,
Telegram: qxjurnal_uz
Facebook: qxjurnal

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2022-yil 2-mart.
Bosishga ruxsat etildi: 2022-yil 2-mart. Qog'oz
bichimi 60x84 1/8. Ofset usulida ofset qog'oziga
chop etildi. Shartli bosma tabog'i – 4,2. Nashr bosma
tabog'i – 5,0. Buyurtma № 5. Nusxasi 1400 dona.

«HILOL MEDIA» MCHJ matbaa
bo'limida chop etildi.

Korxona manzili: Toshkent shahri, Uchtepa
tumani, Sharaf va To'qimachi ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrir – B.ESANOV
Dizayner – U.MAMAJONOV

Озод ва обод юртимиз аҳолисини,
заҳматкаш чорвадорларимизни
яшарини ва меҳр-мурувват байрами –

Наврӯз айёми

билан чин дилдан муборакбод этамиз.
Барчангизга Ватанимизнинг янада
гуллаб-яшнаши йўлида олиб бораётган
ишларингизда улкан муваффақиятлар
тилаймиз. Наврӯз хонадонларингизга
олам-олам қувонч ва шодлик олиб келсин!



Навобий вилояти Ветеринария ва
чорвачиликни ривожлантириш
бошқармаси жамоаси.



**ЖИЗЗАХ БОШ НАСОС
СТАНЦИЯЛАРИ БОШҚАРМАСИ
жамоаси**

*Ўзбекистон халқини ёшариш ва
янгилашни байрами —*

Наврўзи айём

билан муборакбод этади.

*Ота-боболаримиздан мерос —
шарқона Янги йил қутлуг
бўлсин, азизлар!*

*Йил бўйи кўнгилларни
баҳорий кайфият
асло тарк этмасин.*

